

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“Матбуот назарияси ва амалиёти” кафедраси

**Қўлёзма ҳуқуқида:
УДК:070:654.19:347.83(575.1)**

Марулов Хуршид Рахимжонович

Сайди Умиров журналист, публицист, мунаққид

**5A220101-Журналистика
(Олий журналистика курслари)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: ф.ф.д., доцент
Я.Маматова**

ТОШКЕНТ - 2018

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I – БОБ. САЙДИ УМИРОВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.....	9
1.1 Сайди Умировнинг ҳаёт йўли.....	9
1.2 Сайди Умиров публицист сифатида шаклланишида олим ва мунаққид Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ўрни.....	21
II – БОБ. ПУБЛИЦИСТ САЙДИ УМИРОВ ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	33
2.1 Публицист ижодида Ватан мавзуси.....	33
2.2 Сайди Умиров публицистикасида ижодкор шахс образи.....	43
2.3 Сайди Умиров ижодида Чингиз Айтматов мавзусининг талқини.....	55
III – БОБ. ИЖОДКОРНИНГ МАҲОРАТ ЛАБОРАТОРИЯСИ.....	68
3.1 Сайди Умировнинг мунаққидлик санъати.....	68
3.2 Сайди Умиров ижодининг жанрий жиҳатлари.....	78
3.3 Муаллиф тили тили ва услубининг ўзига хослиги.....	87
ХУЛОСА.....	98
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	103

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида оммавий ахборот воситалари(ОАВ)нинг жадаллик сари илдамлаб бориш аҳамияти билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ОАВда, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этишга, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолатни, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтиришга таъсирини ошириш кун тартибига қўйилган¹. Давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришида, давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумотларни аҳолига тезкорлик билан етказилишида ОАВнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ОАВ фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб, бу соҳа учун замоннинг шиддатли даъватларига жавоб бера оладиган янги авлод журналист кадрлар тайёрлаш² каби долзарб вазифаларни кун тартибига қўйдилар. Бундай кенг қўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетининг³ ташкил этилиши замонавий касбий малака ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдаги собит қадам ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.// Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида. //www. Lex.uz. 07/ 02/ 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //www. uza.uz / -22-12-2017

³ Ўша жойда.

Бу маънода Ўзбекистон Республикасида хизмат кўсатган мураббий, филология фанлари номзоди, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети доценти Сайди Умиров ярим асрдан зиёд давр мобайнида журналист кадрлар тайёрлаш жабҳасида кенг кўламли фаолият юритадилар. Шунингдек, Сайди Умиров республика жамоатчилиқ ўртасида энг аввал қалами ўткир ва ҳозиржавоб журналист, публицист ва мунаққид сифатида танилганлар. Улар республикамизнинг етакчи нашрлари ҳисобланган “Хуррият”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталари, “Тулистон”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти” журналларида юзлаб адабий-бадiiй мақолалари, публицистик тадқиқотлар, эссе ва хотира-очерклар чоп этганлар.

Жорий йилда муборак 80 ёшни қаршилаган устоз Сайди Умиров қатор илмiiй тадқиқотлар, рисоалар ва китоблар муаллифи, ўз ижодида сўз жабҳасида қалам тебратган йирик ёзувчи ва шоирлар фаолиятини ўрганган тадқиқотчидир. Уларнинг публицистик ижодларини илмiiй жиҳатдан ўрганиш янги авлод журналист кадр учун ўзига ҳос маҳорат лабораториясини ўтайди. Шу боис ҳам ушбу тадқиқот мавзуси илмiiй жиҳатдан долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Диссертациянинг **объекти** сифатида таниқли публицист Сайди Умировнинг журналистлик ва танқидчилик фаолияти танланган. Тадқиқот **предметини** эса ижодкорнинг адабий-бадiiй ва танқидiiй мақолалари, суҳбатлари, эссе ва очерклари, публицистикасининг муаммоли-мавзули йўналишлари, шакллари, усуллари, жанрий жиҳатлари, тил ва услуб хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг асосiiй **мақсади** - Сайди Умировнинг публицистлик, илмiiй ва мунаққидлик фаолиятини тадқиқ этишдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш зарур:

- Сайди Умировнинг ҳаётiiй йўлини ўрганиш;
- ижодкорнинг публицист сифатида шаклланишида таниқли филолог - олим ва мунаққид Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ўрнини тадқиқ этиш;

- публицист ижодида Ватан мавзусининг ёритилишидаги ёндашув ва усуллари таҳлил қилиш;
- Сайди Умировнинг публицистик асарларида ижодкор шахс қиёфасининг талқинини ўрганиш;
- публицист ижодида Чингиз Айтматов мавзусининг ифодаланишини ўрганиш;
- Сайди Умиров публицистикаси руҳиятини таҳлил қилиш;
- Сайди Умиров публицистикасининг жанрий жиҳатларини аниқлаш;
- Сайди Умиров публицистикаси тили ва услубининг ўзига хослигини

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур диссертациянинг илмий янгилиги унда илк бор ҳозирги замон ўзбек публицистикасининг ёрқин вакилларида бири Сайди Умиров ҳаёти ва ижодий йўли, публицистикасининг мавзули-муаммоли йўналишлари, жанрлари кўлами, ижодий лабораторияси ҳамда тили ва услуби назарий жиҳатдан ўрганилган. Диссертацияда Сайди Умировнинг публицистик ижодининг муайян давр ва босқичлари аниқланган. Ишнинг янгилигини яна ҳозирги замон жаҳон адабиётида ўзига хос ва такрорланмас ўрнига эга бўлган Чингиз Айтматов ижодини тадқиқ этишда устоз Сайди Умировнинг ёндашувлари ҳам ўрганилган. тадқиқ этиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).

Ҳозирги кунга қадар публицистика, журналистика ва танқидчилик назарияси ва амалиётига доир кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, М. Худойкуловнинг “Журналистика ва публицистика”⁴ китобида соҳанинг таянч тамойиллари, йўналишлари ва функциялари тадқиқ этилган.

С.Умировнинг ўзлари ёзган қатор рисолаларда⁵ публицистиканинг табиати, унинг таркиби, тамойиллари, образлар яратишга ёндашувлар каби масалалар ўрганилган. Ватанимиз олимларида Ф.П.Нестеренко,

⁴ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008.

⁵ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: Шарқ, 2008; Ўша муаллиф. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар). –Т.: O'zbekiston, 2013; Ўша муаллиф, Файбулла ас-Салом. Толибнома (Сени ўйлайман болам.).–Т.: Шарқ, 1996; Ўша муаллиф. Сехрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017.

Қ.Ирназаровларнинг, “Труд журналиста: профессионализма, творчество, мастерство”⁶, Қ.Т. Ирназаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ муаллифларнинг “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти” ҳамда “Ҳозирги замон журналистика”⁷ номли ўқув қўлланмаларида журналистика ва публицистиканинг ўзаро муносабати ва нисбати атрофлича кўрсатиб берилган.

Хорижий тадқиқотчилардан А. Аграновский⁸, Е. П. Прохоров⁹ ишларини келтириш мумкин. Ушбу китобларда публицистика ва журналистика муаллиф “мен”и, фактологик материал ҳамда манбалар билан ишлаш маҳорати масалалари ўрин олган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айнан Сайди Умиров публицистик ва журналистик, танқидчилик ижодига бағишланган мавзусига тааллуқли махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертацияда таниқли публицист, мунаққид ва олим Сайди Умировнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, публицистикасининг асосий муаммоли – мавзули йўналишлари, публицистнинг маҳорат лабораторияси каби масалалар ўрганилган. Тадқиқотда қуйидаги фаразлар илгари сурилади:

1. Сайди Умиров публицистлик ва журналистлик ижодида Ватанга садоқат, ижодий тафаккурнинг баркамоллиги, илм-фаннинг инсон камолотига беқиёс таъсирини улуғлайди.

2. Сайди Умиров мақола, эссе ва очеркларида эмоционал ва мантикий воситалар уйғунлиги ҳам мазмунда, ҳам сарлавҳаларда ўз ифодасини топган.

⁶ Нестеренко Ф.П., Ирназаров Қ.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализма, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Ч.1.- Т.: Зар калам, 2002.

⁷ Ирназаров Қ.Т. ва б. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: МРС-Ташкент, 2002; Ирназаров Қ.Т. ва б. Ҳозирги замон журналистика. Ўқув қўлланма. – Т.: Aloqachi, 2008.

⁸ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 320.

⁹ Прохоров Е. П. Введение в теорию журналистики: Учебник пособие. – М.: Изд. РИП-холдинг, 2002. –Б. 322.

3. Сайди Умиров ижодий лабораторияси таркибини ўзига хос руҳият, сўзга сайқал бериш, қаҳрамон ва воқеа-ҳодисаларига касбий меҳр нуқтаи назаридан муносабат билдириш кабилар ташкил этади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида контент, қиёсий таҳлил, кузатув, умумлаштириш, дедукция каби илмий усуллардан фойдаланилди. Бундан ташқари тарихийлик, хужжатлилик, мантиқий хулоса каби илмий принциплардан фойдаланилди. Диссертациянинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси ОАВ қонунчилиги, журналист ва ОАВ фаолиятига оид Ўзбекистон қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг нутқи, маъруза ва асарлари ташкил этади. Ишнинг **назарий** асосини публицистика ва журналистика назариясига доир Ватанимиз тадқиқотчиларидан М. Худойқулов, С.Умиров, Ф.П.Нестеренко, Қ.Ирназаров, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Ғайбуллоҳ ас-Салом, А. Рашидов, Аҳмад Муҳаммад Турсун, Б. Дўстқораев, Хуршид Дўстмуҳаммад, А. Мелибоевларнинг рисола ва изланишлари ташкил этади. Таниқли хорижий тадқиқотчилардан В. Белоусов, А.Агроновский, Е. Прохоров, С. Смирновларнинг илмий изланишлари ва монографиялари ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий аҳамияти шундаки, олинган илмий натижалар ОАВ, журналистика ва публицистиканинг самарадорлигига мунаққид Сайди Умиров ижодининг аҳамияти, миллий публицистика тараққиётига қўшган ҳиссасига доир назарий қарашларни бойитади. Ишнинг амалий аҳамияти эса унда Ўзбекистон матбуотининг ушбу йўналишида тўплаган тажрибасини умумлаштирилганида, олинган натижаларни даврий нашрлар фаолиятига тадбиқ этишда акс этади. Тадқиқот натижаларидан яна ушбу йўналишда янги илмий изланишлар олиб бориш, янги ўқув ва методик ишланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Тадқиқот иши кириш, уч боб, саккиз

фаслдан таркиб топган, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 106 бетни ўз ичига олган.

I БОБ САЙДИ УМИРОВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

1. 1. Сайди Умировнинг ҳаёт йўли

Умрнинг “Қутлуғ саксон ёш” деган мўътабар ва улуғвор “сарой”ига кадам қўйган устознинг “Библиографик кўрсаткич”ини кўздан кечирарканмиз, бизни шундай ҳис-туйғулар чулғаб олади. Беором ижод онлари, тинимсиз меҳнат йиллари, шиддат-ла истиқболга интилиш сониялари шу мўъжазгина сардафтардаги “хотиржам” сарҳисобда акс этиб, ўқиган кишининг дилини яйратиб турибди¹⁰.

Адабиётшунос олим, мунаққид, ёзувчилар, журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Олтин қалам” мукофоти совриндори Сайди Умиров 1938 йил 10 февралда Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Жўрабой қишлоғида туғилди. Отаси Ҳайдаров Умиркул Ғаллаоролнинг Ўғат қишлоғида таваллуд топган. Тақдир бўлса керак, Пайариққа келиб ишлаб қолган ва шу ерда Сайди Умировнинг ойиси Ойсулув аяга уйланган. Оилада уч фарзанд бир қиз икки ўғил. Сайди Умиров отаси ҳақида унинг тенгқурларидан эшитган хотираларга қараганда, сельпога раис бўлган, тўғри, ҳалол, самимий, хушмуомала инсон сифатида обрў-эътибор қозонган. Ўша пайтларда нохуш уруш бошлангани сабабли коммунистлар қаторида, биринчилардан бўлиб унинг отаси фронтга жўнаб кетган. Отаси отга минишга ишқивоз бўлгани сабабли-ми ёки шунга тўғри келган-ми, отлиқ кавалерия полкига ёзилган. Булунғур туманининг Оқтепа деган қишлоғида уч ойча машқ қилишиб, кейин фронтга жўнашган. “Хотира китоби”нинг Самарқанд вилоятига бағишланган 3 жилдида “Ҳайдаров Умиркул”, 1990 йил Жўрабой қишлоғи бедарак йўқолган” деган сўз йилт этган умид учқунини берди. Афсуски, дадасининг ҳалок бўлганини кўп йиллар бурун қуролдош дўсти раҳматли Санакул ота таъсирланиб, кўзига ёш олиб Сайди Умиров ва укаси Тўлқинжонга айтиб беради. Турмуш ўртоғининг вафотидан хабар топган ўзбек аёлига хос жасоратли Ҳайдарова

¹⁰ Умиров С.Дорилфунунлар тақдиримда.// Дўстқораев Б., Хуршид Дўстмуҳаммад.// Мавжланиб оқайтган дарё - Т.: Шарқ, 2008.- Б. 3.

Ойсулув ая уч бола билан чинқираганча қолади. Дардини, аламини, хиссиётини, ҳаёт қийинчиликларини, сабр билан енгиб муштуфар она бор кучини меҳнатга беради ва теримчи звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Пахтадан катта ҳосиллар олади, медаль орденларга сазовор бўлади, район депутатлигига сайланади, болаларини тишида тишлаб катта қилади, жангчи ёрига хос бир умр вафодор содиқ қолади ва 77 ёшида боқий дунёга рихлат қилади. Аллоҳ раҳмат қилсин! Онаси Сайди Умиров профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом билан ёзган “Толибнома” китобида шундай сўзлар битган. “Оҳ ўзбегимнинг онаси-я Ойсулув опа 16 ёшида турмуш куриб, 21 ёшида бева қолган. Отинг ўчгир қирғинбарот урушда эри нобуд бўлибди ҳамки, ёстикдошини бу ерда кутаверди кутаверди... То бу бевафо дунёдан кўз юмганича.¹¹ Ваҳ! 21 ёшда уларнинг шошқалоқ кўзлари эндигина кўзлари биёв-биёв бўла бошлайди. Ёш келинчак Ойсулув 2 ўғил 1 қизи билан боши очик қолиб кетади”. Шу жойда менда негадир ёзиш илҳоми келмай қолди. Чунки, Ойсулув аянинг қай аҳволда қолгани учунми, ёки ўзимнинг онамни соғинганлигимданми ўзимда ижод қилиш учун куч топа олмадим. Ҳар бир инсон бир кун келиб фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилади. Вафот этган инсоннинг орқасида қолган яқинларига дўст биродарлари таъзия изҳор этишади ва шу ўринда Аллоҳ сабр берсин, – дейди. Ҳа, Аллоҳ сабр бермаса инсоннинг аҳволи қай ҳолга тушиб қолади. Бу дунёнинг ўзи синовли дунё. Синовларда бардошли бўлишлигимиз учун Аллоҳ барча бандаларига сабр берсин! Шундан сўнг ҳаёлимга устоз билан учрашиш фикри келиб қолди. Ниҳоят, Сайди Умиров билан телефон орқали гаплашиб публицист билан учрашишни режа қилиб олдим. Учрашиш вақти ҳам етиб келди. Олим билан учрашдим ва ўзимда йўқ хурсанд эдим. Самимий инсон билан учратишга сабабчи бўлган Я. Маматовага, ўз миннатдорчилигимни билдириб уларга узоқ умр сиҳат саломатлик тилайман. Публицист Сайди Умировни 1синфга бориши уруш тугаган 1945 йилнинг кузига тўғри келади. Олимнинг

¹¹ Умиров С.Дорилфунунлар тақдиримда.// Дўстқораев Б., Хуршид Дўстмуҳаммад.// Мавжланиб оқайтган дарё - Т.: Шарқ, 2008.- Б. 3-4.

айтишича, биринчи ва иккинчи синфлар бир синфда ўқишган экан. Сайди Умировнинг устози қора доскани бўр билан тик иккига бўлиб, чап томондаги 1 чи, ўнг томондагиси 2 чи синфлар учун, – деб таъкидлаган. Хозирги ёшларга яратилган шароит билан, ўша пайтдаги шароитни қаранг! Жуда ҳам катта фарқ бор. Мунаққиднинг ўқишга қизиқиши, чанқоқлиги ёшлигидан билинган. Ўрта мактабни битириш чоғида Сайди Умиров “кумуш медаль” билан тақдирланган ва имтихонсиз суҳбат орқали СамДУнинг филология факультетига ўқишга кирган. Мактабда ўқиган чоғида сабабсиз бирор марта ҳам дарс қолдирмаган. Ойиси Ойсулув ая ҳар куни сумкасига нон солиб мактабга кузатиб қўяр эканлар. Устоз, мактаб пайтидаги ноннинг мазаси ҳали-ҳали оғзимда, – дейди. Ойсулув ая ўз фарзандларини отасизлигини билдирмай вояга етказди. “Жаннат оналар оёғи остида” – бу ҳикматли сўзни жуда кўп эшитганмиз. Ҳар бир фарзанд ота-онасига бир умр хизмат қилар экан, барибир қарзини уза олмайди. Яна шундай ҳикматдан “Онанинг кўнгли болада боланинг кўнгли далада”, нима учун бу сўзларни айтмоқчимиз, хайрон бўлманг! Олим, мунаққид, публицист ва журналист Сайди Умиров 6 йил Самарқандда ўқиди, таътил ойлари, байрам кунлари демаса, асосий вақти шаҳарда ўтди. 1960 йилдан бери Тошкентда яшаб келмоқда. Иш, ўқиш, тирикчилик дегандай гоҳида қишлоғига бориб турар эди. Муштуфар онаи-зор боласини кўргани Тошкентга келиб кетарди. Инсон умри мавжланиб оқаётган дарё кабидир. Вақтнинг елдай ўтиб бораётганлигидан баъзи ишларга улгурамыз баъзисига эса улгура олмаймиз.

Ўрта мактабни “кумуш медаль”га тамомлагач Самарқандда талабалик йиллари кечган Сайди Умиров шу паллада ўзининг келажаги учун мустаҳкам замин яратди. Дарсларда, анжуманларда ўзининг чиқишлари, маърузалари билан устозлар эътиборига тушади. Устоз кўрмаган шогирд, ҳар соҳада йўрғалар деган гап бор. Бизнинг қаҳрамонимиз бундан мустасно. Публицистни устозлари Воҳид Абдуллаев, Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев, Раҳмоқул Орзибеков шогирдларидаги илмга чанқоқликни, таҳлил қувватини салоҳиятни кўришгач, уни таҳсилдан сўнг, Тошкентда адабиёт,

илм билан бўлсин деган ният ила “Фан ва турмуш” журнали тахририятига ишга йўллайдилар¹². Орадан кўп ўтмай, Сайди Умиров атоқли адиб А.Қаххор ижоди бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Сайди Умиров ҳам илм, олий ўқув юртида таълим, тарбия бериш билан бирга тадқиқотчилик йўлини баравар олиб бормокда. Бўлғуси журналистларга сабоқ берганига мана 49 йил тўлибди. Илмнинг катта кичиги бўлмайди. Илм дунёсига келган ёш олим, одатда кичик, мўъжаз асарлар ҳақида фикр билдиришдан бошлайди. Кейинчалик, катта ижод намуналарига муносиб таҳлил, тадқиқ эта олиш салоҳиятини эгаллайди. Бу йўл публицистнинг ижодий фаолиятига хосдир. С.Умиров журналистларга публицистика назариясидан таълим бериш билан бирга, ўзи ҳам ажойиб публицистикага оид асарлар ёзиб келмокда. Бу албатта, журналистика факультетида ишлайдиган ўқитувчи учун ҳам керак, ҳам фойдали.

Жаҳоннинг мутафаккир кишилари журналистика касбига катта баҳо берганлар ва жамиятга хизмат қилишнинг энг юксак намунаси деб билганлар. Рус журналистикасининг атоқли намояндалари орасида буюк шоир А. С. Пушкин, олим М. В. Ломоносов, халқпарвар публицист Н. Г. Чернишевский, А. И. Герцен ва бошқалар ҳақиқий журналист халқ манфаати учун, озодлик учун, эзгулик учун толмас курашчи бўлиши лозимлигини таъкидлаган эдилар¹³.

Ҳақиқий санъаткорнинг сокинлиги ҳақдан файз етган орифнинг хотиржамлигига бағоят яқин бўлади. Қалбида фикр тўфони қўзғалиб, эҳтирос аланга олса ҳам у жўшмайди — сукут ва сокинлигига содиқ қолаверади. Қадрини билган, камтар ва андишали ҳар бир ижодкорда шу ҳолни кузатиш мумкин. Мен Сайди Умиров шахсини кўкларга кўтариб, идеаллаштириш фикридан бутунлай йироқман. У ҳам фаришта эмас, шу заминда яшаб ижод қилаётган оддий бир инсон. У ҳақиқат юкини кўтариш бутун бир жамиятга оғирлик қилган мураккаб ўтиш замонида яшаб ижод қилаётган журналист.

¹² Умиров С.Дорилфунунлар тақдиримда.// Дўстқораев Б., Дўстмуҳаммедов Х.// Мавжланиб оқаётган дарё - Т.: Шарқ, 2008.- Б. 4.

¹³ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет, 2008. –Б. 52.

Унда ҳам ўзига хос камчиликлар, чекиниш ва чалғишлар бўлган. Гап шундаки, шулар ҳам Сайди Умировни маънан улғайтириши, қалбидаги маънавий-руҳий теранликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ҳамюртларимиз номлари махсус хотира китобларига нақш этилган. Самарқанд вилояти Пайарик тумани Жўрабой қишлоғидан фронтга кетиб бедарак йўқолганлар ичида публицистнинг отаси — Ҳайдаров Умиркулнинг исми шарифи ҳам ёзилган. Ахир бирон бир оила йўқ эдики, кимдир сафарбар этилмаган, кимдир қайтмаган, кимдир бедарак кетмаган бўлса. 9 май “Хотира ва қадрлаш” куни бизнинг мунаққидимиз, публицист, журналист Сайди Умиров ҳам ич-ичидан отасини ёдга олиб, йиғлайди. Учта норасида гўдаги билан ёстикдошини кута-кута умрини ўтказган, аёллик шаънини баланд кўтариб, 77 ёшида вафот этган заҳматкаш муштуфар она — Ҳайдарова Ойсулув аяни ҳам эслаб йиғлаган, кўнгилдаги дардларини бўшатган. Сайди Умиров Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри худди менинг онам хақида ёзилгандек¹⁴, — дейди у. Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достонини ҳеч осойишта ўқий олмайман, бўғзимга нимадир тикилгандай, кўзимда ёш айланади, — деб хотирлайди. “Шаҳидлар хотираси” мажмуи қатағон қурбонлари руҳи покини шод этиш йўлидаги катта ва қутлуғ қадам, авлодлар узри ва миннатдорлик рамзи.

Сайди Умиров ўқувчилик пайтида “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Авазхон”, “Ҳасанхон” сингари достонларни қизиқиб ўқиб чиққан. Олис қиш кечалари достон қаҳрамонлари билан “мулоқот” қилган. Уйида кутубхонаси бўлмаган, адабиёт дарсликларидан Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун шеърлари, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан намуналар ўқиб, уларни расмларини кўриб ижодга ҳавас бўлган бўлса ажабмас. 50 йилларнинг бошларида “Китобдан китобга” деб номланган кичик ҳажмли китобчалар бўлган. Уларда таниқли адибларнинг асарларидан парчалар берилган. Мана шу китобларнинг аксариятини журналист, мунаққид, публицист Сайди

¹⁴ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Сардорлардан бири. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. — Б. 6.

Умиров ўқиб чиққан. Улардан “Ёш гвардия”, “Одерда баҳор”, “Газандалар уясининг тугатилиши”, ва шунга ўхшаш асарлардан иборат бўлган. Бу асарларнинг деярли барчаси уруш, ҳарбий ватанпарварлик мавзуида эди. Бу борада шуни афсус ва ўкинч билан айтиш шартки, ўша пайтдаги ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган чанқоқликлари, аммо ўқийдиган китоблари ҳам, борини сотиб оладиган имкониятлари ҳам бўлмаганлиги ўша даврнинг қай аҳволда эканлигини кўрсатиб туради. Не ажабки, ҳозирда китоб кўп, имкониятлар катта, бироқ ўқийдиган мард кам. Сайди Умировни Қўбай Пиримкулов исмли математика ўқитувчиси бўлган. Устози ғайратли, илмли инсонлардан. Аллоҳ раҳмат қилсин! Ўқитувчининг туман вилоят газеталарида турли хил хабар ва мақолалари тез-тез чиқиб турарди. Сайди Умиров устозига доим ҳавас қиларди. Кунларнинг бирида “Мен ҳам уриниб кўрсамчи”¹⁵, деган фикр келади. Сўнгра нималарнидир ёзиб ўқитувчисига кўрсатади. Устози унга ёзиш борасида қимматли маслаҳатини беради. Шу-шу Сайди Умировда қалам тебратиш истаги пайдо бўлади. Орадан кўп ўтмай вилоят газетасида “Беғамлик оқибати” деб номланган илк мақоласи чоп этилади. Мақола мазмунида публицистнинг ўқиб турган мактабида ёзги таъмирлаш ишлари сушт кетаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилган. Мақола чоп этилгач мактаб директори бироз хафа бўлади. Албатта, ҳақиқат кимга ҳам ёқарди. Айниқса, ҳозирги кунимизда. Аммо танқид бесамар кетмаган. Мактабда таъмирлаш ишлари тезлашиб кетган. Шу ўринда ҳаммамизга маълум бўлган “Ареопагитика” асарининг муаллифи Жон Мильтонга ўхшашлик жойи борлигини келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассисларнинг ёзишларига қараганда, 16 асрга қадар инглиз адабиёти тарихида бирор шоир ёки адиб Жон Мильтон даражасида адабиёт илмини эгаллаган эмас. Мильтон ўз даврида пуританлар сафида қалам сураётган, қироллик тузумидаги мутлақ ҳукмронлик — якка ҳокимлик адолатли жамият барпо этишига йўл бермайди деб ҳисоблайди, шу қарашлари билан у қирол Карл Стюартнинг тахтдан четлатилиши, ўрнига республика тизими

¹⁵ Умиров С.Дорилфунунлар тақдиримда.// Ўзим ҳақимда. – Т.: Шарк, 2008.- Б. 311.

карор топиши зарурлиги ғоясини олға сурган кўплаб мақолалар эълон қилган. Жон Мильтоннинг публицистик чиқишлари ва ўтли сўзлари мўлжалга тегмай қолмасди. Матбуотда эълон қилинган аччиқ танқидлари амалгашиб, лордлар палатаси таркибидан епископлар чиқариб юборилган. Унинг 1644 йил ноябрь ойида “Ареопагитика” асари чоп этилади.

Бизнинг қаҳрамонимиз Сайди Умировнинг талабалик даври 1958 йил “Литературная газета”нинг бир гуруҳ ижодкорлари, Александр Яшин, Владимир Солоухин каби адиблар Самарқандда СамДУ мажлислар залида¹⁶ ижодий учрашув қилган. Таваккал қилиб, домлалар далдаси билан Сайди Умиров ҳам сўзга чиқади. Ўша пайтдаги ижодий жараён ҳақидаги фикр–мулоҳазаларини, таклифларини айтади. Учрашувдаги ушбу мулоҳазалар бироз муддат ўтиб газетада чоп этилади. Мунаққиднинг илк китоби 1974 йили “Санъатнинг сеҳрли калити” номи билан чоп этилган. Китоб ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг маҳоратига бағишланган бўлиб, нашр этилишига Пирмат Шермухаммедов катта ёрдам беради. Кейинчалик “Миллий маданиятлар ривожига танқидчиликнинг роли“, “БАМ ҳақида ҳикоя“, “Даъваткор сўз“, “Солланиб оқаётган дарё“, “Толибнома“, “Зиёбахш умр саҳифалари“, “Дорилфунунлар тақдиримда“, “Маънавият мулкига саёҳат”¹⁷ мақола, рисола ва китоблари бирин-кетин нашр этилади.

Ижод шундай бир мураккаб жараён бўлиб, унда инсоннинг барча салоҳияти ишга солинади. Бу жараён атроф-муҳитни билиш орқали онг, идрок, тафаккур ва қалб салоҳиятини ишга солиб, объектив тарздаги янги маънавий маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидир. Сайди Умировни кўп йиллик ижодий фаолияти маҳсули — долзарб мавзулардаги адабий-танқидий, бадиий, илмий публицистик мақола ва тадқиқотлари, очерк(лавҳа), эссе, фельетон, памфлет, кичик ҳажвли жанрлари, ҳаёт ўғитлари ўзининг ижод

¹⁶ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда.// Ўзим ҳақимда. — Т.: Шарқ, 2008. - Б. 312.

¹⁷ Қаранг: Умиров С. Миллий маданиятлар ривожига танқидчиликнинг роли. — Т.: Шарқ, 2007.; Шу муаллифдан. БАМ ҳақида ҳикоя. — Т.: Ёш гвардия, 1977.; Даъваткор сўз. — Т.: Ёш гвардия, 1985.; Солланиб оқаётган дарё. — Т.: Фан, 1994.; Ғайбулла Ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман болам.).-Т.: Шарқ.1996.; Зиёбахш умр саҳифалари. — Т.: АНМК, 2006.; Дорилфунунлар тақдиримда. — Т.: Шарқ, 2008.; Маънавият мулкига саёҳат. — Т.: O'zbekiston, 2013.; Умиров С. Сеҳрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Сардорлардан бири. — Т.: BODOMZOR INVEST, 2017.

ҳаёти ва илмий тадқиқотларида акс этган.

Йилдан-йилга оқими тезлашиб, салбий таъсири зўрайиб бораётган оммавий маданият, бугунги инсониятга маънавий ёввойилашув, аламзадалиқ, беҳаёлик, сурбетлик хавфини солмоқда. Санъатда нодонлик, порнография, зўравонлик ҳукм сурмоқда. Мутафаккирларнинг таъкидлашича, касофат, фалокатларнинг хавфи, оқибатини тушунтириш боши берк кўчадан чиқиш йўлларини кўрсатишда ижодкор масъулияти унинг юраги тубидан чиққан азоб, машаққат-ла топилган таъсирли сўзи, иймони, эътиқоди ғоят муҳим роль ўйнайди.

Япониялик файласуф, шоир Дайсаку Икэда шу ўринда бир нозик нуқтага эътиборни қаратади: зулм ва одобсизликка нисбатан қаҳр ғазабнинг камайиб, баъзиларда умуман йўқолиб бораётганлиги ҳозирги замон кишисининг, айниқса ривожланган мамлакатлар аҳлининг кўзга ташланаётган хусусияти бўлиб бормоқда. Бундай ҳиссиётнинг ўтмаслашиши айрим ёзувчи ва санъат арбобларида ҳам содир бўлаётгани, Лев Толстой каби “Жим туролмайман!” дея, Эмил Золя сингари “Мен айблайман!” — дея ҳайқирувчи ижодкорларнинг камайиб бораётгани очик, дағал, тўғри, тўқмоқли тарзда билдириш ўрнига яширин тарзда, либосга буркаш, аллегория йўлига ўтиб олишлари ачинарлидир.¹⁸

Тарихда ҳам бугун ҳам маърифатга интилиш, маънавиятлилик ҳамиша кишиларни камолотга эришишнинг муҳим шарти бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Зеро илм-маърифатга бош қўшган одам борки, фақат савобли ишларга бош қўшади. Китобга қизиқиш, меҳр қўйиш, доимий мутолаа маърифатнинг зарур шартларидан биридир. Жумладан, Сайди Умиров журналистикага, мақоланависликка чексиз меҳр ва садоқат кўрсатди. У ўз шогирдларига жонкуярлик ва фидойилик билан ёндашди. Барча соҳада бўлганидек бу садоқат, фидойилик ўз самараларини бермай қолмади. Ўзи ҳам шогирдлик мақомини аъло даражада ўтаган ёш истеъдодни ҳаёт чархпалаги устоз мақомига, бир неча авлод қаламкашларнинг устози

¹⁸ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат.// Мулоқот мавзуси.Маънавият. —Т.: О'zbekiston, 2013. —Б. 190.

даражасига олиб чиқди. Журналистика, ижод соҳасига дахлдор раҳбарият ходимлари, матбуот, ахборот агентликлари, радио, телевидение, ва нашриётлар таҳририят аъзолари Сайди Умировни эҳтиром билан “устоз” дейишади¹⁹.

Дарҳақиқат, у ижодини илмдан бошлади. Йигирма саккиз ёшида фан номзоди бўлди. Ёзувчи асарларида тафсилот (деталь) қўлланишидаги маҳоратни чуқур ўрганган олимнинг, нашр этган 10 китоби, юзлаб мақолаларида долзарб муаммолар теран ёритилишидан ташқари худди шу хусусият – деталлардан моҳирона фойдаланиш унинг ўз ҳаёти ижодида ҳам ёрқин намоён бўлди. Жумладан, “Шарқ юлдузи” журналининг 1967 йилги сонларида босилган “Деталь – изкувар кўмакчиси”, “А. Қаҳҳор деталь устаси фикримиз далилидир. Ўтган асрнинг 70-йилларида мунаққиднинг мўжазгина китоби босилиб чиқди. Бу – “Миллий маданиятлар ривожига танқидчиликнинг роли” (1972) номли рисола эди. Унда ўша пайтдаги мафкуравий воқеалик изи сезилиб туради. Лекин гап бу ҳақда эмас. Бу рисолаги ўз вақтида ким пайқади, ким сезмай қолди. Аслида бу китобчада кўтарилган муаммо ва қўйилган мақсад ўз даври учунгина эмас эди. Бугунги кун учун ҳам муҳим. Афсуски, бу масала ўз вақтида ўрганилмаган экан. Ҳозир ҳам эътибор берилмаётганлиги ачинарли ҳолат. Миллий адабиётлар равнақида, бошқа омиллар қатори, хусусан, адабий танқиднинг ўрни ва роли очилиши кўплаб ижобий самаралар бериши мумкин. Ёзиш, ёритиш учун аввал муҳим муаммони, зарур масалани аниқлаб олиш, сўнг унга қўл уришга интилиш ўша вақтлардан буён публицистнинг етакчи хусусиятларидан бири бўлиб қолди.

2004 йилда Москвада нашр этилиб, халқаро миқёсида шуҳрат қозонган “Чингиз Айтматовнинг нажот кемаси” (“Ковчег Чингиза Айтматова”) номли, ёзувчи ўз назаридан ўтиб тайёрланган китобдаги “Сайёравий миқёсда фикрловчи адиб” номли деярли икки босма табоқ ҳажмдаги салмоқли иш

¹⁹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Сардорлардан бири. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 8.

фақат Сайди Умировгина эмас, умуман ўзбек адабиётшунослиги ютуғи, айтишда кенг доиралардаги эътирофи эди²⁰.

Истиқлол даврига келиб, Сайди Умировнинг публицистик ижоди ҳам, илмий изланишлари ҳам фаоллашди. Публицистик илмий мақолалари, портрет-очерклари, эсселари, суҳбат-интервьюлари, китобларида айтишда мустақиллик даврининг долзарб масалаларини кўтариб чиқиш, замон кўяётган янги талабларга жавоб излаш характерли хусусиятга айланди.

“Истиқлол ва матбуот” мақоласида янги замоннинг матбуот билан алоқадорликдаги айтишда, миллий заминга дахлдор муаммоларга ва уларни ёритишдаги журналистиканинг хос хусусиятларига эътибор қаратди. Шунингдек, матбуот ва журналист касби хусусидаги собиқ ва янги тузум ўртасидаги жиддий фарқларни кўрсатди. Журналист касби ва уларга кўйилувчи янги талаблар, мавзу ва материални миллий ғоя – Истиқлол ғояси билан чамбарчас алоқадорликда ёритиш муаммолари устоз қаламига мансуб бу йўналишдаги барча китоб ва мақолаларнинг асосини ташкил этади. Олимнинг “Интернет ва аудиовизуал журналистика” деган мўъжаз илмий мақоласи бор. У ЮНЕСКОнинг Тошкент бўлими ва ЎзДЖТУ ҳамкорлигида ўтказилган илмий анжуманлардан биридаги нутқини “Сиз интернет билан шуғулланмасангиз, интернет сиз билан шуғулланади”, – деган ҳазиломуз оҳанг, лекин жиддий маънодаги сўзлар билан тугатади²¹. Сайди Умиров фаолиятида публицистик ижод марказий ўринлардан бирини қамраб олган. Бундан қирқ йил аввал “БАМдан хатлар” номи остида бир туркум публицистик мақолалари эълон қилинди. Кўп ўтмай бу туркум энг нуфузли газеталаридан бирининг қатор сонларида кетма-кет эълон қилинди ва “БАМ ҳақида ҳикоя” номи остида адибнинг дастлабки китобчаси сифатида чоп этилди. Бутуниттифоқ қурилиши деб эълон қилинган, кўп ёшлар жалб этилган бу улкан лойиҳа иқтисодий, техник ва бошқа жиҳатлардан етарли асосланмаганлиги, катта маблағ совурилгани, Брежнев вафотидан кейин

²⁰ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Сардорлардан бири.—Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 8.

²¹ Ўша манба. – Б. 12.

тўхтаб қолгани маълум бўлди, асарим юзакироқ ёзилганини сездим, лекин Сибирни кўрганим, илк китобчам сифатида ўзим учун бир қадар қадри”, - дейди муаллиф²².

Устознинг 80 йиллиги муносабати билан Миллий Матбуот Марказида тақдирлаш маросими ўтказилди. Шахсан мен ҳам бу давра суҳбатини кузатиб, “Хуррият” газетасида “Дарс берар у самимиятдан...” сарлавҳали мақола чоп эттиришга эришдим.

Авлодлар шаклланишида улар улғаяётган давр муҳити билан бирга, ижодий салоҳияти билан ажралиб турган устозларнинг таъсири кучли бўлади. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” деган юксак унвон соҳиби Сайди Умиров ҳам ўз даврида етук устозлардан таҳсил олиб, камолот сари юксалди²³. Фикримизча, бугун саксон ёшни қаршилаган устознинг, ёшлардек серғайратлиги, ишчанлигига ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийди. Бу инсонни яқиндан танимайдиган одам, ёшини чамалай олмайди. Домланинг дили поклиги, умрини эзгу ишларга бағишлаб, инсонларга яхшилик илиниб, яхшиларга йўлдош бўлиб яшаётгани, бағрикенглиги унга шундай имкон бераётган бўлса ажаб эмас.

Устознинг муборак 80 ёшни қаршилаши муносабати билан 10 февраль куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов очиб берди:

– Сайди Умиров нафақат ёшларнинг устози, балки бугун ҳам фаол ижод қилиб, қанчадан-қанча ёшларга ибрат бўлиб келаётган журналистика дарғаларидан биридир, – деди С. Ҳакимов. – Устоз бир қарасангиз, Қорақалпоғистонда, яна бир қарасангиз, Сурхондарёда, ё Фарғонада. Бугун соҳада фаол хизмат қилаётган устозлар, олимлар сафида журналист,

²² Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Сардорлардан бири.—Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 12

²³ Хуррият, 2018, 14 февраль.

публицист, мунаққид Сайди Умировнинг борлиги қувонарли ҳол, албатта.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги филология фанлари доктори Бахтиёр Назаров устоз ҳақида ушбу дил сўзларини изҳор этди. – Ҳозирги кунда бир соҳа борки, бусиз яшаш қизиқ бўлмай қолди²⁴. Бу журналистика, публицистика соҳасидир. Зотан газета, журнал, радио, телевидение ва интернет бугунги ҳаётимизга чуқур сингиб кетди. Айни кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотларни кенг оммага етказишда, тараққиётимизни белгилашда, тадбиркорлик, инновация ғояларини ҳаётга татбиқ қилишда, журналистиканинг ўрни катта. Айниқса, мамлакатимизда Журналистика ва оммавий коммуникация университетининг ташкил этилаётгани соҳага қаратилган улкан эътибордан яна бир даракдир.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Сайди Умировнинг устозлар ва дўстларга садоқати ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтишди. Хусусан, Ғайбулла Саломов, Абдулла Орипов, Бойбўта Дўстқораев, Ғулом Ғофуровга ўхшаган устозлари ва дўстлари публицист ҳаётида муҳим ўрин тутди.

– Бугун биз матбуотимизни, ОАВ тараққиётини яқдиллик билан битта мақсад йўлида бирлашиб, амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лазиз Тангриев. – Ушбу таваллуд айёми журналистикамизнинг ҳам байрамидир. Шундай давраларда ижодкорлар бир-бирини кўради, фикр алмашади. Биз ҳозир “Ҳаракатлар стратегияси” жараёнини амалга оширмоқдамиз. Айнан бугун шу устозга ўхшаган ҳаракатчан, профессионал кадрларга муҳтожмиз. Мана шундай ғайрат, шижоат ҳеч қачон тарк этмасин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маънавий ҳаёт” журнали бош муҳаррири, шоир Эшқобил Шукур олимга дил изҳорини қуйидаги самимий мисраларда изҳор этди:

Сайди ака дарёга ўхшар,

Гоҳо сокин, гоҳо мавж урар.

²⁴ Хуррият, 2018, 14 февраль.

Кўзи бола кўзидай яшнар,
О, бу кўзлар неларни кўрган...

– Сайди акага менинг ҳавасим келади, – деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, атоқли адабиётшунос Иброҳим Ғофуров. – Унинг юзлари доим қуёшдек чарақлаб туради²⁵. – Журналистика ва публицистикада устозлари изидан бориб, ўзининг катта остонасини кашф қилди. Сўзнинг ҳам энергияси бўлади. Юрагимизга кирган, қалбимиздан чиққан сўз буюк энергиядир. Сайди Умировни сўзларида шундай энергия мавжуд. – У сўзни англайдиган, биладиган ва шу энергияни юзага чиқариш салоҳиятига эга.

Сайди Умировнинг ижоди ҳақида Ўзбекистон Миллий университети профессори таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев Чингиз Айтматов ижодини ҳаммамиздан яхши ўрганган олим бу Сайди Умировдир. Публицистик таҳлилларда Сайди Умировнинг мушоҳада усули ўзига хос. Бунинг номи алоҳида маҳорат ва усул дейилади. Хусусан мақолалардаги сарлавҳаларга эътибор берсак. Очил Тоғаев ҳақида ёзилган “Чанги ва донғи чиққан ёлғиз от”, “Ашъорлари эш, қобил ижодкор”, Шароф Рашидов ҳақида “Шарофнома, шарафнома”, “Шохига урсанг туёғи зирқирайди” каби.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир устоз Сайди Умиров, балки бутун ОАВ соҳасида хизмат қилаётган кишиларни қувонтирди. Зеро, домланинг шогирдлари айни кунда юртимизнинг барча бурчакларида меҳнат қилишаётгани бор гап. Хулоса ўрнида Сайди Умировга яна бир бор “Хорманг, устоз!” деймиз²⁶.

1. 2. Сайди Умиров публицист сифатида шаклланишида олим ва мунаққид Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ўрни.

Ҳар бир миллат ўз қавми тақдирини ўйлаши керак. Томчида қуёш акси этгани сингари, алоҳида олинган ҳар бир шахсда миллат яшайди. Шахснинг ўй фикрлари, хатти-ҳаракатлари, қилаётган ишлари, қилиқлари, юриш-

²⁵ Хуррият, 2018, 14 февраль.

²⁶ Ўша манба.

туриши, ҳатто қандай кулиши, изтироб чекиши, йиғлашига қараб унинг қандай миллатга мансублигини беҳато айтиб берса бўлади. Айни вақтда ўзини ҳурмат қиладиган, комил инсон деб биладиган ҳар бир одам миллатни ўйлаши, унинг тақдири, равнақи, келажаги ҳақида қайғуриши лозим.

Сиз билан биз ўзбекмиз. Ота-боболаримиз, етти пуштимиз ўзбек бўлган. Ҳали ”ўзбек” деган сўз дунёга келишидан илгари, кейинчалик, эл-юртимизга шундай ном берилган кезларда ҳам ўзбекларни ўзининг ҳатто ғаними деб билган баъзи улуғ инсонлар, шоҳлар, амирлар, султонлар, лашкарбошилар, не-не донишмандлар ҳам... ўзбек бўлишган. Бу улуғ алломаларнинг номи билан халқимиз фахрланади. Одатда, шахс миллат танламайди. Шахсни миллат туғади. Бас, биз ҳар биримиз Аллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан дунёга келганмиз. Бизни туғдирган ва тукқан ота-онамизни қанчалик севсак, ўзимиз мансуб бўлган миллатимизни ҳам шунчалик ардоқлашга бурчлимиз²⁷.

Сайди Умировни илм чўққисини забт этишлигида устози Ғайбулла ас-Саломнинг ўрни чексиз. “Маънавият мулкига саёҳат” китобларида, “Самимиятга йўғрилган ижод” сарлавҳали ва унда Жаҳон Тиллари Университети Ҳалқаро журналистика факультетига Сайди Умировни Қаршилик, ёшлари элликдан ошган бир аёл сўраб келганлиги ёзилган. Аёл ўзини мен Қаршиданман, Педагогика коллежи катта ўқитувчиси Бўритош Носирова бўламан деб, таништирган. Публицист олдин бу педагог ўқитувчини кўрмаганлиги учун ҳайрон бўлади. Албатта ҳар бир киши ўзи танимаган, билмаган инсон билан биринчи маротаба кўришганда фикридан ҳар хил ўйлар ўтишлиги турган гап. Бўритош Носирова устоз Ғайбуллоҳ-ас Саломни мухлисман, қўлимга тушган китобларини, асарларини ўқиб чиққанман, сизлар биргаликда ёзган “Толибнома” китобини ҳам ўқиганман²⁸. Устоз Ғайбуллоҳ-ас Саломни ҳаётлик чоғида кўриш, уларни самимий суҳбатларини эшитиш, менга армон бўлиб қолди, афсус. Шунинг учун устоз

²⁷ Ғайбуллоҳ ас-Салом. Асарлар. Эй умри азиз, биринчи китоб.//Ҳар бир шахсда миллат яшайди. –Т.: Шарк. 1997. – Б. 41.

²⁸ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат.// Самимиятга йўғрилган ижод. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б.105.

хақида кўпроқ маълумот олай деб, сизнинг олдингизга келдим, – дейди у. Бундан хайратланган устознинг шогирди Сайди Умиров қувонч билан устози хақида билганларини айтиб беради. Ғайбулла ака билан бирга ишлаган Бойбўта Дўстқораев билан ҳам таништириб устозини ибратли ишлари, фазилатларини ҳикоя қилиб беради. Устоз шогирд ҳамкорлигида ёзилган 1996-1997 йилларда икки марта нашр этилган “Толибнома” китоби хақида бир қанча тақриз, мақолалар чиққан. Бу китоб хақида Бўритош Носирова ҳам энг илиқ, самимий мардона гапларини шундай ёзган: “Биз каби маърифатчилар учун “Толибнома” нгиздек кучли таъсирли китоб кам. Ҳам шаклан, ҳам мазмунан соғлом, етук инсонларни тарбиялдашда “Толибнома” бизга йўлдош. Ушбу китоб дархақиқат, “Мураббийнома” маъносида ҳам қабул қилиниши мумкин. Ҳали илмий даражаси бўлмаган оддий домладан профессоргача, аспирантдан академиккача — муаллиф ва мударрислар ҳам бу китобдан қувват оладилар...”²⁹

Фикримизча С.Умиров ўз рисоаларида эътироф этишларича, профессор Ғайбулла Саломов (Ғайбуллоҳ ас-Салом) бобо куйманиб насихат қилади, тажрибалари, кузатишлари, ўз бошидан кечирганлари, кўрган билганларидан сўзлайди³⁰. Ғайбулла ас-Саломнинг шогирди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи, доцент Сайди Умиров садоқат юзасидан, устозининг ёзганларини оққа кўчиради, тўлдиради, давом эттиради, янги фасллар қўшади... Шу тариқа ўзига хос елкадошлик юзага келади. Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади. Ғайбулла ас-Салом ва унинг шогирди Сайди Умр томонидан «Толибнома» (Сени ўйлайман, болам) деб номланувчи китоб ўқувчилар учун 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги рухсати билан тақдим этилди.

²⁹ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат.// Самимиятга йўғрилган ижод. —Т.: O'zbekiston, 2013.— Б. 108.

³⁰ Ғайбулла ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман болам.).-Т.: Шарқ.1996. -Б.7.

Бугунги ёшлар ўз касбининг моҳир устаси бўлиш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак одоб-ахлоқ хушмуомалалик каби фазилатларга эга бўлган комил инсон бўлиш зарурлигини ҳам тушуниб етса деб ўйлаймиз. Ростини ҳам етук мутахассис, масалан: муҳандис, шифокор, ўқитувчи, фазогир, авиасоз, дидли муҳарриру мусаввир бўлиш қанчалик қийин бўлса, шунча мос ҳазрати одам бўлиш ҳаддан ташқари оғир. Инсонлар борки, олим эмас. Олимлар борки, инсон эмас... Мана буниси жуда оғир. Икки, устоз ва шогирд ўттиз йилу ўттиз кун ичида «Толибнома» ни ёзишган. «Толибнома» китобини ўқиш учун варақлар эканмиз, даставвал биринчи курс талабаларига мурожаатни назарда тутди. Амалда эса барча босқич талабалар учун фойдали маслаҳатлар, гаплар бор. Китобни «Мураббийнома» маъносида ҳам қўллаш мумкин. Нима учун бу номни айтмоқчимиз, сабаби тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Ундаги ҳар бир фасл, мавзу ҳамда мулоҳазалар, китобхонда қизиқиш уйғотади ва доимий ҳамроҳи бўлиб қолади. Айниқса, «Сени ўйлайман, болам»ни такрор-такрор мутолаа қилинса, ўқувчи ўзини енгил ҳис қилади ва ўзини қийнаб турган ҳаёт жумбоқларига қалит топгандай бўлади. Китоб 12 фасл, «Муаллифлар ҳақида бир шингил» номли сарлавҳадан иборат. 12 чи фасл ўз ичига «Дунёнинг ишлари», «Кўзгу», «Одамлар», «Мантиқ», «Никоҳ», «Иймон ва эътиқод», «Табиат ва инсон», булардан ташқари, «Сўнги бекатдаги битиклар», «Битирувчи толиблар» деб номланади. «Иймон ва эътиқод» сарлавҳали материалда «Улуғвор мақсад олдида турганингда меҳнатни роҳат бил» (Араб мақоли), Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Ҳар кимки олимларни хор тутса, қиёмат куни уни Аллоҳ таоло ҳалойиқ олдида хор қилади (Манбаъул маориф), «Мевали дарахтга тош отади. Лекин мевали дарахтга тош отган билан у мева бермай қолмайди» (Теша бобо), «Ҳожа Баҳовуддин ўзлари буғдой экиб, уни ўзлари суғориб, ўзлари ўриб, ўзлари ҳўп қилиб, ўзлари янчиб, ўзлари хамир қориб, ўзлари нон ёпиб еганлар...» (Султонмурод Олим), «Ҳар бир кишининг бахти ҳам, бадбахтлиги ҳам ўзи билан бирга», «Динсиз бўлиш

учун хайвон бўлиш керак» деган сермаъноли ҳикматли сўзлар битилган³¹. Бундай ҳадис ва ҳикматли иборалар ўқувчини кенг фикрлашга, тафаккур ва тадаббур қилишга ундайди.

Публицист, мунаққид, журналист Сайди Умиров устози Ғайбулла ас-Саломни ҳаётдаги ўрни ҳақида, Ғайбулла ас-Салом эса шогирди Сайди Умировга бағишлаб «Толибнома»да илиқ фикрлар билдиради. Шундай таъриф ва фикр Сайди Умировдан Профессор Ғайбулла ас-Саломга: бу номни мамлакатда ва хорижда ҳам яхши танийдилар. Биринчи ўзбек комусини кашф қилганлардан. Асарлари ва шогирдларининг номлари рўйхати ўзи 150 бетлик китоб. Олим зоти бизда кўп. Лекин Ғайбулла ас-Салом ўзгача. Ўз фойдасини-зиёнини билмайди. Гоҳида ўз дарвозасига тўп уриб қўйиб «го-о-л!» деб юради. Баҳор хавосидай ўзгариб турадиган ижтимоий ҳаётнинг иссиқ-совуқларини, довул ва бўронларини кечирган бўлса-да, ўзини қайта қуришга ички эҳтиёж сезмаган. Курашишни деярли тан олмайди. Инсон ҳаётга курашиш учун эмас, одам бўлиш учун келади дейди. Собиқ Югославияда Тетовага бориш ўрнига Битолага кетиб қолган. Домла билан тез-тез чуғурлашиб турамиз. Жиқиллашиб қоламиз гоҳида. Аразлаган, совуган пайтларим бўлган. Яширмайман. Аммо... Қанчалик узоқлашсам, шунчалик яқинлашибман, қарасам. Ундан қочиб кетолмайсан киши. Мехри ва сеҳри тортиб туради. Юки бениҳоя оғир. Буни кўтариш учун тўртта фил керак, дейди Ғайбулла Саломовнинг ўзи тўлиб-тошиб кетган вақтларида. Устига-устак бошқа филларнинг кўтаришга ҳам ярайди. Жонига, тоқатига, сабр-бардошига тўзим берсин³². Навбат профессор устознинг Сайди Умировга бўлган илиқ фикрлари ҳақида. Яхшилиқшунос. Ҳеч кимни хафа қилгиси йўқ. Ашаддий ғаламисни ҳам. Баъзан кўзини ёғини еган кимсалар унга хиёнат қилади. У эса буни тушунмайди. Тушунишни истамайди ҳам. Хиёнатга садоқат билан хизмат қилаверади. Эҳтимол, тўғри қилар? Одамлар ҳақида инсоншунос бўлиб қалам сурганда, баъзан ҳайратга тушаман. Бир

³¹ Ғайбулла Ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман болам.).-Т.: Шарқ.1996. – Б.140.

³² Ўша манба.– Б.149.

нафасда ёзади. Ниҳоятда ҳозиржавоб, ниҳоятда сусткаш. Озгина кайфияти бўлмаса қалами юрмайди... Менга ўхшаб кетади сал-пал «қўшиб ёзишнинг» ҳавосини олган. Ўзбек-да минг бўлсаям. Ёлғонни ҳам дўндириб ростлаб юборади гоҳо... ва ишонтиради. Нозиктабъ. Шоиртабиат. Шафқатсизларча мурасасоз. Истардимки, ҳаёт Сайди Умрни кайнашга ундовчи инсоний фазилатларга, баҳорий сасларга, сифатларга тўлиб тошса... Яна бир лукма. Рафиқаси Ойлар хоним ҳаёлпараст, оққўнгил ёстикдошининг элга Сайди Умр бўлиб танилишида ёнма-ён туриб берди. Чидади. Елди югурди. Сайдижон Фанлар академиясида 5-6 йил ишлаган бўлди. Адабий тафсилотшуносликдан номзодлик ёқлади. Мактаб кўрган яхши устоднинг Солиҳ Қосимнинг шогирди. Яқин ўттиз йилдан буён Тошкент дорилфунунида домлачилик қилади. Мирзо Улуғбек номидаги улуғвор мадрасанинг тупроғини ялайди. Ҳафсалани қаранг. 10 йил декан муовини, декан бўлибди-я шоввоз. Эсиз ойлар. Эсиз умр. Мулкий нуфузи ўртадан пастроқ. Салоҳияти сарбаланд.

Саидийнинг баъзи бир қаламкаш қаҳрамонлари (ўзим ҳам жумладан) муаллиф кўрганидай ва истаганидай соҳибкаромат эмасдир балким. Оддий одамгарчилик йўлида юрган одамлар. Ўйлайманки, улар ўз тимсоллари кўтарилишга жаҳд қилади... Лоақал Сайди Умр афандидан уялиб қолмаслик учун бўлса ҳам³³.

Хусусан, бу икки муаллифнинг “Толибнома” китоби ўқувчи учун тушунарли равон тилда ёзилган ва мароқ билан ўқилади. Мустақилликка қандай қийинчилик билан эришилганлиги, даъвати, янгича таълим, таҳсил, янги турмуш тарзи “Толибнома”да ёшларга содда тил, жозибали бир услуб билан тушунтирилади. Минг афсуслар бўлсинким, бундай китоблар ҳозир сотувда йўқ. Бўлар-бўлмас аллақандай беҳаё ҳис уйғотувчи китоб журналлар, беҳаё расмлар солинган китоблар китоб расталарида тўлиб ётибди. Ҳозирги пайтда бадиий публицистик асарлар камлиги, бўлганда ҳам сифати, мазмуни, ғояси, муаммолари унсурларининг савияси паслиги айни ҳақиқат. Шу ўринда бадиий публицистика вазифаси воқеа ҳодисалар талқини, муаммо ва

³³ Ғайбулла Ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман болам.). –Т.: Шарқ, 1996.– Б.150.

жараёнлар тадқиқоти орқали жамият ривожланишидаги қонуниятлар, инсон тафаккуридаги эвирилишлар, ҳаётга нисбатан фалсафий муносабатларни ифодалайди. Шундагина, жамият фикр-онги тафаккурини, даражасини, самимийликни, ишонч нима эканлигини, адолатни, ҳақиқатларни уйғотиш мумкин.

Бизни бутун умр қийнайдиган бир муаммо бор. Бу илмий ва услубий ифодавий тард, йўсин мақомдир. Табиий, аниқ фанларда фикр, аксарият, муайян қабул қилинган шартли тилда, рамзлар, тимсоллар чизмалар, формулалар тарзида ифода этилади. Уларни пухта ўзлаштириб олинса, тайёр қолиплар асосида иш кўрилаверилади. Бироқ ҳар бир фаннинг ўз илмий тилини, таъриф, қоида, аксиома, теоремаларини пухта ўзлаштириш талаб қилинади. Ижтимоий фанлар соҳасида фикр кўпроқ тавсифий йўсинда ифода этилади. Ўзбек тилида илмий атамачилик яъни, терминология пухта ишланмаган. Ҳозирда кўпчилик олимларимиз ўз асарларини рус тилида ёзавериш, ўз тилида нўноқ бўлиб қолган. Тилнинг илмий-ифодавий қатламлари ишланмай, эътибордан четда қолгани масъулияти ўзбек олимлари ва зиёлиларининг гарданидадир. Бу нуқсон ва илмсизлик уларнинг виждонига ҳавола. Табиий-аниқ ва ижтимоий гуманитар фанлар намояндаларининг олдида оғир лисоний муаммо кўндаланг бўлиб турибди. Тил фақат тилшунослик (лингвистика) фанининг ашёси эмас. Унинг ижтимоий маъносидан ташқари, соф илмий-абстракциявий қўлланиш соҳалари ҳам кўп. Ҳозирги пайтда табиий ва гуманитар фанлар соҳасини билмай туриб, энг замонавий фан негизини кашф қилиш, ўта мураккаб автомат ва механизмлар билан алоқага киришиш, кибернетика, компьютершуносликнинг жаҳоншумул самараларидан фойдаланиш мумкин эмас. Ахборот – технология замонида келиб турли миллат кишилар ўртасида алоқа ўрнатиш воситаси маъносида тилларни ўрганиш миқёси кенгайди. Бу жараён, лисоний жуғрофия тоабат кенгайиб, чуқурлашиб бораверади. Бугунги кунимизда дунёни биламан, таниламан деган улкан мақсадни ўз олдига қўйган олим, у ҳоҳ дунё кўрган кекса фозил бўлсин, ҳоҳ ёш

мутахассис, изланувчи бўлсин, жаҳон тилларини ўрганишга мажбур. Шу ўринда табобатда кўп ишлатиладиган иборани келтириб ўтсам мақсадга мувофиқ бўлади. “ Ҳар куни бир чой қошиқдан” ...

Яқин йилларга қадар биз беқиёс бир миқёсда рус тилини ўрганишга маҳкум этилган эдик. Тўғри рус тилини ўрганиш ва ўргатишдан икки томонлама манфаат бор эди. Биринчиси ғаразли манфаат, иккинчиси соф маърифий манфаат. Ҳар қандай ёмон ишнинг бир яхши жиҳати, ҳар қандай яхши ишнинг бир салбий оқибати бўлади. Бизнинг рус тилини билишимиз руслар учун эмас, биринчи галда ўзимиз учун керак эди. Бу катта мақсад амалга ошди. Инсоф юзасидан тўғри баҳо берадиган бўлсак, ҳозиргача биз дунёнинг илмий, маданий, маърифий қиёфасини рус тили орқали танидик ва ўзимизни бир қадар жаҳонга намоён этдик. Эндиликда мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари, иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий муносабатлари ой сайин эмас, кун сайин, соат сайин кенгайиб чуқурлашиб бормоқда. Инсон ҳаёти давомида, айниқса ҳозирги кунимизда хорижий тилларни билиш нақадар долзарблигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу фақат хоши-истак эмас, давр тақозоси. Мисол учун чет элга боришни истайсизми хорижий тил керак, бирон давлатнинг ажнабий мулкдорлари билан қўшма корхона очмоқчимисиз хорижий тил керак, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлишни истайсизми яна хорижий тилни билиш керак. Бироқ, баъзида таржимон ёрдамга келиши мумкин. Барибир ўзинг тил билганинга нима етсин! Бу жумлалар фикрлар ҳаёт тажрибасидан олинганлиги аниқ. Бироқ бундан ҳам зарур бирламчи устувор бир алоқа воситаси борки бу она тилидир. Бундай олганда чет тилини билмай туриб, ўз киндик қонинг тўкилган юртингда яшаш мумкин. Аммо хорижда чет тилини билмасдан яшаш кўп муаммоларни келтириб чиқаришга сабабчи бўлади. Энг зарур қоида ва талаб шуки, ҳар қандай хорижий тилни билиш она тили замирига ўрнатилмоғи керак. Шундай экан, асосий тамойил хорижий тилдан – она тилига эмас, она тилидан – хорижий тилга томон йўналтирилган бўлиши

даркор³⁴.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ учун она тили муқаддас ҳисобланади. Тил унинг яратувчиси – халқнинг, миллатнинг тарихи ва маданиятини ўзида мужассам этади. Айни вақтда, у жамиятни ривожлантириш омили, миллатнинг ажралмас хусусияти ва давлатнинг суверенлигини кўрсатувчи белгилардан бири саналади. Дунёда 6000 мингдан зиёд тил ва диалектлар мавжуд бўлиб, шундан фақатгина 100 га яқини давлат мақомига эгадир. Она тили учун қайғуриш миллат тақдири, Ватан тақдири, ўзлик учун қайғуриш, курашнинг муҳим ҳалқаси. Бу курашнинг авж нуқтаси мамлакатимизда 1989 йилга тўғри келади. Давлат тили мақомини олган она тилимиз истиқболи ҳақида қайғуриш янги босқичга кирди ва бу ҳаракат йиллар оша давом этди ва давом этажак. Бу қутлуғ ғалаба юрт шаъни, миллат тақдири учун узоқ вақт давомида олиб борилган, ўтган аср 80 йилларининг иккинчи ярмида кескинлашган курашлар натижаси эди. Бобокалонларимиз Маҳмуд Қошғарий тилимизни бекиёс асослаб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраблар улуғлигини кўрсатиб берган машҳур адибларимиз шох асарларида камолу жамолини намоён этган, жаҳид мутафаккирлари чор босқини, қизиллар босими сабаб ночор ҳолга тушиб, таъсир доираси камайиб бораётган тилимиз учун куйиниб қойишлари саъй-ҳаракатлари натижаси эди³⁵. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 29 йил тўлди. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Қонун, ҳеч шубҳасиз ғавқулодда муҳим тарихий воқеа, эрк йўлида ташланган дадил қадам, ўзига хос истиқлол, икки йилдан кейин келадиган улуғ мустақиллик йўлига тўшалган баҳмол пайондоз эди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинган Олий советнинг 11 сессиясида сўзлаган “Тил элни бирлаштириши лозим” нутқида жумладан шундай деган эди: «Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади... Ҳар

³⁴ Ғайбулла ас-Салом, Сайди Умр.Толибнома (Сени ўйлайман болам.).-Т.: Шарқ.1996.-Б. 36.

³⁵ Ўзбекистон овози, 2016, 20 октябрь.

қандай миллат катта ё кичиклигидан қатъий назар, ўз она тилини ҳурмат қилади». Она тили мавзусига доир оммавий ахборот воситалари ҳам катта-кичик, ранг-баранг материаллар бериб, нашриётлар эса турфа китоб, тадқиқотлар чоп этиб борди. Телевидениеда «Тилга эътибор – элга эътибор» кўрсатуви, радиода мунтазам эшиттиришлар, “Ёшлик ” журнаlining «Тил сандиғи» рукни материаллари, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида Атамашунослик комиссия таклиф, тавсияларини эслаш жоиз. Бу лойиҳа эълон қилинган кезларда халқ ҳолис сўз, қатъий фикрга илҳоқ маҳтал бўлиб турганда ортиқча эҳтиёткорлик қилиб, «кўрайлик-чи» буёғи қандай бўларкин, тарозининг қайси палласи босиб кетаркин» дея кутиб, сақлаб турган айрим таниқли тилшунослар отни камчилаб қолишди, катта-кичик китоб, тадқиқотлар нашр этила бошланди³⁶. Ҳозирги кунга келиб ўзбек тилини қўллаш кўлами кенгайиб, ахборот-коммуникация, компьютер технологиялари ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга татбиқ этиб келинмоқда. Ўзбек тилидаги атама ва байналмилал сўзларни қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Атамаларни тизимлаштириш, бир-бирига мослаштириш, янги тушунчаларни англлатувчи сўзларни танлаш жараёни давом этяпти. Ўзбек тилини илмий асосда ривожлантириш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиб, кўплаб илмий оммабоп китоблар, рисоалар, ўқув қўлланмалар луғатлар нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 2016 йил 13 майда қабул қилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрам арафасида муҳим воқеалардан бири бўлди. Университетда учта: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультети ташкил этилди. Бу факультетлар биринчи навбатда она тилимизни қўллаш доирасини кенгайтиришга, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганишга хизмат қилади.

³⁶ Ўзбекистон овози, 2016, 20 октябрь.

Тил ҳалқ – маънавият кўзгуси, тафаккур хазинаси маҳсулидир. Давлат тилига ҳурматда бўлиш, унинг бой имкониятларини ўрганиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, шиорини устоз-шогирд ўз ижодларида кўрсатиб беришган.

Ғайбулла Саломов китобларининг кўпчилиги, ҳатто бир қанча мақолалари, экран, эфирдаги чиқишлари яхши маънода шов-шув бўлган, анча-мунча илиқ тақризлар ёзилган, таҳририятга, муаллиф номига миннатдорлик мактуби келган. Масалан, “Эй умри азиз” биринчи китоби 1996 йил Шарқ нашриётида чоп этилган. Китобнинг ҳар фаслида “Менга ишонмангиз одамлар”, “Қаёқларда қолдинг ёшлигим”, “Бир эътиқодки, таназзулдан қутқазган (Тоҳир Юнус билан суҳбат), “Истиффор фурсат кутмайди”, “Эҳ қиблагоҳ қиблагоҳ”, “Какликларни асранг одамлар”, “Таржима салтанати”, “Ўн беш дақиқа ва бутун умр (“Мен сув ичган дарёлар” туркумидан), “Ўзлигим ўзбеклигим”, “Мавлавий” каби рисоалар битилган³⁷.

Аввал ўзгалар фикр-мулоҳазалари, хулоса, баҳоларини келтириб, кейин ўз муносабатини билдириш илмий, публицистик иш этикасига, ўзбекчилик одобига тўғри келади. Асил Рашидовни Ғайбулла Саломовга яқинлаштирган, кадрдон дўст қилган асосий омил таржимонлиги, иккинчисининг таржимашунослиги бўлди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, икки ижодкорни ҳамкору ҳамдаст, дўст-кадрдон қилган киши машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов, унинг “Жамила”си бўлди. Асил Рашидов ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Чингиз Айтматовнинг кўпгина қисса ва ҳикоялари, романини ўзбек тилига ағдарди. Таржималар жараёнида дўстлар мунтазам маслаҳатлашиб, фикрлашиб туришди, бу йилларда Асил ака Чингиз оға билан бир неча бор кўришди, мулоқот қилишди, хат алмашишди, Шакар овулида, Тошкентда мароқли учрашувлар бўлди.

С.У: Чингиз Айтматов асарлари таржималарининг 80-85 фоизи Асил ака қаламига мансуб. Рўзнома қолмади, ойнома қолмади, радио, ойнаижаҳон,

³⁷ Ғайбуллоҳ ас-Салом.// Асарлар. 1-китоб.// Эй умри азиз. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 256.

театр... Ҳаммаёқда – Чингиз, Чингиз... ёзувчи асар яратиб чарчамас, Асил ака уларни ўгириб толиқмасди... Аллақачон ҳикоя, қисса ва “Асрга татиғулик кун” романини икки-уч марталаб чоп эттирган. Агар улуг адибнинг Ўзбекистонда бу қадар кенг танилишида икки чинакам фидойи таржимоннинг номини аташга зарурат бўлса, бири асил Рашидов. Яна бири Иброҳим Ғафур.

Ғ.С: Тузуккина айтматовшунос бўлиб қолибсиз сизам, Саиджон³⁸.

Устоз кўрган шогирд ҳеч қачон ҳаётда, ўз ишида довдираб қолмайди. Келажакда кутиб турган улкан ишлар унинг зиммасида турганини доимо ҳис этиб туради. Сайди Умиров устоздек мақомга эгалиги фикримиз далилидир.

³⁸ Асил рашидов сафдошлари А 83 нигоҳида / тўплаб, нашрга тайёрловчилар: С. Умиров, И. Рашидова; Н. Раҳимжоновнинг умумий таҳрири остида; таҳрир ҳайъати: Н. Каримов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2011. –Б. 205.

II БОБ. ПУБЛИЦИСТ САЙДИ УМИРОВ ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2. 1. Публицист ижодида Ватан мавзуси

Истиқлол давр ўзбек публицистикасида Ватан мавзуси алоҳида катта жабҳа ҳисобланади. Ватанимиз тарихи, миллатимизнинг маънавий кадриятларини улуғлаб, янги давр тараққиёти руҳини англаш учун нафақат юксак ижодий, илмий салоҳият, балки катта ҳаётий ва касбий тажриба ҳам зарур. Биз илм ва тафаккур ила инсоният тараққиётига муносиб улуш қўшган алломаларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар ўз салоҳиятларини жаҳонга намойиш қила олганлар. Бугунги кунда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитмоқда. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу ердаги туб сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар ушбу муборак заминнинг келажаги янада буюк бўлишига пойдевор яратади. Қайсики мамлакатнинг ички сиёсати оқилона бўлса, унинг ташқи муносабатлари ҳам самарали бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони³⁹ эълон қилиниши халқ дилидаги гап бўлди. Бу эса барча касб эгаларини ғайратига-ғайрат, ижодига илҳом бахшида этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев “Матбуот ва ОАВ ходимлари кунига бағишланган табригида эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист ҳисоблайман⁴⁰, – дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Истиқлол, Ватан, эл-юрт, миллий ғоя, миллий тафаккур,

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.// Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz). 07/ 02/ 2017.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги.// www. President.uz. 27.06.2017.

инсонпарварлик, халқпарварлик, маънавият, қадрият, меҳнат, муҳаббат, – муқаддас туйғулар юксак тушунчалардир. Бугун шоир, ёзувчи, журналист, публицист, адабиётчи ва санъаткор каби ижод аҳли ватанга бўлган муҳаббатни янада таъсирли бўлиши учун меҳнат қилиб келмоқдалар. Бу маънода Сайди Умировнинг публицистик ижодида ҳам Ватан мавзуси ўзига хос тарзда тараннум этилади.

Ижодкорнинг “Истиқлол арафаси, истиқлол нафаси”, “Ўртада бегона йўқ”, Инсонлар дардига дармонлик”, “Маънавиятга дахлдор”, “Равшан кўрувчи кўзлар”, мақолаларида, “Қонун, имон, эътиқод”, “Зукко”, “Янгиланаётган Бухоро”, “Мулоқот мавзуси: Маънавият”, “Республика генетеги” рисоаларида ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Маънавият мулкига саёҳат” китоби муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асари қиммати ва аҳамияти теран таҳлил этилганини таъкидлаш жоиз. Сайди Умиров асар аҳамиятига алоҳида эътибор бергани бежиз эмас. Чунки, асар муаллифининг “Дунёдаги зўравон, тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсиндирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маданиятидан жудо қилади”, – деган нақадар ҳаққонийлигини қадимги ва янги тарих исботлагани ва исботлаб келаётгани аён ⁴¹. Фикримизча, публицист Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов асарларидан илҳомланиб, қувват олиб, асосан публицистик асарлар, таниқли публицистлар фаолиятини таҳлил қилган. Зеро, бу асардаги илгари сурилган ғоялар халқимизнинг бугун ва келажакдаги маънавияти ҳамда интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашда, тараққий эттиришда дастуриламал даражасидаги кучи билан ажралиб туради.

Муаллифнинг “Ўртада бегона йўқ”, мақоласи 2017 йил 3 август куни

⁴¹ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар) / С. Умиров. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б. 4.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар ва имом-хатиблар билан мулоқотини муҳташам залларда кузатиб, у ердан баланд кайфият, ёруғ таассуротларини қоғозга туширган.

“Ўзликни англаш, қадриятларни қадрлаш, хотираларни эъзозлаш – Буюк Истиқлол яратиб берган беҳисоб неъматлар ичида, шубҳасиз, энг улуғворлари, кўркемлари тотлиларидандир. Мустақилликдан шу кунгача кўпгина улуғвор ишлар амалга оширилди, муштаҳам бинолар ва кўркем хиёбонлар қурилди, асрлар давомида аجدодларимиз етолмаган не-не орзумидлар рўёбга чиқмоқда”, – деб таъкидлайди Ислом Каримов ⁴². Мустақилликдан сўнг юртимизда мислсиз барча соҳаларда ўзгаришлар амалга оширилди ва бугунги кунда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Мисол учун ер усти метроси аҳолига кўп қаватли уйлар, жаҳон талабига жавоб берадиган йўл усти кўприклари хуллас, санасак саноғига ета олмайдиган ривожланишлар давом этмоқда.

Улуғвор ишлар, азим қурилишлар қийинчилик, машаққатларсиз, хаширдан қил суғургандай битмайди, пахта, ғалла хирмонлари ўз-ўзидан юксалиб қолмайди, албатта. Муваффақиятларга эришиш ҳам тараққиёт йўлидаги ғовларни енгиб ўтиш ҳам ўзимизнинг қўлимизда.⁴³

Бу ишларни бизга четдан келиб биров қилиб бермайди. Узоқ ва мозийга қараб иш кўриш хайрли, дейишади донишмандлар. Сарбаланд чўққилар қадам-бақадам забт этилганда ортга бир назар ташлаш, ўзига сарҳисоб бериш, яна олға, юксакликка интилиш азалий одатларимиздан. Тинчлик халқимиз бошига қўнган бахт бўлдики, унинг кунлари йилларга, йиллари асрларга татиғулик. Журналист, адиб, санъаткорлар учун муқаддас мавзу, ҳозиржавоблик имтиҳони, маҳорат пиллапоysi.⁴⁴

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” китобида сиёсий, ижтимоий, воқеалар ўрин

⁴² Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар) / С. Умиров. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 8.

⁴³ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 19.

⁴⁴ Ўша манба.

олган. Ушбу асарларни ўқимай, ўқмай, мағзини чакмай, моҳиятини англамай туриб Истиқлолимиз ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилиш, кадр-қимматини тўлиқ идрок этиш қийин – буни саксон ёшга тўлган, икки даврнинг гувоҳи бўлган, эллик беш йиллик, илмий, ижодий, қирқ беш йиллик мударрислик, педагогик тажрибага эга киши сифатида қатъий ишонч билан таъкидлайди Сайди Умиров.

Ўқувчи сифатида журналистга таъсир қилган, қойил қолдирган нарсаси Ислам Каримовнинг узоқни – ўн, йигирма, ўттиз, қирқ йиллар олдинни кўриб, ўйлаб иш тутиши, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоиёт, маънавият бобида далада туккан, пишиб етилган ғоя, режаларни ҳайратингиз жасорат, қатъият билан, қадам бақадам, босқичма босқич амалга ошириши бўлди. Муаллиф бу асарга алоҳида эътибор бергани бежиз эмас. Зотан асарда илгари сурилган ғоялар халқимизнинг бугун ва келажакдаги маънавияти ҳамда интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашда ва тараккий эътиришда дастуриламал даражасидаги кучи билан ажралиб туради. Маънавият муаммоларининг кенг ва изчил қамраб олинганлиги, диққатга сазовор далиллар ва қиёслар келтирилганлиги, жараёнлар таҳлил-тадқиқ қилинганлиги, баённинг равшонлиги китобнинг энг муҳим фазилатларидандир. Шу боис китоб академик ва деҳқон учун ҳам, талаба ва ўқувчи учун ҳам бирдек содда ва тушунарлидир⁴⁵.

Асар муаллифининг “дунёдаги зўравон, тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсиндирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маданиятидан жудо қилади”, – деган фикри нақадар ҳаққонийлигини қадимги ва янги тарих исботлагани ва исботлаб келаётганлиги аён.

Биринчи Президент И. Каримов 1990 йил 4 августдаги маърузасидаёқ кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури кераклиги, жумладан, мактабларда дарс бериш сифатини ошириш, моддий рағбатлантириш,

⁴⁵ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. // Адабиёт. Ҳаё. Маънавият. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 4

истеъдодли болалар учун мактаблар очиш, таълим-тарбия масканлари ўртасида янгича муносабатлар ўрнатиш, олий ўқув юртларида мутахассислар яратиш тизимини такомиллаштириш, хориждаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш лозимлиги ва шу каби масалаларни кун тартибига қатъий қўйгандилар⁴⁶. Инсон узоқ йиллар кулликда яшаса, унда қўлидаги, миясидаги кишанга нисбатан меҳр уйғона бошларкан. Бизнинг халқимиз ҳам ўтган асрларда узоқ вақт мобайнида мутеликни бошидан кечириб, ўзини мутлақ кишанбанд қилиб ташлаган сиёсат занжирларига меҳр қўя бошлаган эди. Истиқлол туфайли бу занжирлардан бўйнидан улоқтириб ташланди. Лекин унинг руҳиятидаги куллик асоратларини бартараф этиш ниҳоятда қийин бўлмоқда. Чунки миллатимиз мутелик қисматини тарих марҳамати сифатида қабул қилишга мажбур қилинган эди. Мана сизга муттасил равишда олиб борилган мустамлакачилик мафкурасининг самараси. Хўш мустақил бўлгандан кейин нима каромат кўрсатиб келмоқдасизлар деган савол туғилади, кишида. Афсуски, мустақиллигимизга 26 йил бўляптики, худди энди асрликдан қутулгандек ўзингни ҳис қиласан. 26 йил нима қилдик ўзи менимча, узоқ уйқудан бошқа ҳеч нарса қила олмадик ҳисоб назаримизда. Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак ўзи?!

Президент Шавкат Мирзиёев “ОАВ аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур”⁴⁷лигини ўз маърузаларида таъкидлаб келмоқда.

Давлат ислохотлари тафаккур ва руҳият ўзгармагунча кутилган натижани бермайди. Жамиятимизда янгиликка тўғаноқ бўлаётган энг катта душман миллий стереотипларимиз, руҳиятимиздаги қусурларимиз, онгимиздаги турғунликдир.

Миллий истиқлол ғояси 26 йил давомида ўзига юклатилган вазифани

⁴⁶ Хуррият. 2018, 21 февраль

⁴⁷ Ш. Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. –Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 32

тўлалигича амалга ошириб бўлди. Бугунги кун эса... Бугун жамиятимизга янги бир ҒОЯ, мафкура керак. Мафкураки, мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимизни ягона бир байроқ остида руҳан бирлаштирувчи ва айни замонда ҳар бир Ватандошдан бу ғоя учун жонини қурбон қилишга ҳам, яшатишга ҳам қодир кучли бир ғоя керак. Замонавий давлат қурилиши олимлари ёхуд демократ либераллар орасида бу фикрга қарши чиқувчилар кўп. Уларнинг иддаосича, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси бўла олмайди! Бу — Конституцияда ҳам ёзилган норма, дейишади⁴⁸.

Улар билан баҳсга киришиш ниятидан узоқ ҳолатда шуни таъкидлаш лозимки, Давлатга эмас жамиятга, ўзини онгли санаган ҳар қандай миллатга уни кучли қиладиган ҳамда умид бахш этадиган мафкура кераклигини илгари суриш мумкин. Айрича, аслида мафкура давлат мафкураси бўлмаслиги керак иддаосини демократиянинг асоси сифатида тарғиб қилаётганларнинг қайси бири бизга мафкураси бўлмаган (очиқ ёхуд махфий, бу бошқа масала) ривожланган давлатни, мафкураси бўлмаган, ғояси бўлмаган, дунёда иддаоси бўлмаган кучли миллатни кўрсата олади? Албатта, на бундай миллат ва на бундай давлат бор.

Тарихий-фалсафий мисоллар ва фикрлар борасида тортишишдан воз кечиб, асосий масала — бугунги кундаги бундай эҳтиёжни вужудга келиш сабабига тўхталсак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар чинакамига амалга ошишида қатор тўсиқларга дуч келмоқда. Бошқарув кадрларининг малакасизлигидан тортиб, оддий фуқаронинг янги даврга кўникишигача ва бошқа-бошқалар...

Аммо бу муаммоларнинг энг катта сабаби — жамият келажаги ва равнақини белгиловчи омил ҳисобланган ижтимоий тафаккур масаласидир. Жамият аъзолари тафаккури ўзгармас экан, бошланган ислохотлар қанчалик

⁴⁸ Хуррият. 2018, 21 февраль.

чукур ўйлаб мукаммаллаштирилган бўлмасин, натижа бериши қийин⁴⁹.

Биринчи Президент Ислом Каримов асарини ўқиган инсон, айниқса “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини varaқлар эканмиз, чорак аср бурунги юртимиз ҳаётига саёҳат қилгандай бўлади. У кунларни кўрган, гувоҳи бўлган кишилар биринчи Президентимиз Янги жамият иншоотлари, кошоналари тархини қандай чизгани, пойдеворини куриш, дастлабки ғиштларини қўйиш, қаватма-қават кўтаришда бош-қош бўлгани, тўсиқ, машаққатларни мардонавор енгани гап-сўзлар, маломатлардан чўчимай, қатъият билан босқичма-босқич тараққий эттириб бугунги замонга етказиб келтирганини яхши эслашади, шукроналар айтишади⁵⁰.

Бир нарсага хайрон бўламиз, ҳозир ҳам ажабланамиз. Бирор ерда кор-хол юз берса, ноҳушлик содир этилса ўша ердаги раҳбарлардан эмас, энг аввало Президентдан кўрилади. Бевосита масъуллар ўзларини соқи қилқишади, четга олишади ёки касал бўлишади. Яхши ишлар, муваффақиятлар, хушхубарлар бўлса-ку, шерикликка даъвогарлар, ўзимиз ташаббус кўрсатганмиз, бош қўшганмиз, деб маддоҳлик қилишади, оғзига эрк берувчилар кўпаяди. Сайди Умиров президент асарига шундай таъриф беради. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Мустақилликка эришиш остонасидаги ва истиқлолнинг илк онлари воқеалари тилга олинган китоби Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясидаги “Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди” номли маърузаси (1992 йил, 4 январь) билан якунланади. Нотиқ ушбу маърузасида иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ишлардан бештасини, янги даврнинг йўналишларидан ўнтасини бирма-бир санаб, таърифини келтириб, таҳлил қилиб ўтади ва “Қатта, масъулиятли йўлда Тангримиз бизга мададкор бўлсин!” – дея тугатади. Орадан ўтган йиллардаги ишлар, йўналишлар ҳисоб-китоб қилинадиган

⁴⁹ Хуррият. 2018, 21 февраль

⁵⁰ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. Давр. Публицистика. Қаҳрамон. //Истиқбол арафаси, Истиқбол нафаси, (“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини қайта ўқиб). –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 25

бўлса, қирқинчидан, эллагинчидан, юзинчидан... деган рақам, саноқларга эҳтиёж туғилганда бу саноқлардан энг олдингиларидан бири, албатта, биринчи Президентимиз аллақачонлар ҳаёлида, шуурида ўйлаб, пишириб, етилтириб юрган, бош-қошлигидан қабул қилинган Мустақил юртнинг янги Конституцияси, янги Байроғи, янги Герби, янги Мадҳияси бўларди ва тарихий воқеа, янгиликларга кейинги тарихий воқеа, ўзгаришлар олтин ҳалқа бўлиб уланарди.

Шу кунларда пойтахтимизнинг Хадра билан Себзорни боғлайдиган қўш қаватли, замонавий янги кўприкни юқориғи, пиёдалар учун мўлжалланган кўркам кўприкдан туриб кузатдим,⁵¹ – дейди Сайди Умиров. Темир йўллар, автомобиль йўллари устидан қурилган турли кўприкларни кўп кўрганмиз. Лекин буниси аломат, бетакрор, гўзаллиги, қулайлигига гап йўқ. Эскалатор, кадам қўйишингиз билан, юқориғи чиқариб қўяди, узун, сидирға соябонлар азиз бошларни ёзда кун тафтидан, қишда совукдан, ёмғир, қорлардан сақлайди⁵². Катта-кичик пиёдалар бир зум тўхтаб, кенг, равон йўллардан ғарбдан шарққа, шимолдан жанубга қўш қаторлаб елиб бораётган турфа машиналарни ким ҳайратланиб, ким анграйиб томоша қилади. Саксондан ошган бардам, тетик отахону онахонлар бир замонлар ушбу мавзеда, яқин атрофлардаги тор, кўримсиз кўчаларни, ўша даврлар нақлиёти – қўқон арава, от, туя, эшакларни, яккам-дуккам машиналар, кўнка ўрнини босган трамвайларни эслаб ҳаёлга толишлари, қойил қолишлари, бугунги дориломон кунларга шукроналар айтишлари турган гап. Дарвоқе, янгилик, ўзгаришларни баланд кўприклардан, осмонўпар иморатлардан, Қамчик довонидан, самолёт, вертолёт иллюминаторидан кузатиш ўзгача гаштли, файзли, Истиқлол меҳнатини, Истиқлол нафасини теранроқ ҳис этамиз⁵³.

Ҳаммамиз ҳам туғилган маконимизни бир умр улуғлаймиз. Ватанга нисбатан кўнглимизда илиқ бир туйғу ҳар доим бўй кўрсатаверади. Бироқ,

⁵¹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. Давр. Публицистика. Қахрамон. //Истиқбол арафаси, Истиқбол нафаси, (“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини қайта ўқиб). –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 29.

⁵² Ўша манба.– Б. 29

⁵³ Ўша жойда.

бугун, буюмпарастлик, моддий бойликка интилган дилларимизда Ватан туйғуси анчайин ўтмаслашгандай. Бу кўнглида ҳали туғилган юрт, ота-она каби тушунчалар ўта ўткир бўлган ёшларда яққол кўзга ташланмоқда.

Энг ёмони — Ватан фақат минбарларда айтиладиган сўзга айланганга ўхшайди. Эҳтирос билан гапирсак бўлди, ватан олдидаги бурчимизни бажарган ҳисоблаймиз.

Таниқли публицист Муртазо Қаршибойнинг “Эзгулик ва маънавият” номли маънавий рисоласи шундай интилиш самарасидир. Эзгулик бўлган жойда тинчлик-тотувлик, бахту саодат бўлади. “Ҳаётнинг маъноси” боби биргина сўз билан ифодаланадиган бағрикенглик тушунчаси – яхшиликка мўъжаз публицистик қасида. Муаллиф ўз услубига содиқ қолиб, бобокалонларимиз Навоий, Бобурларнинг яхшилик ҳақидаги шох байтларини, халқ мақолаларини, ўғил-қизларга яхши ният билан Яхшибой, Яхшилик, Яхшигул, Хушвақт, Хосият, Хайринисо каби исмлар қўйишганини, Ғафур Ғулом ҳикоясида меҳр билан тасвирланган кампир ҳатто ёмон ниятли кимсани ҳам “ўғригина болам” деб аташини фикрини асослаш учун келтиради, – деб таъкидлайди Сайди Умиров.

Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади ва унга қайтадан таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида сўз воситаси билан амалга оширилади⁵⁴. Шундай экан, Сайди Умиров журналистикасида ижтимоий ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни сўз орқали тасвирлаш, улар ҳақида хабар бериш ҳамда таҳлил қилиш, сўз сиёсати бўлмиш публицистика билан чамбарчас эканлигини кўрсатиб туради.

Бугунги кунда юртимизда барча соҳалар илдамлаб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлис палаталарига тақдим этган Мурожаатномасида энг аввало, мамлакатимизни янада тараққий эттириш,

⁵⁴ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет, 2008. –Б. 51.

халқ билан мулоқотни давом эттириш муҳим ўрин тутган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой муаммосини ҳал этиш билан бир қаторда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва оммавий ахборот воситалари ҳақида билдирган фикрлари соҳани янада ривожлантиришга оид берган таклиф ва тавсиялар ҳам жуда долзарб. Бу мамлакатимизни дунё ҳамжамияти олдида нуфузини янада ошириш ва халқимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон тарихига олтин харфлар билан битилажак улкан ўзгаришлар бошланганлигининг далолатидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда салласини ол дейишса, бажарувчи боши билан олиб келишлик давом этаётганлиги ачинарли ҳолат.

Шунингдек, Президент имом-хатиблар ҳузуридаги маърузасини “Ҳидоят” журнали, “Ислом нури” газетаси, “Ҳидоят сари” маърифидастури, “Зиё студияси” кўрсатувлари шаънига илиқ фикрлар билдириш, қалам, ижод аҳлига янги вазифалар белгилаш, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилинг – Аллоҳда, қўлинг – ишда бўлсин” деган пурҳикматини эслатиш билан тугатди⁵⁵.

Жоннинг жисмдан ташқарида Ватани бўлмаганидек, ақли расо одамнинг ҳам туғилганда киндик қони томган, ўсиб-улғайган тупроғидан, дов-дарахтларидан, бетакрор табиатидан қувват, ноз-неъматларидан озиқ, мангу ва боқий қадриятларидан баҳра олган Ватанидан ўзга Ватан бўлмайди.

Инсонда Ватан битта бўлади. Ватан бу ҳамма нарса, умримизнинг мазмуни, ҳаётимизнинг маъни ва маъносидир. Ватан бу ота-боболаримизнинг хоки ётган муқаддас тупроқ. Биз эъзозлайдиган жамики қадрли нарсаларнинг макони.

Бу дунёда нафас олаётган жонзот борки, ўз Ватанини ҳимоя қилади. Ҳатто қушлар ҳам полапонлари чуғурлашиб ётган инини турли ёвуз ниятли мавжудотлардан асрайди. Ер юзининг қайсидир ҳудудларида яратилган

⁵⁵ Умиров С. Сеҳрли ва меҳрли сўз. Давр. Публицистика. Қаҳрамон. //Қонун, Имон, Эътиқод. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017, 3 июль. – Б. 34.

иктисодий шароитларни деб ўзга юртда яшаш эса, бу — вақтинчалик умргузаронлик қиладиган бегона макондан бошқа нарса эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, замон шиддат билан ўзгармоқда. Агар биз ўз олдимизга Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, деган улкан маррани қўйган эканмиз уни йиллар, асрлар ўтиб, келажакда эмас, балки бугунги кундаги ҳаётимизда амалга оширишимиз муҳим.

2. 2. Сайди Умиров публицистикасида ижодкор шахс образи

Бу чархи дунда яшаган, яшаётган ва яшайдиган ҳар бир инсон бетакрордир. Лекин сизга учраганларнинг ҳар бирига ҳам кўнглингиздан жой беравермайсиз ёки улар ҳам сиз каби йўл тутаяди. Сиз ўзингиз учун уларни кашф этасиз, улар эса сизни ўрганади.

Яқинда ўзаро суҳбатларнинг бирида “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов журналистика факультетларида сабоқ берувчи профессор-ўқитувчилар назария билан чекланиб қолаётганлиги, миллий матбуотдаги чиқишлари озлиги, ижодий фаол эмаслиги ҳусусида сўз очиб қолди. Кўтарилган муаммо ўринли. Аудиторияда талабаларга дарс бераётган ўқитувчи фан назариясини тушунтира туриб, амалиётдан беҳабар бўлса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Қачонки назария ва амалиёт уйғунлигига эришилса, етишиб келаётган кадр оммавий ахборот воситаларига борганда қоқилмайди ва жараёнга тез киришиб кетади. Бугунги кунимизда ҳар иккаласини бирга олиб бораётган – Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳалим Саидов, Наргис Қосимова, Назира Тошпўлатова, Санобар Жуманова, Гулмира Шукурова, Ирода Исмаилова, Беруний Алимов, сингари профессор-ўқитувчилар дарсини талабалар мароқ билан тинглашади. Бу борада илғорликни ҳалигача бермай келаётган, кўрганларидан дур ва самимият кидирадиган инсон, таниқли публицист, етук олим, қатор илмий ва публицистик мақолалар муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умировни намуна сифатида кўрсата олиш мумкин. Гап қайси мавзуда кетмасин, домлада ўша мавзуга дахлдор мисол истаганча

бор⁵⁶. Масалан, Шухрат Жабборовнинг “Маҳорат мактаби” сарлавҳали мақоласида устозга шундай таъриф берган. “Қўлга қалам олиб, қоғозни коралар экансиз, газетхонга бирор янги гап айтиш пайида бўлинг”, “Мақоланинг жони – янги фикр бўлмоғи керак” – устознинг бу йўл-йўриғи шунинг учун шогирдлар қалбида муҳрланиб қоладики, Сайди ака ўша талабаларга, аввало, ўзи риоя этади⁵⁷, – дейди у. Шунингдек, Одил Ҳатамовнинг “Устозларига муносиб шогирд, шогирдларига муносиб устоз”, Ёрқул Умаровнинг “Устоз ҳақида ўйларим”, Низомиддин Садриддиновнинг “Сайди Умиров сабоқлари”, Темур Эшбоев, Маруса Ҳосилова, Азамат Зариповнинг мақолаларида ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтаётган устоз Сайди Умиров ҳақида фикр, мулоҳазалари ёзилган.

Сайди Умиров ҳар нарсадан эзгулик қидирадиган, ҳар қандай ўзгаришни самимият билан қарши оладиган дилкаш инсон. Кўрганларини яширмай ёзади. Ғараз, ҳасад, нафрат ва ёмонликни билмайди. Унинг асарлари барчаси самимий. Самимият сарлавҳадан бошланади ва буни мақоланинг энг охиригача ҳис қилиб турасиз. Домла зўрма-зўраки ёзолмайди. Энг аввало ёлғон ҳақида ҳеч қачон ёзолмайди.

“Ёлғон” сўзи араб тилида “кизб” дейилади ва луғатда ростнинг тескарисини англатади. Миллий маънавиятимиз буюк дарғаси ҳисобланган МСМЮ ёлғонни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: “Ёлғон – хабарнинг воқеликка тўғри келмаслигидир”, деган.

Ибн Ҳажар: “Ёлғон – бир нарса ҳақида қасддан бўлсин, ноқасддан бўлсин, унга хилоф нарсани гапиришдир“, деган.

Ёлғон сўзда бўлиши билан бирга, амалда ҳам бўлади. Бунда ёлғончи бўлмаган нарсани бўлган қилиб кўрсатиш учун ҳийла қилади. Ёҳуд унинг акси бўлиб, бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади»⁵⁸.

Юқоридаги иборалар фикримизча, бугунги ҳаётимизнинг жирканч

⁵⁶ Ўзбекистон матбуоти // маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журнал. Сарлавҳадан бошланган самимият. № 4-6 2017. – Б. 26.

⁵⁷ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. –Т.: BODOMZORINVEST, 2017. – Б. 406.

⁵⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ёлғон – Т.: Hilol-Nashr 2018. – Б. 5.

жихатларини яққол ифода қилиб берган. Ўтиш даврида кадриятлар синиши, ёки аксинча янги кадриятлар қарор топиш жараёнлари оғриқли кечиши сабабли инсонларнинг туйғулари, ташқи феъл атвори, ҳаракати ва қилаётган амаллари доим ҳам ички руҳий олами кадриятларига зид тарзда бўлиб қолмоқда. Орамизда, ростгўй, адолатли ватанпарвар кишилар овози эса бундай паллада хайбарақаллачиларнинг ўта баланд хайқирғи остида қолиб кетиши тайин. Сайди Умировни айнан ростгўй, адолатли ватанпарвар кишилар қаторига қўшсак муболаға бўлмайди. Чунки, ҳар гал устоз билан учрашиб қолгудек бўлсам, йигирма ёшли йигитдек ҳаракатланадилар, салом аликдан сўнг ижоддан сўз бошлайдилар ва юринг янги китобим нашрдан чиқди, кўрсатаман, – деб кўлимдан етаклаб, оқ рангли нексия русумли машиналарини юкхонасини очадиларда “Сехрли ва меҳрли сўз” китобларини совға қилиб юборадилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Китобни биринчи юзини очиб ўзларининг дил изҳорларини ёзиб, илмий раҳбарим ва менга ижодда, ҳаётда омадлар тилаб қоладилар. Шахсан ўзлари 80 ёш юбилей тўйларига таклиф ҳам қилиб қўядилар. Мана сизга устозлик намунаси. Юқорида келтириб ўтган фикримизнинг исботи олимни ҳатти-ҳаракатлирида ўз ифодасини топган.

Элга, кўпчиликка айтар гапи бор одам ҳамиша элга интилади, кўнглидагини халқига айтгиси келади. Ижоддан, изланишдан тўхтамайди. Ижоддан бошқа нарса ҳаёлига ҳам келмайди, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким. – Мен бир гал сўраганман. “Устоз, шу ёшдаям чопқиллаб, ёзиб-чизиб юрасиз. Талабалардан айрилмайсиз. Сизни доим хушчақчақ кўраман. Сири нимада?” У киши шундай жавоб берган: “Сирини билмадим, мен, шу, майда-чуйдага эътибор бермайман. Бировлар ҳар нарсага инжиқланиб, ўтган нарсаларга ўралашиб юради. Ўтган ўтди, эртани ўйлаб яшаш керак-да. Олдинда қанча катта ишлар турибди, – деб шошиб келдилару яна чопқиллаб чиқиб кетдилар⁵⁹ деб, Сайди

⁵⁹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Улуғ ёшли йигит. –Т.: BODOMZORINVEST, 2017. – Б. 405.

Умировга таъриф берган. Шунингдек, бу инсон қалби жиз этмаган мавзуга қўл урмайди. Мен домла билан бирга ишлаган шу даврларга шукур қилиш билан билан биргина афсусимни ҳам келтириб ўтаман. Бир пайтлар, ҳар шанба ҳалқаро журналистика факультети мини футбол зали уларнинг шогирдлари билан гавжум бўларди. СайдиУмиров талабалар билан елкама-елка футбол ўйнарди. Ҳозир залда футбол ўйнаш биров имконсиз. Аммо, унинг бошчилигидаги шахмат турнирлари анъана тусини олганди. Эркин Воҳидов, Бахтиёр Назаров, Асил Рашидов, Бойбўта Дўстқораев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоҳир Қаҳҳор сингари таниқли ижодкорлар иштирокидаги турнирларда, улар билан танишиш, ижод ҳақидаги гурунглари тинглаш бахтига сазовор бўлганман. Маърифий суҳбатлардан дур кидирардим. Афсусим, шахматни яхши тушунмаслигим, – дейди ЎзДЖТУ ҳалқаро журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди Амрулло Каримов.

Мунаққиднинг публицистикага оид мавзуга ёндашиши, тасвирлаш санъати, сўз танлаш маҳорати ибратлидир. Айниқса, портрет очерклари кўпчиликни эътиборига тушган. Бадиий деталларни маҳорат билан матнга сингдириб юбориш, фактлардан тўғри фойдаланиш, воқеаликни чиройли тарзда тасвирлаб, энг асосийси, сарлавҳа танлашда ўзига хос услуби Сайди Умиров ижоди публицистикасига хосдир.

Ҳар бир инсонни кўзгу, ибрат ва сабоқ деб билиш учун эса уни қадрлай билмоқ, уни асрамоқ, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсата билмоқ ва ишонмоқ керак. Инсонпарварликнинг аввали – фикрапарварликда, ғояпарварликда. Ана шу туйғуларни умуминсоний фазилатлар мақомига юксалтиришга эришилган тақдирдагина бу ёруғ дунёни асраб қолиш имкони топилади...

Ёзувчи, шоир, олим ва мусаввир тафаккури, умуман, бадиий ижод моҳияти ва мўъжизаларига берилган таърифу тавсифларни санаб адоғига етиб бўлмас.

Ҳар қандай илм-фанга тааллуқли ҳолат шундаки, тадқиқотлар кўпайган сари янгидан янги мавзулар келиб чиқаверади. Бу ҳолат журналистика

соҳасидаги изланишларга ҳам дахлдор⁶⁰. Қолаверса, ҳаёт, “ахборот асри” фан ва унинг вакиллари олдига ҳозирга қадар маълум бўлмаган муаммолар ечимини топиш вазифасини қўймоқда. Муҳими, ўзбек миллий журналистика фани намояндалари жаҳон миқёсларида кечаётган жараёнлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан, бир томондан тадқиқотлар миллий журналистика асоларини кашф этишда, мустаҳкамлашда давом этмоқда.

Сайди Умировнинг ўзи бу маънода қуйидагиларни эътироф этади: Журналистика бор – публицистика бор. Уларнинг муштарак жиҳатлари ва фарқли томонлари ҳам мавжуд. Ҳар қандай публицистик асар, шубҳасиз, журналистик асар, лекин ҳар қандай журналистик асар публицистикага дахлдор бўлмаслиги, унинг даражаси, савиясига кўтарила олмаслиги мумкин. Журналистика — асосан, кўлам сиғим, сон, горизонтал ўлчов билан, публицистика – сифат, жасорат, маҳорат, вертикал ўлчов билан баҳоланади. Публицистика чўққисига журналистика пиллапоялари, тепаликлари орқали, билим, тажриба, малака тўплаб чиқиб борилади⁶¹. Публицистиканинг “ижтимоий педагогика” деб аталиши бежиз эмас. Инсоннинг мураккаб ички олами, маънавий – ахлоқий камолоти, жамият, юрт, жамоа, оила олдидagi бурчи, масъулияти, моддий бойлик билан маънавий қашшоқлик орасидаги узилиш, истеъмолчилик пойгаси, тўқликка шўхлик, ҳаромхўрлик, мешчанлик, лоқайдлик, оқибатсизлик, тошбағирлик, имон – эътиқоднинг суствлиги, миллатлар орасига нифоқ солишга уриниш каби иллатлар публицистни узоқ йиллар ўйлантириб, ташвишлантириб ўқувчи билан баҳам кўришга ундаб келади. Шундай воқеалардан, “Хотира ва қадрлаш” куни илк бор нишонланган онларни яна бир бор эслайлик”, – деб ёзади Сайди Умиров. Публицист “Маънавият мулкига саёҳат” китобида мустақиллик майдонидан таъсирли лаҳзалар, собиқ биринчи президентимиз Ислам Каримов нутқи одамларнинг дил сўзлари, севинч ёшлари барчаннинг ёдида.

⁶⁰ Дўстмуҳаммад Х. Ахборот- мўъжиза, жозига, фалсафа /масъул муҳаррир Ф.Мўминова. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б.96-97.

⁶¹ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. // Адабиёт. Ҳаё. Маънавият.—Т.: O'zbekiston, 2013. —Б. 24.

Яхши асар қалбимизда, шууримизда илиқ ҳислар, эзгу туйғулар уйғотади, онг билимимизни бойитади, янги фактлар, тасаввурлар пайдо қилади. Ҳозирги пайтда муаммоли, таҳлилий публицистикага эҳтиёж, зарурат, айниқса кучайди. Бу албатта давр тақозосидир. Мисол учун Максим Горький публицистикани ижтимоий педагогика дея атагани, очерк, мақолаларнинг тарбиявий аҳамиятини кўп бор таъкидлагани маълум. Сайди Умиров «Камалак жилolari» сарлавҳали публицистик асарида Ўткир Ҳошимовни публицистика жанрида кўп ва хўп ижод қилаётгани ҳақида илиқ фикрлар билдиради. Публицистиканинг энг муҳим, асосий вазифаларидан бири — омма онгига таъсир этиб, жамоатчилик фикрини уйғотиш ва шакллантириш. Шу маънода Сайди Умиров Ўткир Ҳошимовни икки мақоласини алоҳида таъкидлайди. Булар «Қалбнинг оппоқ дафтари» ҳамда «Муқаддас қасамни бузганлар» деб номланади. Сарлавҳани ўзи ўқувчини жалб қилади. Демак, биринчи мақолада педагогика, иккинчисида медицина мавзуида материал оммага тақдим этилади. Мавзуларнинг нақадар муҳим, ҳаётийлиги аён. Мактабда ўқимаган, медицинага иши тушмаган одамни ўзи йўқ⁶². Ҳар икки соҳани талаб-эҳтиёжлари, дард-муаммоларидан озми-кўпми хабардормиз. Сайди Умиров Ўткир Ҳошимовни бу мақоласининг энг муҳим муаммоларига аҳамият қаратади. Муаммо кўйиш — осон нарса эмас. Муаммоларни бирма-бир санаш, муҳимлигини таъкидлаш билан иш битмайди. Муаммо — ҳаётни теран ўрганиш, жиддий мушоҳадаю, муҳокама, фаол фуқаровийлик позицияси, анализ ва синтез, жасорат ва маҳорат маҳсули... Ўқитувчи, шифокорнинг қадри, шарафи, обрў-эътибори, бурчи ва масъулияти — публицистни мақола, муаллифи Ўткир Ҳошимовни кўпроқ банд этган. Қадр, обрў, аввало, ўқитувчи, шифокорнинг ўзига қолаверса, бошқа омилларга боғлиқ. Ўз устида кунт билан ишлайдиган, билими, маҳоратини тинимсиз ошириб берадиган, қалби кенг, меҳри дарё ўқитувчи, шифокорлар ҳақида Ўткир Ҳошимов ибратли фактлар келтириб, фикр-ўйларини ўқувчи билан баҳам кўради. Муаллиф ўзи кўрган, билган, кузатган

⁶² Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. // Адабиёт. Ҳаё. Маънавият.—Т.: O'zbekiston, 2013. —Б. 26..

характерли факт ва эпизодлар, уларнинг таҳлили, тадқиқи ва аксинча, шарафли касбни қадрсизлашдан далолат берувчи тескари, соя мисоллар ҳам келтириб ўтади. Масалан фанини наридан бери билиб олиб дарсга кириб-чиқиб юрувчи, боланинг илмига қараб эмас, ота-онасининг тутган мавқеига қараб баҳо қўювчи, соч-соқолини ўстириб, юриш-туришига қарамай қўйган баъзи ўқитувчилар; беморларга лоқайд, тошмехр, тамагир айрим докторлар; маънавият билан чайқовчилик қилувчи баъзи муаллимлар; бировнинг бахтсизлигидан фойдаланувчи, оқ ҳалатини беморнинг қони билан доғ қилувчи имонфуруш “шифокор” лар ҳақида публицист қаҳр ғазаб билан ёзади.

Акт фикрни, фикр фактни истисно этмаслиги, унинг мустаҳкам алоқадорлиги, бир-бирини тақозо этиши маълум. Бу кўрсатма публицистикада алоҳида фаолият касб этади. Дилимизда, тилимизнинг учида турган фикр мулоҳазаларни изҳор этади. Беихтиёр публицистнинг фикр мулоҳазаларига ўзимизнинг мисол мушоҳадаларимизни қўшгимиз келади деб баҳо беради Сайди Умиров. У илмнинг дақиқ жойини топувчи, етук фақиҳ ижодкор. Бундай талант ҳаммада ҳам бўлавермайди.

Биз айнан ҳозирги кунимизда кўпинча, ишонтириш ўрнига декларация билан қандайдир қоғозга туширилган ёлғон ҳисоботлар билан машғул бўламиз. Публицистика мана шундай муаммоларни ечиш ролини ахтаради ва бажаради. Публицистика бу — кураш, ҳаётимиздаги янги нарсаларни барқарор этиш, олға боришимизга тўсиқ бўлаётган иллатларга барҳам бериш демакдир ⁶³. Сайди Умиров газета публицисти сифатида бу жанрларни эъзозлайди, уларсиз газета бир кун ҳам яшай олмайди. Аммо бадий очерксиз кун кечиришни биламиз, шундай бўлса ҳам уларни чинакам публицистика эмас деб таъкидлайди. Қайси фан хабарбоп-у қайсиниси корреспонденциябоп, буниси далиллаш, униси идрок этишни тақозо этади. Буларни журналист ўз иш столида ҳал этиши керак. Ишчи заводда материалга ҳар хил ишлов бергани сингари очеркка ҳикоя либосини

⁶³ Умиров С.Дорилфунунлар тақдиримда.// Публицист сабоқлари. – Т.: Шарқ, 2008. - Б. 113.

кийдиришдан ёмони йўқ... Сайди Умировни яхши тушунишни ва холис баҳолаш учун кенг билим ва савия, адабиёт, журналистиканинг такрори бўлса ҳам айтайлик, шошмасдан синчиклаб, “шимиб” ўқиш ва мулоҳаза юритиш, ўқиш ва уқишни аҳамияти катта. Публицистнинг илмий ва танқидий мақолалари, дилномалари оз бўлсада унинг мазмун моҳияти создир. Мисол учун “Публицист сабоқлари”, “Истеъдодни англаш бахти”, “Бир шингил хотира”, “Излай-излай топгани”, “Олтин зангламас”, “Сўз мулкига саёҳат”, “Дўстнома”, “Даъваткор сўз”, “Маънавий маданлар”, “Жаҳон чемпионати сабоқлари”, “Турундошлар”, “Саноатга эш қишлоқ хўжалиги”, “Янгиланаётган туманим маним”⁶⁴, ва Варлам Шаламов қаламига мансуб ҳикоялар таржималари бор. Сайди Умиров ижодида теран мазмун ва гўзал шаклнинг уйғунлиги, юксак ғоявийлик, бадиийлик, публицистликнинг уюшқоқлиги, фикр билан сўзнинг худди келишиб олгандек муҳим роль ўйнаши намоён бўлади.

Жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВни аҳамияти жуда катта. Сайди Умировнинг “Инсонлар дардига дармонлик”, “Маънавий маъданлар”, “Юксалишнинг алп одимлари”, “Самарқанд сайқали”, “Наманганда Наврўз сайли”, “Жаҳон тиллари дорилфунунимиз”, “Жаҳон чемпионати сабоқлари”, “Яна гол қайғуси”, “Огоҳ қўнғироғи” каби мақолаю рисоалари ёш авлодни тарбиялаш, эстетик дидини оширишда муҳим ўрин тутди. Сайди Умиров публицистикасининг энг муҳим фазилати сўз кучи десак, муболаға бўлмас. Таҳлил, тадқиқ, хулоса улар одатда, узвий боғлиқ, уйғун, бир-бирини тўлдирган, бойитган ҳолда келади. Кўпинча мазмун сарлавҳадан, илк жумлалардан бошланади. Мавзу, муаммо талқинида намоён бўлади. Бизни бутун умр қийнайдиган бир муаммо бор. Бу илмий ва услубий ифодавий тард, йўсин мақомдир. Табиий, аниқ фанларда фикр, аксарият, муайян қабул қилинган шартли тилда, рамзлар, тимсоллар чизмалар, формулалар тарзида ифода этилади. Уларни пухта ўзлаштириб олинса, тайёр қолиплар асосида

⁶⁴ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. — Б. 440.

иш кўрилаверилади. Бироқ ҳар бир фаннинг ўз илмий тилини, таъриф, қоида, аксиома, теоремаларини пухта ўзлаштириш талаб қилинади. Ижтимоий фанлар соҳасида фикр кўпроқ тавсифий йўсинда ифода этилади.

Бадиий асарнинг публицистлиги, публицистик руҳини маъқулламаслиги, хушламаслиги мумкин. Далилли, мулоҳазали публицистика теран дарё янглиғ сокин оқади, лекин қаъридаги пўртаналар гирдоб и ўқувчига, томошабинга ўтади, жунбушга келтиради, фикрни, тасаввурни чарҳ урдиради. Шунингдек, «Мансуралар»ни ўқиш, идрок этиш, тушуниш учун муайян тайёргарлик, билим, савия, дид керак. Публицист доимо ўқувчини назарда тутди, уни ҳамкор, ҳамдаст, ҳам муаллиф деб билади, фикр-мулоҳазаларини давом эттиришни, ўзидан янги мисол, воқеалар, кечинмалар истайди, муайян масалаларни ҳал этишдан кўра бирор мавзун и кўтариш, муаммонинг учини чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Ижодкорнинг шахсий кузатишлари, кечинмалари муҳим ижтимоий муаммоларга бориб ва аксинча, ижтимоий масалалар, ботиний туйғулар, муҳокама мужоҳадларга уланиб кетади. Хусусан, тиббиётда инсоннинг қон босимини баландлиги бетоблик аломатидир. Аммо муқаддас нарсалар ҳақида тўлиб тошиб, мавжланиб битилган публицистик нақшлар қон босимининг баландлиги руҳий соғломлик, бардамлик белгисидир. Журналистнинг йўналишларидан бири бу – шарҳ ва ўзига хос таҳлилдир. Мисол учун мунаққид ўз тенгдоши Иброҳим Ғофуров ҳақида «Маънавият мулкига саёҳат» китобида шундай ёзди. Иброҳим Ғофуров кейинги йилларда кўпроқ вазмин, сокин, ширин оҳангда ёзди. Ватан истиклолга эришган юрт ҳақида тўлиб ёзиши эса табиий ҳам мантиқий⁶⁵. «Ватаним! Мен сени севаман! Сени бир бутун, бут ҳолда, барча қишлоқ ва шаҳарларнинг, сенинг ишқингда ёнган барча фарзандларинг билан бағримга босаман, қучоқлайман, суяман. Сенинг тинч, беғубор, поёнсиз осмонингда кезган, абадий кезгучи бир парча оқ булут бошимга ҳаёт гулчамбарини айлантириб кийдириб ўтади.

Мансуралар ҳажман қисқа бўлгани боис, уларда тугал ҳарактер, тўлиқ-

⁶⁵ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. // Адабиёт. Ҳаё. Маънавият.—Т.: O'zbekiston, 2013. —Б. 37.

таъриф-тавсир яратилишни талаб қилиш қийин. Бунда муаллиф кўпроқ чизгилар, деталлар, қисқа ҳикоялар, ривоятлар билан иш кўради. Масалан “Қўрғонлар марсиясида юр узра” сафари-саёҳати давомида дуч келган турли номдаги қадим ва янги қўрғонларни тавсифлаш орқали халқимизга хос хусусиятларни беришга, хулосалар чиқаришга муваффақ бўлади. “Ўзбек деса, қўрғонни англайман”. Йўқ бўлиб кетган қўрғонлар ўтар тинмай кўз ўнгимдан. Қаерда йўқ ўзбекнинг қўрғонлари. Қўрғонлари билан машҳур ўзбегим. Ҳеч ким бунчалик кўп қўрғон қурмаган ер сарзаминда⁶⁶».

Мунаққиднинг устози Абдулла Қаҳҳор танқид ҳақида шундай деган. “Танқид ёмон асар билан китобхон орасида даллол, виждонини сотадиган юраксиз ўртакаш бўлмаслиги керак”. Қани бунақа танқид? Ёмон асар билан китобхон ўртасида даллоллик қилмаган мунаққид топиладими ўзи? Топилса, неча кишилар улар? Гапириш ноқулай. Дид, жасорат, савия бобида танқидчи ва адабиётшунос, ёзувчи ёки шоирдан илдамлаб кетмаса ҳам кейинда юрмаслиги зарур. Танқидчи аввал бошидан ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч алоқаси йўқлигини билиши керак. Гўзаллик туйғуси сўнган мунаққид ана шу масалада ўзинифош этади. Адабиётга алоқаси йўқ асарларни киприк қоқмасдан макташга ё мавзунинг долзарблигини дастак қилиб, таҳлил қилишга киришиб кетади. Билмайди ёки билолмайдики “Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди – мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади”. Кимдир ҳақида фикр юритганингда биринчи бўлиб, унинг характери, табиати, юриш-туриши, дўсти-биродарларини кўриб баҳо берасан. Жумладан, мунаққиднинг ёзганлари ҳақида фикр юритилганда унинг ўзи мулоқотда бўлган яқиндан билган ижодий ҳамкорлик қилган кишилар ҳақидаги мақолалари, китобларида намоён бўлувчи жўшқин самимиятдир. Юраги билан ижод этувчи ёзувчи, журналистлар учун хосдир. Очиғини айтганда, бундай йўналишдаги ишларининг ичида баъзан манфаат ҳиди сезилиб қолувчи намуналар ҳам учраб туради. Бизнинг журналистда эса

⁶⁶ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. // Адабиёт. Ҳаё. Маънавият.—Т.: О'zbekiston, 2013. —Б. 37.

бу ҳолни учратмайсиз. Унинг ҳамкорлар билан, дўст ва шогирдлар, устозлар ҳақида ёзганларидан доим ижодий эҳтиёж, самимият, ички бир одоб, фикрлаш маданияти балқиб туради.

Оммавий ахборот воситаларининг тараққиёт йўлини кузатар эканмиз, радио ва телевидение оммалашувида, шубҳасиз, адабиётнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш керак. Яъни бу иккала йўналиш бир-бирини инкор этмай, балки ўзаро тўлдириб, уйғун ҳолатда ривожланишини тарихда кўришимиз мумкин. Масалан радиожурналистиканинг пайдо бўлиши ва оммалашувини мутахассислар XX аср бошидаги халқаро сиёсий жараёнлар билан боғлашади. Шу ўринда радионинг оммалашиб, тингловчилар қалбидан жой олишида адабиётнинг, сўз санъатининг алоҳида ўрни борлиги эътирофга лойиқ. Ахборотлашган жамиятда сўз санъатига бўлган муносабатни шакллантириш йўлида мутахассислар техник воситаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиб олиб бораётган изланишлари вужудга келиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан огоҳ этади. Бунда журналистика йўналишидаги илмий нашрлар филология ҳамда санъатшунослик соҳалари билан уйғун ҳолда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шундагина сўз асрлар давомида сайқал топган маънавий мазмунни етказиб бера олади.

Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан аввало адабиётда акс этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам дастлаб адабиёт малҳам топади. Чунки халқнинг яшаш завқи сусайса — ғайрати сусаяди. Маънавий-руҳий ғайрат пасайса — фикр ва ташаббус тўхтади. Бунга биринчи навбатда адабиёт масъул. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, «Адабиёт атомдан кучли...» Агар унинг кучи «ўтин ёриш»га сарф қилинмаса, адабиёт покиза ва муқаддас иш бўлиб қолса, ҳеч шак- шубҳа йўқки, бадий сўзнинг куч-қуввати ортиб боради. Мустақиллик арафасида, маълум бир муддат ундан кейин ҳам Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби буюк адиблар ижодига бир оз беписанд, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Уларнинг ижодий ютуқлари, миллий

адабиётнинг ҳақиқий адабиёт бўлиши учун чеккан заҳмат ва азобларини назарга илмаганлар ҳам майдонга чиқа бошлади. Аммо бундай нотўғри муносабат натижасида адабиётимиз ривожланиб қолгани йўқ. Аксинча, икки жумла фикрни эплаб ёзолмайдиган, ижод моҳиятини ниҳоятда юзаки тушуниб қоғоз қоралайдиганлар сафи кенгайиб кетди. Ўқувчилар олдида адабиётнинг кадр-қиммати, ёзувчининг обрў-эътибори пасайди. Агар бадиий ижодга Абдулла Қаҳҳор ёки Ойбек нигоҳи билан қараб, уларнинг бадиият мактабидан таълим олиб, тажрибаларидан хулосалар чиқарилганида шундай бўлармиди? Фикримизча, аҳвол нисбатан бошқача бўлур эди. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда ёзувчилар янги асарлари неча саҳифадан иборат эканидан ҳам ғурурланиб гапирадиган бўлиб қолди: «Мен фалон бетлик ҳикоя ёздим, юз эллик бетлик эссеми тугатдим» ва ҳоказо. Ёзувчининг асар бадиияти ҳақида эмас, ҳажми тўғрисида сўзлаши нимани англатади? Беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари хотирга келади: «Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур нарсанигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак». Таассуфки, ҳозирги пайтда инсофли истеъдодлар кам, истеъдодсиз беинсофлар кўпроқ. Айтишларича, Миртемир домлага бир тавсиянома зарур бўлиб қолганида Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилган экан. Шунда Абдулла Қаҳҳор Миртемирга «Зиёд ва Адиба» каби бадиий жиҳатдан бўш асарларга муҳаррирлик қилганини эслатиб, тавсиянома бермаслигини билдирган экан. Ўзингиз айтинг, Абдулла Қаҳҳор адабиёт манфаатини ҳатто истеъдодли ижодкор манфаатидан ҳам юксак қўймаганида, Миртемирдай шоирнинг раъйини қайтарармиди? Унинг жасорати, фазилати бўлмаганида, Миртемирнинг аслида ўша ишидан пушаймон эканини билгач, уни ҳузурига чорлаб тавсиянома берармиди?

Сайди Умиров “Дорилфунунлар тақдиримда” китобида “Олтин зангламас”. “Истеъдодни англаш бахти”, “Асқад Мухтор элчилари”, “Тўқис зот эдилар”, “Самарқандлик мутафаккир”, “Солиҳ Қосимов —

беҳбудийшунос”, “Излай-излай топгани”, “Ўзбекнинг Чингиз оғаси”⁶⁷ рисоласида ўз аксини топган. Шунингдек, “Маънавият мулкига саёҳат” китобида ҳам публицистика, тадқиқотлар, хотиралар ўрин олган. Мисол учун “Ўткир мақоланавис”. “Олмон адабиёти олимимиз нигоҳида”, “Равшан кўрувчи кўзлар”, “Суратга кўчган сийратлар” ҳамда “Тиллар билимдони”, “Уйғоқлик”⁶⁸ ва бошқа публицистика, тадқиқотлар, хотиралар маъно мазмунига, исбот далилига эга.

Шунингдек, муаллиф бир қатор бадиий, публицистик асарлар таҳлили, бу соҳанинг баъзи намояндалари фаолияти тавсифи мисолида маънавият ва маърифат тушунчалари ҳамда айрим жиҳатларини қаламга олади. Дарҳақиқат, рисоалар кенг китобхон оммасига мўлжаллаган ва шу соҳа эгалари қўлланма сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

2. 3. Сайди Умиров ижодида Чингиз Айтматов мавзусининг талқини

Таниқли олим публицист Сайди Умиров ижоди ва фаолияти ҳақида сўз юритганимизда ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда ҳар ишда бизга ўрناк публицист, мунаққид устоз намоён бўлади. Унинг публицистикаси холис баҳолаш учун кенг билим, адабиёт, журналистикага аҳамияти катта.

Сайди Умиров ўз ижодидан бирида Чингиз Айтматов мавзусини ўзгача бир шукуҳ билан талқин қилади. У ҳақида мароқли фактни келтириб ўтади. Чингиз Айтматов ижоди, ҳаётига бағишлаб ёзилган мақола, эсдалик, эссе, диссертация, китоб ва тадқиқотлар жамланиб, устма-уст таҳланса, адибнинг бўй-бастидан ҳам ошиб кетиши аниқ⁶⁹. Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлар Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Аҳмад Аъзам, Муҳаммад Али, олимлардан Иззат Султон, Озод Шарафиддинов, Ҳамидулла Болтабоев, Иброҳим Ғафуров, журналист

⁶⁷ С. Умиров. Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: «Шарқ», 2008. – 320 б.

⁶⁸ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар) / С. Умиров. –Т.: O'zbekiston, 2013. – 224 б.

⁶⁹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон./ Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти. –Т.: BODOMZORINVEST, 2017. – Б. 251 б.

Аҳмаджон Мелибоев ва бошқаларнинг машҳур адибга бағишланган мақола, тадқиқот, маърузалари ва таржимонларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

2018 йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини имзолади⁷⁰. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев⁷¹. Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган “ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий компаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳамиша миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради⁷².

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намояндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва

⁷⁰ ЎЗА Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарори. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида.// www.Uza.uz

⁷¹ Ўша манба.

⁷² Ўша манба.

элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда.

Чингиз Айтматов асарлари 200 га яқин мамлакатда катта нусхада чоп этилган. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. «Жамила», «Бўтакўз», «Биринчи ўқитувчи», «Сарвиқомат дилбарим», «Момоер», «Алвидо, Гулсари!», «Оқкема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар», «Чингизхоннинг оқ булути», «Болалигим» қиссалари, «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Кассандра тамғаси», «Чўккида қолган овчининг оҳу зори», «Рух улуғворлигига қасида», «Тоғлар қулаганда» романлари нашрдан чиқиши ҳамоноқ нафақат ўз юрти, балки жаҳон миқёсида муҳим маданий-маърифий воқеа дея эътироф этилган, бошқа тилларга ўгирилиб, кўплаб нуфузли мукофотларга сазовор бўлган, – деб ёзади Сайди Умиров ⁷³. Адиб кўплаб ҳикоялар, ўткир публицистик мақолалар, драматик асарлар, киносценарийлар муаллифи ҳамдир.

Чингиз Айтматовнинг деярли ҳамма асари пешма-пеш ўзбек тилига таржима қилинган ва нашр этилган. Адиб ўз вақтида «Мен ихлос билан китобларимни ўзбек тилига ўгирган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг асарларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қилди. Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидир», дея эътироф этганди⁷⁴.

«Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман», «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин», «Агар Ўзбекистоннинг ҳамма пахтасини жамулжам қилиб вагонларга ортиладиган бўлса, Ердан то Ойга қадар етадиган эшелон зарур бўларди, бунинг муболаға

⁷³ ЎзА Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарори. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида.// www.Uza.uz

⁷⁴ Асил Рашидов сафдошлари ва замондошлари А 83 нигоҳида / тўплаб, нашрга тайёрловчилар: С. Умиров, И. Рашидов; таҳрир ҳайъати: Н. Каримов ва бошқ./ Боқий қадрият. – Т.: «O`zbekiston» НМИУ, 2011. – 8 б.

жойи йўқ»... Томчида қуёш акс этгани сингари афоризмга айланган ушбу пурҳикмат сўзлар адибнинг юртимизга, халқимизга буюк муҳаббати, садоқати ифодасидир.

Шу ўринда адибнинг публицистикасига алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг сира иложи йўқ. Негаки, даврнинг разведкачиси, сўзи, овози, солномачиси бўлган бу жанр кейинги йилларда янада муҳим аҳамият, долзарбликка сабаб этаётир.

Мақола, суҳбатлари собиқ Иттифоқ, хорижнинг бир қатор нуфузли нашрларида босилар, ўзи кўпгина нашрларнинг таҳририят жамоатчилиги кенгаши аъзоси эди.

Адибнинг публицистикаси махсус китоблар ҳолида нашр этилган, шунингдек, уч жилдлик, етти жилдлик, ўн жилдликларидан ўрин олган. 1989 — 1990 йилларда Айтматов Москвада нашр этиладиган «Иностранная литература» журналини бошқаради. Қизиғи шундаки, таҳририятнинг 17 нафар аъзоси, қирғиз адибининг ўзи иштирок этмаган бўлса ҳам, уни ғойибона бош муҳаррирликка сайлашган, катта ишонч билдиришган⁷⁵.

Чингиз Айтматов публицистикаси бадиий асарлари сингари мафтункор ва жозибадор, қамровли ва ҳузурбахш, мароқли ва пурҳикмат, бир сўз билан айтганда, жасорату маҳорат ҳосиласи. Очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари қамрови кенглиги, маъноси теранлиги, кутилмаган далил ва мисоллар, босиқ, эҳтиросли, чўнг ва чўғдор фикрларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тили соддалиги, ширадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги, мантиқан далилланган ва ишонарлилиги каби кўплаб фазилатлари билан ажралиб туради ва бу публицистика ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билими, савияси жуда кенг, жаҳон адабиёти хазинасини кўп ва хўп ўқиб мағзини чаққан, фуқаровийлик туйғуси кучли, инсонлар, мамлакатлар тақдирига дахлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказган, далил, ҳодиса, жараёнларга замонавий онг, сайёравий

⁷⁵ Улуғларга муносиб эҳтиром // www.saviya.uz

тафаккур уфқи ва юксаклигидан қараб ҳукм чиқарган, баҳо берган етук, истеъдодли ёзувчининг дилномалари эди. «Олтин дарвозалар», «Анъаналарнинг ўзаро алоқадорлиги», «Маънавий таянч», «Бари барчага дахлдор», «Одамийлик... дефицитми?», «Она тили мўъжизаси», «Сўзга ажратилган бир соат», «Ҳаёт кадр-қиммати», «Инсонга ишонаман», «Кўзимиз очилиши баҳоси», «Қайта куриш, демократия — омонлик дарахти», «Заминимизга зил кетяптими?», «Тўхтатиб қолинган вақтми? Узайтирилган ҳаёт» каби кўплаб мақола, суҳбатлари фикримиз далилидир.

Инсоният тарихи, маънавий ҳамда маданий, диний кадриятлари устидан кулиш орқали инсон онгини манипуляция қилиш — унинг маънавий илдизларига болта уруш – **кўринмас информацион қўшинларининг стратегиясидир**. Асосий мақсадларини фош этмаслик учун буларнинг барчаси кўнгилочар воситалар орқали амалга оширилади. Кўнгилочар кўрсатувлар, каналлар кўпайтирилади. Қизиқчилар миллат қаҳрамонларига, жамият юлдузларига айлантрилади. Жамият аъзолари ҳаётий реалликдан кўра кўпроқ телевизор кўриб “зомби”га айланишига, кўпроқ ўйин кулгу қилишга, “юлдуз”ларнинг ёки спорт клубларининг фанатига айланиши учун ҳаракат қилишади⁷⁶.

Эркин фикр билдириш деб санъат эмас санъаткорларнинг кўйлак иштонини муҳокама қилиш, сиёсий позиция деб сиёсий жараёнлар эмас сиёсатчиларнинг шахсий ҳаёти, пули, ҳаракатларига муносабат билдириш қабул қилдирилади. Бу ишни қилаётганлар фатҳ этиб бўлган ўлкаларда эса уларнинг байроқлари марказий кўчалар ва биноларда осиглиқдир. Уларнинг байроқлари — корпорация ва компанияларнинг брэндларидир. Шукрки, бизнинг мамлакатни бу инфоқўшинлар ҳозирча забт эта олгани йўқ. Аммо уруш давом этаяпти. Бизга қарши бу урушни олиб бораётганлар ким деб сўрарсиз. Жавоб берай: тунги клубларда болаларингиз қайси мусиқалардан ҳузур қилаётганига, қайси услубда кийинаётганига, қайси интернет сайтларида «маза» қилаётганига, ижтимоий тармоқлардан бир — бирига

⁷⁶ Ҳуррият. 2018, 21 февраль

кайси видеоларни улашаётганлигига эътибор қилинг — саволингизга жавобни топасиз. Чингиз ака раҳматлининг ҳақлигига амин бўласиз.

Экология, ахлоқ, маънавий қадриятлар, маданиятлар ҳамкорлиги, миллийлик ва байналмилаллик, лисоний сиёсат, тарих, Амир Темурга муносабат каби жиддий, нозик масалалар, уларнинг турли жиҳатлари хусусида энг эътиборли, асосли, адолатли, ҳалол, мақбул гапни собиқ марказий матбуот саҳифалари, эфир ва экранда биринчилардан (кўпинча биринчи) бўлиб, Чингиз Айтматов жасорат билан айтганди. Одатан қисқа, бир неча саҳифалик интервью жанрини япон ва қозоқ шоирлари Дайсаку Икэда ҳамда Мухтор Шохонов билан интервью-қисса, интервью-романга айлантирган ҳам Чингиз Айтматов бўлди.

Фикримизча, машҳур адиб бадиияти, публицистикаси, инсоний фазилатлари ҳақида юртимиз олим, адиб, журналистлари кўп нарсга ёзишган, ёзиляпти. Хусусан, Сайди Умиров ҳам бир неча мақолалар ёзган. Масалан, 2004 йил Москвада нашр этилган «Ковчег Чингиза Айтматова» номли китобдан «Сайёравий тафаккур адиби» номли салкам икки босма табоқли мақоласи ўрин олганидан, ёзувчининг ўзи назардан ўтказиб, маъқул топганидан бахтиёрлигини билдиради ижодкор.

У адиб юбилейини «Чингиз Айтматов публицист ва мунаққид» деган янги китоб билан кутиб олмоқчилигини, зеро, жаҳонга машҳур адиб ва жамоат арбобининг ҳаёти ва ижоди билан дахлдорликдан ҳамиша фахрланаман, – деб айтади⁷⁷.

Одатда, таниқли ёзувчилар маҳоратли мунаққид ҳам бўлишади. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Мухтор Авезов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, шунингдек, рус мумтоз ёзувчилари Лев Толстой, Фёдор Достоевский асарлари мажмуасида илмий-танқидий мерос ҳам салмоқли ўрин тутади. Қолаверса, танқидчилик бутун адабиётнинг маърифий даражасини белгилайди, деган гапни айтган ҳам Александр Пушкин бўлади.

⁷⁷ улуғларга-муносиб-эҳтиром [//www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)

Жаҳонга танилган сўз санъаткори Чингиз Айтматов ҳам айна чоғда, истеъдодли публицист, теран мушоҳадали мунаққид ҳам эди. Адабиётшунослик ва танқидчиликка даъво қилмагани ҳолда маданият, маънавият, адабиёт, фольклор, санъат, кино, матбуот, фотография, таржима, танқидчиликнинг туб, долзарб масала-муаммолари хусусида шундай муҳим фикрлар, назарий қарашлар билдирар, теран таҳлиллар қилар, ҳаётдан, ижоддан эътиборга лойиқ далил, мисоллар келтирар эдики, бу фикр-мулоҳазалар тезда тилга тушар, китоблардан жой оларди.

Танқид тасдиқлаши мумкин, инкор этиши, йўқка чиқариши ҳам мумкин. Мақтаса – хуш ёқади, уришса – малол келади, бу тушунарли, лекин буларнинг барига ўз ҳолини, кадр-қимматини билган ҳолда қарамоқ, муносабатда бўлмоқ даркор”.

“Бутун олам тортилиш қонуни” мақоласида Айтматов шахсан танқидчиликдан ҳафа эмаслигини эътироф этган ҳолда танқидчилик ҳақида рўй-рост, танқидий фикр-мулоҳазалар айтган. “Ҳозирги танқидчилик гўё адабиётни “қувиб етди”, “ортга ташлаб кетди”, “қизикроқ бўлиб қолди” кабилидаги фикрларга қўшилмаслигини, танқидчиликни қанчалик баланд қўтаришмасин, у бадий жараён ҳосиласи эканлигини унутмаслик лозимлигини таъкидларди.

Мунаққид Сайди Умиров ўз аудиториясига Чингиз Айтматовнинг ижодини янги қирраларини олиб чиқиб берган. Мисол учун унинг мақола ва тақризлари, суҳбат ва нутқлари, хат ва эсселарига мантикий муҳокамалар бир зайлда эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, эътиросли фикр-мулоҳаза билан нақшинкор тасвир фалсафий тезис-муҳокама, ибратли ривоят теран мулоҳаза билан алмашиб, матннинг, сатрларнинг “қон босими”ни ўзгартириб туради. Айниқса, мантикий муҳокама, фалсафий мулоҳазакорлик пешқадамлик, қарвонбошилиқ қилади.

“Танқидчиликнинг орқада қолиши тез-тез рўй бериб турадиган ҳол. Кейинги вақтларда ўқувчилар қизгин мунозара, муҳокама қилаётган бир қанча асарлар пайдо бўлди. Танқидчилик эса оғзига сув солгандай жим турибди. Нега? Кўпинча, сукут қўрқув, хато қилиш, биринчи сўз очишдан

чўчиш натижасидир. Майли, бошқа биттаси таваккал қилсин-чи, кейин кўрамиз... Ўйлаймизки, мантиқ шундай. Яна ҳам ёмони – эълон қилинган бирор асарни, гўёки у йўкдай кўрмаганга олиш... Бундай сукут танқиднинг ўзига фойда келтирмайди”.

Сайди Умиров фикрича, бу фикр-мулоҳазаларда адибнинг танқидчиликка чуқур ҳурмат-эътибори, айтиш жоизки, унга ўта талабчанлик билан ёндашуви ўз ифодасини топган. Ижодкорлар, ҳатто таниқли сўз усталари ичида танқидчиликка менсимай қарайдиган, ундан фазилатдан кўра кўпроқ қийиқ кидирадиган, буни писанда қилиб, мақтаниб ёзишни хуш кўрадиганлар ҳам йўқ эмаслиги адибга аён эди⁷⁸. Чингиз Айтматов ижодига бағишланган мақолаю тақризлар, очерку китоблар, ранг-баранг жанрдаги тадқиқотлар жамланса, унинг асарларидан бир неча баробар ошиб кетади.

Илк машҳур асарларидан бири “Жамила”нинг қадрига етилмагани, миллийлик, ҳаққонийликдан узоқ деб маломатлар қилингани сир эмас. Улкан адиблар Мухтор Аvezов, Александр Твардовскийлар саъй-ҳаракати билан кисса “Новый мир” журналида эълон қилиниб, собиқ иттифоқ ўқувчилари муҳаббати, ихлосини қозонгач, таниқли ёзувчи Луи Арагон француз тилига ўгириб, севги ҳақида бу қадар зўр, эҳтиросли асар ўқимаганини мардона эътироф этгач, бошқа асарлари ҳам халқ орасида машҳур бўлиб кетгач мунаққидлар басма-басига тақризу мақолалар, китоб, тадқиқотлар ёзишга тушиб кетишди⁷⁹. “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби қиссалари қўлма-қўл ўқилиб турган пайтда мунаққид Лев Аннинский “Литературная газета”да (1978 йил 9-сон) “Беллетризмга ташнаман...” номли мақола билан чиқиб, миф, ривоят, эртак, афсоналар, тимсолларга маҳлиё бўлиш кучайиб бораётгани, фольклор ижодкорларни йўлдан ураётгани, бу ҳаётий воқеликдан узоқлашиш, реализм имкониятларини чеклаб қўйиш хавфини туғдираётганини ёзғириб ёзган эди⁸⁰. Чингиз Айтматов “Ғиштин

⁷⁸ улуғларга-муносиб-эҳтиром.// www.ishonch.uz

⁷⁹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти. __Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. – Б. 251.

⁸⁰ Ўша жойда

дунё ёки миф энергиясими?” номли суҳбатида (“Литературная газета”, 1978 йил, №13) ушбу мақолага муносабат билдириб, Л.Аннинский долзарб масалани ўртага қўйгани, лекин нотўғри, бир томонлама ёндашганини қайд этади. Ҳолбуки, Ч.Айтматов икки йил муқаддам “Литературная газета”да чоп этилган “Афсонанинг қайтиши” номли мақоласида (“Литературная газета”, 1976 йил 12 май, №19) мавзуни назарий қоидалар, ҳаётий мисоллар билан чуқур асослаб, мифлар замонавийлиги, унинг моҳиятан боқий, ўчмас поэзиясида, инсонийлигида эканлигини, реализмни шартлиликдан ҳимоя қилиш унинг имкониятларини чеклашга олиб келишини таъкидлаган, Николай Гоголь, Оноре де Бальзак, Фёдор Достоевский, Михаил Булгаков, Мустай Карим ва бошқа реалист санъаткорлар тажрибаси ёрқин намуна эканини ёзганди⁸¹.

Машҳур Саёқбой Қоралаевга бағишланган “У океан янглиғ “Манас”дан миллион сатр биларди” номли мақоласида фольклорнинг битмас-туганмас хазина, доимий ўқиш, ўрганиш, озиқланиш манбаи эканлигини асослаб, исботлаб берган эди⁸².

Сайди Умиров яна бир далил келтириб шундай ёзади: “Чингиз Айтматовнинг кўпчилик суҳбат, интервьюлари, адабиётшунос, мунаққидлар билан кечган суҳбатлари, ёзишмаларида ҳамкасбларига ижод жараёнининг нозик нуқталарини, орзу-армонларини рўй-рост ўқиб солгани маълум. Масалан, “Туташув нуқтаси” мақоласида шундай ёзганди: “Адабиётшунослик ҳам ҳаётни билиш усулларида бўлиб, ёзувчига воқеликни тушуниш, идрок қилиш, гўзаллик қонунларини англаб етишга ўргатади. Мен, масалан, Михаил Бахтин, Пётр Палиевскийларнинг ишларини юксак қадрлайман, улар ғаройиб ўй-мулоҳазаларга туртки, рағбат беради”. Бугунги кундан қаралганда, муаллифга бўлган хуруж, хужумлар, адиб асарлар ғояси, моҳиятини тушуниб етмаслик, нопрофессионаллик бўлса, иккинчи томондан,

⁸¹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти. –Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. – Б. 252.

⁸² Ўша манба. – Б. 252.

ҳасад, кўролмаслик, адоват экани аён эди⁸³.

Чингиз Айтматов мунаққидлиги — тил ва адабиётни, санъатни, фольклорни мукаммал биладиган, жаҳон адабиёти дурдоналарини кўп ва хўп ўқиган икки тилни мукаммал эгаллаган, эстетик диди баланд улкан адибнинг танқидчилигидир.

Шунингдек, адабиёт ҳамиша асосий диққат-эътиборини алоҳида инсон шахсига қаратган ҳолда, кенг қамровли фикрлашга интилиб келган. Алоҳида инсон шахси эса бамисоли воқеликнинг барча таъсир нуқталари билан туташадиган фокусдирки, уни ўрганиш, инсон орқали даврнинг мазмуни, моҳияти, майл, тамойилларини билиб олиш имконини беради.

Мунаққид Айтматов бу тезисни турли муносабатлар билан тез-тез таъкидлайди, бадиий асарлари, яратган ёрқин образлари, чўнг характерлари билан исботлайди. “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” романларини эслайлик. Поёнсиз қозоқ саҳроси ўртасидаги кичик бир разъезддаги иш-юмушлар, дард-ташвишлар оддий темирйўл ишчисининг ўй-ташвишларига бевосита туташ. “Эдигейни ҳақиқий инсон қилган нарса мамлакат, халқ бошига тушган ноинсоний синов-азоблар бўлди. У умумхалқ зиммасига тушган ҳар қандай машаққат сингари, бу машаққат юкига ҳам елкасини тутиб берди”. Авдий Калистратов эса, муаллиф наздида, давр қатламларини бирлаштириб турувчи сиймо, ўқувчилар, мунаққидлар фикрича, дунё одамлари тақдирлари ибодатхонасидир⁸⁴.

Чингиз Айтматов қайси адиб ҳақида ёзмасин, ўзига хос, айтматовона ёзади, бошқалар кўрмаган нарсаларни кўришга, айтмаган нарсаларни айтишга интилади, — дейди Сайди Умиров⁸⁵. Бу жиҳатдан “Виждон сарбони”, “Шафқатсиз реализм билан” мақолалари алоҳида диққатга сазовордир. Шекспир, Достоевский сингари даҳо санъаткорлар ҳақида қанчадан-қанча мақолаю китоблар, диссертация, монографиялар, турфа тадқиқотлар

⁸³ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти. —Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. — Б. 254.

⁸⁴ Ўша манба. — Б. 255.

⁸⁵ Ўша манба. — Б. 258.

битилмаган дейсиз. Буларни такрорламай, айна чоғда, янги, оҳори тўкилмаган, ўз сўзини айтишга Айтматов муваффақ бўлган.

Ғарблик сўз султони васфига Айтматов шарқона бир образ қўллайди: “Шекспир ва унинг ҳамкасбларини карвонлари билан келажакка йўл олган сарбонлар сифатида тасаввур этсак, айтиш керакки, энг чидамлиси, энг кучлиси Шекспир бўлди. Йўлдошлари аллақачон тарих йўлларида қолиб кетдилар, баъзилари ожизлиги туфайли ҳалок бўлди, бошқаларининг моллари касодга учради, яна бирлари инқилоб бўронларига дуч келиб, янги ғоялар, ижтимоий жамиятлар даври уларни ўзлари учун керакли нарса топмай қайтариб юборгач, юрган йўлларида адашди. Фақат Шекспир карвони ҳамон жаҳон бўйлаб йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, даври давлонлардан, юрту мамлакат чегараларидан, тоғу саҳролардан, денгизу дарёлардан ўтиб келмоқда. Халқлар унинг неъматларидан тобора кўпроқ манфаат кўрмоқда, таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда”.

Чингиз Айтматов “Шафқатсиз реализм билан” мақоласида, Фёдор Достоевский иқтидорининг фавқулудда ноёблиги шундаки, вақт ўтган сари унинг номи ва ижоди инсоният фикри-зикрини кўпроқ банд этиб келмоқда, дея таъкидлайди. Достоевский ўз кашфиётларини “кашф этилган қитъалар”да амалга оширди, уларнинг қатламларини – инсон қалби қатламларини тадқиқ этди ва бу билан бутун бир давр эстетик маданиятида янги сўз айта олди. Айниқса, Достоевскийнинг адабиётдаги ноёб ва боқий сўзи унинг таҳқиромуз зулм остида эзилган одамга беқиёс ҳамдардлиги, меҳри бўлди, у меҳр-шафқатни инсонийликнинг энг юксак ўлчови, қалбнинг энг биринчи сифати, фазилати даражасига кўтара олди⁸⁶.

Сайди Умиров мунаққид Чингиз Айтматовнинг маҳоратини бадиий публицистик қарашлари билан ўқувчига етказиб берган. Жумладан, мунаққид Чингиз Айтматов диққат-эътиборини кўпроқ жаҳон адабиёти етакчи намояндаларининг шоҳ асарларига қаратган. Бу табиий, албатта. Айна

⁸⁶ Умиров С. Сеҳрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. / Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти. –Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. – Б. 258.

чоғда бошқа жанрлар бўйича ҳам профессионал, теран фикр юритган. Масалан, “Икки санъаткор адиб” (Мухтор Авезов ва Садриддин Айний бадиий маҳорати), “Шоирнинг макони” (Қайсин Қулиев ижодий камолоти), “Ўзаро ҳамкорлик уфқлари”, “Кинематография маҳсуллари” кенг ва теран таҳлил этилган тадқиқотлардир.

Айтматовнинг “Жаҳон адабиёти хазинаси”, “Бутун дунё тортилиш қонуни”, “Она тили мўъжизаси”, “Марказий Осиё халқлари маданияти: муаммолар, тамойиллар” каби мақолалари маданият, маънавиятнинг энг муҳим, туб масалаларига бағишланган бўлса, аксарият интервью, суҳбатларида бевосита ижод жараёни, бадиий маҳорат масалаларидан баҳс кетади. Қозоқ шоири Мухтор Шохонов, япон мутафаккири Дайсаку Икэда билан узок суҳбат, самимий мулоқотлар натижасида юзага келган “Чўққида қолган овчининг оху зори”, “Рух юксаклигига қасида” номли роман-интервьюларини ўқиган киши ҳам суҳбатларнинг жаҳон адабиёти, санъатининг етук вакиллари ижоди, шоҳ асарларидан чуқур хабардорлигига қойил қолади.

Адиб “Болалигим” қиссасида олти ёшида отаси билан Фарғона водийсига, Андижонга келгани, одамларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, кичиклар катталарни чуқур ҳурмат қилишлари, жамоа бўлиб бир-бирига қарашишлари, ҳашар қилишлари, бу яхши одат ҳозир ҳам сақланиб қолганини ёзади. “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон”, “Чингиз Айтматовнинг ўзбекистонлик таржимонлари”, “Ўзбек адабиёти, маданияти Чингиз Айтматовни гоҳида” – булар алоҳида мақола, тадқиқот, китобларга жо бўладиган мавзулар. Машҳур адибнинг “Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қарай олмайман”, “Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин”, – деган дил сўзлари юртимиз, элимиз, адабиётимиз, санъатимизга бўлган улкан меҳр-муҳаббати лейтмотивидир⁸⁶.

⁸⁶ улуғларга-муносиб-эҳтиром. // www.sharqyulduzi.uz

Сўз кучли. Қудратли, айни чоғда бўш, нозикниҳол⁸⁷.

Диалог инсоннинг теварак-атроф билан ўзаро алоқаси, ҳамкорлигининг энг универсал, кенг тарқалган шаклларида бири.

Хулоса ўрнида Сайди Умиров Чингиз Айтматовнинг илмий-танқидий тадқиқотларини бадиий-публицистика деб олган. Бу атамаларни оригиналлик даъвосида ишлатмаган. У мунаққиднинг замонавий онг, кенг тафаккур даражасида қарашларини таҳлил-тадқиқ этиб бера олган олимдир. Шунингдек, бетакрор ҳикоянавис, қиссанавис, драматург, моҳир танқидчи, публицистлигини исботлаб берган бадиий йўсиндаги мунаққид ҳамдир.

⁸⁷ Умиров. С. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар) / Мулоқот мавзуси: Маънавият. – Т.: "O'zbekiston", 2013. – Б. 165.

III БОБ ИЖОДКОРНИНГ МАҲОРАТ ЛАБОРАТОРИЯСИ

3.1. Сайди Умировнинг мунаққидлик санъати

Юртимиз мустақилигининг дастлабки йилларидаёқ миллий матбуотимиз олдида жамиятимизда юз бераётган жараёнларни, турли воқеа-ҳодисаларни адолатли, холис ва ҳаққоний ёритиш, миллий истиқлол ғояларини изчил ва холис тарғиб қилишдек муҳим вазифалар турарди. Бу муҳим вазифалар адиб-у публицистлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Қатор мақолаю рисоалари билан миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган атоқли журналист, мунаққид Сайди Умиров публицистика жанрида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг кўплаб мақолаларида ўз даврининг ижтимоий воқеликлари ва ўша давр муаммолари маҳорат билан ёритилган. Мисол учун “Ўртада бегона йўқ” сарлавҳали мақоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг имом-хатиблар, зиёлилар билан мулоқотини бевосита мухташам заллардан кузатар экан, бундай йиғинлар кўлами, қамрови, очиқ-ошкоралиги, табиий ва самимийлиги, кўп жиҳатлари билан ўзгачалиги, аввалгиларга ўхшамаслиги, уларнинг катта аҳамиятга эгалиги, таъсир кучи зўрлигига ишонч ҳосил қилдим, – дейди публицист Сайди Умиров. Дарҳақиқат, илм, таълим, матбуот, адабиёт, санъат, руҳоният, бошқа соҳа намояндаларининг алоҳида эмас, бир жамоа тарзида таклиф этилганида ҳам ҳикмат маъно бор. Турфа соҳа мутахассисларининг ишлари, йўналишлари ҳар хил бўлса-да, қайсидир жиҳатлари билан эш, муносабатдош, бир-бирини тўлдириши, тақозо этиши боис уларнинг вазифалари пировард натижада умумий мақсадни амалга оширишга – юртимиз салоҳиятини кучайтириш, маънавиятини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни қадрлаш, муқаддас динимиз софлигини сақлашга қаратилди⁸⁸. Президент маърузасини Ислом маданияти маркази, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази барпо этилаётганидан бошлагани, масалаларга сайёравий тафаккур кенглиги ва

⁸⁸ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қахрамон.// Ўртада бегона йўқ. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 35.

юксаклигидан ёндашгани, ўтмишдаги улуғ аллома, мутафаккирларимиз билан ҳар қанча фахрлансакда, уларнинг улкан хизматлари, ёрқин хотиралари олдида ҳали кўп қарздорлигимиз, етук бадий асарлар, кинофильмлар тайёрлаб, жаҳонга кўрсата олмаганимиз, бой тарихимизни яхши билмаслигимизни таъкидлагани⁸⁹ бежиз эмас.

Фикримизча, бугун кўпчилигимиз шоир, адиб, олим, рассом, режиссёр, муҳаррирларни анчадан буён билмаслигимиз ва бунга президентни ўзи намуна кўрсатиб барча соҳа ижодкорлардан хабардорлиги, исми-шарифини тутиб мурожаат этиши, “ўртада бегона йўқ”лигини билдириб ўтди. Ижодий муҳитдаги қандайдир турғунлик, депсиниш, баъзи ташкилотлардаги сусткашлик, лоқайдлик, юқоридан буйруқ кутиб ишлаш, ташаббускорлик, ташкилотчилик етишмаслиги, тадбирбозлик, асарларга принципиал, ҳаққоний баҳонинг йўқлиги маданият соҳасида тижоратлашув, жаҳолат кўринишлари, маънавият, маърифатнинг бизнесга айланишига йўл қўйилишининг олдини олиш айрим тўйларда исрофгарчилик, дабдабага йўл қўйилаётгани, кийиниш, юриш-туришда ғарбга тақлид ва ҳақозо нохуш ҳолатлар танқиди тўғри қабул қилинди.

Ахборот асрида жамиятнинг тараққиёти оммавий ахборот воситалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Авваллари одамларнинг маънавияти, саводи, дунёқараши китоблар орқали шаклланган бўлса, бугунги кунга келиб унинг ўрнини телевидение ёки интернет мустаҳкам эгаллаган. Шунингдек ахборотни аудиовизуал шаклда қабул қилиш имконияти бу воситаларнинг таъсирчанлигини янада оширган. Оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборот аудитория томонидан чин ҳақиқат сифатида қабул қилиниб, таъсир қилар экан, журналистика ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни, вазифасини аниқлаштириб олиш даври келган.

Бу борада мутахассислар қуйидаги фикрларни билдиришади: “...Жамиятда журналистика қандай ўрин тутди? Умуман олганда, журналист – ижтимоий шифокор”дир. Бу – шунчаки, чиройли жумла эмас. Шифокор

⁸⁹ Президентимиз Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилди. //www. Uza.uz

беморга аниқ ташхис қўя олмаса унинг аҳволи оғирлашиб, дунёдан кўз юмиши ҳам мумкин. Агар журналист ёлғон гапирса, мамлакат тақдири билан ҳам ана шундай ҳолат юз бермаслигига ким кафолат бера олади⁹⁰.

Биз ахборот олиш ва тарқатиш воситаси сифатида қабул қиладиган журналистика, журналист касби бугунги кунда мамлакат тақдирини ҳал қилувчи асосий куч сифатида намоён бўлмоқда. Журналистлари эмин-эркин фаолият юритадиган давлат – демократик йўлдан бораётганлигига шубҳа йўқ. Ҳукуматнинг ОАВ фаолиятига бўлган таъсирини мутахассислар тарихий ўзгаришлар даври кесимида батафсил таҳлил қилишади. Масалан Россияда: “...Ҳукуматнинг ОАВ фаолиятига доимий аралашуви медиа бозорининг шаклланишига салбий таъсир қилди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ҳукумат вакиллари журналистлар ҳаётнинг ҳаққоний тасвирини намоён этишиётганидан қўркиб, уларни бўйсиндириб олиш кераклигини англашди. Шу билан бирга мўмайгина даромад олишни ҳам ёддан чиқаришмади. Медиа бозор шароитида бир ёқлама ёзилган буюртма материаллар мухлислар эътиборидан четда қолади. Халқ дардини акс эттириб, оддий ўқувчига манзур бўладиган нашрларгина мустақил кун кўра олади. Ҳукуматнинг ихтиёрида бўлиб эса, бу ишни уддалаб бўлмайди”. Ҳукумат таъсири остидаги матбуот нашрларида ахборотга бир томонлама ёндашув кузатилади. Бундай мақолаларда холислик, ҳаққонийлик тамойилларига риоя этилмайди. Медиа бизнес шароитида улар ўз мухлисларига, аудиториясига эга бўла олишмайди. Шу билан бирга ҳукумат ёки иқтисодий ўз-ўзини қоплаш зарурати туфайли ҳомийларга тобе бўлган ОАВ ходимлари чинакам ижодий жараёндан узоқлашадилар. “Журналистикани ижодий соҳа дейишади. Лекин бу мавҳум таъриф. Ижодкорлик фақат ўзининг ишига жавоб бергандагина бўлиши мумкин. Журналистларга бир қатор вазифалар юклатилган. Бу эса, бизнинг касбимиздаги жиддий психологик ҳамда ахлоқий зиддиятларни келтириб

⁹⁰ Белоусов В. Газета под присмотром власти-это муляж.// Журналист. 2015. № 5. – С. 28.

чиқаради⁹¹. Кўнгил истаги, виждон амри билан материал тайёрлай олмаган журналистлар ўзларини ҳақиқий ижодкор сифатида намоён қила олмайдилар.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан туризмга қаратилаётган эътибор ва унинг иқтисодийтимизга ижобий таъсири ҳақида барча юртдошларимизга маълум қилинмоқда. Ҳатто, “Ички туризм”ни ривожлантириш учун президентимиз Шавкат Мирзиёев қатор фармон ва қарорларга имзо чекди ва амалиётда ҳам тадбиқ қилинди. Бироқ, бугун биз бу ҳолатга тайёرمىзми?, – деган савол туғилади кишида. Масалага ечим топиш мақсадида соҳага назар ташлаган ҳолда, “Туризм – фаровон турмуш кафолати” сарлавҳали мақола чоп эттирдик. Фикримизни шу мақолага қаратамиз.

Халқимиз меҳмондўстлиги билан машҳур. Буни жаннатмонанд юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан келиб-кетадиган сайёҳлар ҳам эътироф этади. Маданиятимиз, урф-одатларимиздан баҳра оладилар. Яхши фикр ва таассуротлар билан яна бир бор юртимизга келишни орзу қилиб қайтадилар. Мамлакатимизнинг қай гўшасини зиёрат этаётган ёки томоша қилаётган сайёҳдан сўраманг, унга бу ер хуш ёқаётгани-ю, ҳамюртларимизнинг самимийлигидан гап очади, таассуротларини мамнуният билан ифодалайди.

Маълумки, ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши 10-20 фоизни, ҳатто баъзи мамлакатларда 50-60 фоиздан ҳам юқорини ташкил этади. Юртимизда эса бу кўрсаткич атиги 2 фоиздан ортиқроқ. Агар ички имкониятлардан самарали фойдаланилса, бу кўрсаткични ошириш имконияти кўп. Хўш, бунинг учун нималар қилишимиз керак, деган ҳақли савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Унда туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали

⁹¹ Расстояние между прессой и властью стало космическим.// Журналист. 2015. № 5.

тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш⁹² каби улуғвор мақсадлар назарда тутилган.

Айтиш керакки, туризм кўмитаси ҳам соҳани ривожлантириш учун қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, мамлакатимизда соҳа салоҳиятини ошириш, тарихий-маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашувчи реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш борасида изчил ҳаракатлар қилинмоқда. Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш каби қатор вазифаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Бироқ шуларнинг ўзи етарлими? Бизнингча, йўқ. Туризм фақат Президент ёки ҳукумат қарорлари билан тараққий этиб кетадиган соҳа эмас. Унинг равнақи жуда кўп омилларга, хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятига, биз — фуқароларнинг амалий ҳаракатимизга ҳам боғлиқ. Яхшиси, айни кунда Самарқанд шаҳридаги “Karavan Travel” туристик фирмасида фаолият юритаётган соҳа мутахассиси, тур-оператор, гид-таржимон Исломжон Қурбонов мулоҳазаларига кулоқ тутайлик.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда меҳмонхоналар сони ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, барча вилоятларимизда пойтахтимиздаги беш юлдузли меҳмонхоналар каби миқдорларга аъло даражада хизмат кўрсатадиган иншоотлар сони ҳамда сифатини ошириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири. Бугунги кунда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида тўрт юлдузли меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. Уларга миллийлигимизни акс эттириб турган иншоотлар

⁹² Ҳуррият. 2017 йил. 6 декабрь.

сифатида ҳам қарашимиз мумкин. Бироқ мазкур меҳмонхоналардаги мавжуд шароитнинг эскирганлигини ҳисобга олиб, ташқи кўринишидан тортиб, арзимасдек туюлган кичик муаммолар — интернет билан таъминланганлик даражасигача алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Шунингдек, кавати кам бўлса-да, қулай ва оддий турмуш тарзимизга мос ўзбекона хонадонлардан меҳмонхона сифатида фойдаланилса, маданий, соғломлаштириш кўнгилочар савдо марказлари қурилса, мақсадга мувофиқ бўларди⁹³.

Хизмат тақозоси билан Нукус шаҳрига ҳам тез-тез бориб турамиз. Юртимизга ташриф буюрган сайёҳларни асосан, Мўйноқ, Тупроққалъа, Аёз қалъа ва Орол денгизининг қадимий порти ҳисобланган ерларга таклиф этамиз. Шунда ноқулай йўл — ҳамроҳларимиз сингари бизни ҳам чарчатади. Маълумки, бошқа мамлакатга саёҳатга келган меҳмон эътиборини энг аввало, у ердаги бинолар ва йўлларга қаратади. Шундай экан, бизнинг жаҳонга мактанса арзигулик шаҳарларимиз, кўчаларимиз, тарихий ёдгорликларимизга олиб боровчи йўлларнинг равон ва кенг, тоза ва озода бўлишига эришишимиз керак. Бу туризмни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, сайёҳларни бой тарихий-маданий меросга эга чекка қишлоқлар, тоғ олди ҳудудларимиз билан яқиндан таништиришни йўлга қўя олсак, аввало, ўша ҳудудларда яшаш шароити яхшиланишига эришган бўламиз. Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, сайёҳларнинг кўпчилигида соф ўзбек маданиятини, асл ҳаётини кўриш истаги кучли. Улар одамларимизга ўхшаб хонадонларда яшаб кўришни ишташади. Европага хос ҳамма нарса тайёр меҳмонхоналарда яшашни ёқтиришмайди.

Испаниялик сайёҳ Мариа Тересса билан суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— Биз Испаниянинг Барселона шаҳридан келдик. Юртингиз ҳақидаги таассуротларим жуда ижобий. 14 кун давомида меҳмонда бўлган бўлсак,

⁹³ Ҳуррият. 2017 йил. 6 декабрь.

халқингизнинг бир-бирига иноқлиги ва баҳамжихат иш қилиши мени хайратга солди. Бу миллат тараққиётида жуда муҳим омил ҳисобланади. Самарқанддаги тарихий қадамжолар бўлакча. Энг мафтункори бу, шубҳасиз — Регистон майдони. Нима учундир Испаниядалигимда шу ёдгордиклар хақида интернет сайтларидан тузукроқ маълумот топа олмаган эдим. Самарқанд қоғоз фабрикасига ҳам бордик. Бундай корхона борлигига умримда биринчи бор гувоҳ бўлишим. Самарқанд ошхонаси ва лаззатли таомлари ҳам менга жуда ёқди. Фақат негадир ресторанларда инглиз тилидаги “меню”ларни кўрмадик. Лекин шундай осойишта юрда бўлганимиздан мамнунмиз.

Шунингдек, сайёҳлар орасида тадбиркорлари бўлса, деҳқончилик маҳсулотларимиз билан уларни қизиқтира олсак, маҳсулотларимизни четга экспорт қилиш имконияти янада кенгаяди⁹⁵.

Ўзим Испания давлатида меҳмонда бўлганимда, аэропортдаги озиқ-овқатлар нархи кўчадаги каби бир хил эканига гувоҳ бўлганман. Бизда эса акси, аэропортларимизда маҳсулотлар бозор ёки дўконларимизга нисбатан икки-уч баробар қиммат сотилади.

Юртимизга келувчи сайёҳлар учун яна қатор имкониятлар яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Жумладан, уларни йўналтирувчи хариталарнинг етишмаслиги ёки кўчаларни кўрсатиб турувчи йўл белгиларининг камлиги бир мунча қийинчилик туғдириши табиий. Шунингдек, аэропорт ва вокзалларда ҳам маълумот бериш шохобчаларини кўпайтириш, у ердаги маълумотларни бир неча тилларда тақдим этиш керак. Масалан, тарқатма материаллар, буклетлар, муборак қадамжоларни зиёрат этиш одобларини турли тилларда ишлаб чиқиш, аэропорт ва виза бериш хизматларини енгиллаштириш ҳамда хорижий ҳамкорлар, элчихоналар билан алоқаларни ривожлантириш зарур. Сайёҳлар билан ишловчи барча масъул ходимларнинг саводхонлигини ҳам ошириш лозим⁹⁶.

⁹⁵ Хуррият. 2017 йил. 6 декабрь.

⁹⁶ Ўша манба.

Ўйлаймизки, мутахассис томонидан юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, ўринли таклифлар соҳа мутасаддиларини бефарқ қолдирмайди.

Дарҳақиқат, замонавий ахборот дунёси муттасил янгиланиб, ёшариб бораётган бир паллада бу соҳада ҳам тажриба, ҳам маҳорат, ҳам ёшлик ғайрати, шижоати ва заковати жўш уриб турмоқлиги давр ва замон тақозоси экан⁹⁷. Зеро, вояга етиб келаётган ёшларимизга ўргатиш, малака ва тажрибаларни кечиктирмай амалиётга, соҳа тараққиёти ва равнақи йўлига сафарбар этмоғимиз зарур.

Фикримизча, Сайди Умиров журналистика ва публицистика ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, публицистиканинг асл моҳияти, журналистик жанрларда публицист маҳоратининг акс этиши унинг руҳиятида намоён бўлади. Танқид нақд гапни айтишдир. У насия эмас. Танқидчилик тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлади. Бунга мисоллар жуда ҳам кўп. Афсуски кейинги йилларда инкор этувчи танқидчилик йўқ бўлиб кетди ва ёшларимиз орасидан айнан ана шу услубда ижод қилаётганлар деярли йўқ, – дейди олим ўз кечинмаларида. Демак, журналистика факультетида таниқли публицистлар маҳорат мактабини яратиш, талабаларга айнан публицист маҳорати юзасидан кўпроқ сабоқ бериш лозим. Мисол учун Сайди Умиров Абдулла Қаҳҳорни ўқиш қанчалик завқли бўлса, нутқ суҳбатини – оғзаки публицистикасини эшитиш шунчалик ҳузурбахш⁹⁸ эканини таъкидлайди.

Абдулла Қаҳҳорга меҳр-муҳаббат менда мактабда ўқиб юрган чоғлар пайдо бўлган. Бу муҳаббат кейинчалик, эҳтимол, Асрор бобо самоваридан ўт олиб, кампирлар қоққан симдан ёхуд “Олтин юлдуз” шуъласидан чўғланиб, сўнмас оташ-алангага айлангандир. Ҳарқалай, ёзувчининг жозибадор асарлари ўшанда мурғак қалбларимизни оҳанрабо янглиғ ўзига тортган, бошқа сўз санъаткорлари қатори адабиётга, ижодга иштиёқ уйғотганлиги⁹⁹ унга ихлоси баланд эканлигини мунаққиднинг руҳиятидан ҳам сезиб турса бўлади.

⁹⁷ Хуршид Дўстмуҳаммад. Ахборот – мўъжизаси, жозоба, фалсафа. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 16.

⁹⁸ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда.// Олтин зангламас.– Т.: Шарқ, 2008. – Б. 10.

⁹⁹ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Сайди Умиров. Олтин зангламас. // www.ijod.uz

Маълумки, публицистика “ижтимоий” деган сўздан олинганини биламиз. Бироқ, унинг бадиий публицистика деган соҳаси ҳам борки, Сайди Умиров руҳияти, рисоалари шу йўналишда акс этади ва у журналистикадан кўра адабиётга кўпроқ яқин. “Публицистика – барча учун очик лаборатория”, – деган гап бор. Шунингдек, бадиий мақоланавислик ҳам фақат бир гуруҳ адиб, публицист, журналистлар чекига тушадиган иш эмас.

Сайди Умиров “Дорилфунунлар тақдиримда” китобининг “Истеъдодни англаш бахти” сарлавҳали рисоаларида Озод Шарафиддинов ҳақида ўз руҳий кечинмалари ҳамда фикр-мулоҳазаларини битади. У олимнинг икки китоби – бири “соф” публицистик “Сардафтар саҳифалари”, иккинчиси – илмий-бадиий-публицистик “Ижодни англаш бахти” ҳақида фикр юритган. “Сардафтар” ҳажман у қадар катта китоб эмас. Устоз С. Умировнинг таъриф беришича, “гар дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама¹⁰⁰. “Сардафтар саҳифалари”га олимнинг кўзи тушибок, унинг ҳаёлига беихтиёр шарқ донишманд шоирнинг сатрларини эслайди. У Озод Шарафиддинов қаламига мансуб бошқа китобларининг тадрижий, мантикий давоми, айни чоғда бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласи, айниқса диққатга сазовордир. Ростгўйлик ва самимият билан ёзилган, катта умумлашма кучга эга ушбу мақола илк бор “Тафаккур” журналида босилгандаёқ жамоатчилик диққат-эътиборини ортган эди¹⁰¹. Энг аввало, сарлавҳанинг ўзиёқ мақолани тезроқ ўқиб чиқишга рағбат пайдо қилади. Шу ўринда сарлавҳа қоидасига қисқача урғу бериб ўтсак. “Сарлавҳа” материалнинг таркибий қисмини ўз ичига олади. Фикримизча, мана шу ҳолат китобхон ёки газетхонни ўзига жалб эттиради. “Сардафтар” илмий, бадиий, публицистик услуб – йўсинда яратилган синтетик асар. О. Шарафиддинов, Н. Каримов, И. Ғафуров, Б. Қосимовларнинг адабий-танқидий асарларида бу хусусият алоҳида балқиб туради. Марҳум Ғайбулла ас-Салом асарлари ҳам публицистик руҳ билан

¹⁰⁰ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда.// Истеъдодни англаш бахти. – Т.: «Шарқ», 2008. – Б. 27.

¹⁰¹ Ўша жойда.

чўлғаниб туради. Публицистлик, публицистик рух баъзиларга ёқмаслиги мумкин: фалон адабиётшунос фалон тадқиқотида публицистикага тойилиб кетган, деган маънода эътирознома фикрларга ҳам дуч келамиз. Ялтироқ, шалдироқ, қуруқ публицистика ҳақида бўлса, бу тўғридир¹⁰². Лекин теран, мағизли, чўнг публицистика асарга ўзгача мароқ, нафосат, жозиба бағишлайди. Мана шу хусусиятдан маҳрум “соф” академик услубда ёзилган, жўяли фикрлар мавжуд бўлса-да, ўқилиши, ҳзм бўлиши қийин, зерикарли тадқиқотларга дуч келганда, бунда “Публицистикадан тойилиб кетибди”, – таъна ўринли бўлар деб фикрлайди устоз мунаққид Сайди Умиров.

Маълумки, ҳужжатул-ислом Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тусий Ғаззолий Шарқнинг буюк мутафаккирларидан ҳисобланади. Бу фоний дунёдаги барча ожиз бандалар каби Имом Ғаззолийнинг ҳаётида ҳам хато-шубҳалар ва зиддиятли ҳолатлар етарлича бўлган. Унинг ҳаётида икки марта шубҳа-тараддуд инқироzi юз берган. Биринчисида: навқирон йигитлик пайтида ҳамма нарсадан шубҳаланган, ўрганган илмларининг барида камчиликлар тўлиб ётибди деб ўйлаган, эгаллаган фанларидан сира қаноатланмай, ўзича ҳақиқат излай бошлаган эди. У ҳақиқатни ё туйғуларда, ё аниқ билимларда бўлиши мумкин, баъзан икковида ҳам бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобларди. Дастлаб у ҳақиқат туйғуларда деб билган, аммо тез орада бу ҳислар алдаши мумкинлигини кўргач, аниқ билимлар ҳақ, деган хулосага келган. Аммо кейинроқ “балки ақл ҳам алдар” дея иштибоҳга тушган. Охир-оқибатда Аллоҳнинг ҳидояти қалбига ёруғлик бериши билан маънавий илмлар каби аниқ илмлар ҳам ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилган¹⁰³. Шунингдек, унинг иккинчи руҳий инқироzi ўттиз саккиз ёшида рўй беради. Бир куни у “Бутун қилаётган ишларим шон-шухрат, амал-мансаб, обрў-нуфуз, мол-дунё учун эмасмикин?” деган шубҳага тушади. Сўнгра “Ҳақиқат фақат мутасаввифларнинг яшаш тарзида бўлиши мумкин” деган хулоса унинг тинчини бузади. Шунинг учун у Бағдоддаги мадрасани

¹⁰² Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда.// Истеъдодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 33.

¹⁰³ Аҳмад Муҳаммад Турсун. Абу Ҳомид Ғаззолий [Матн].// Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: QAQNUS MEDIA, 2017. – Б. 57.

тарк этиб, фақирона ҳаёт кечиришга ўтади. Натижада, у жисмонан заифлашиб кетади. Шу аҳволда ўн йил юртма-юрт саргардон кезди. Бир дафъа вазирнинг сўзига кириб, Найсобурда бир муддат ишлаган бўлса ҳам барибир ишига қаттиқ боғланмади, тузуккина мутасаввифга айланди, то вафот этгунгача кўзга ташланмай яшади. У тасаввуфга мана шундай кириб келган эди. Тасаввуф у зотнинг саодат ва ҳақиқатни топиш йўлидаги охириги орзуси эди¹⁰⁴.

Тоғнинг улуғворлиги узоқдан билинади, деган гап бор. Ҳаётга, инсонларга, воқеаларга, чўққилардан, довлардан туриб назар ташланса-чи? Фикримизча, бу саволларнинг баъзиларига Сайди Умировнинг мақолаю рисоаларидан жавоб топиб билиб олса бўлади.

3.2. Сайди Умиров ижодининг жанрий жиҳатлари

Журналист жамиятда юз бераётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб, тезкор ёзиб, муносабат билдирадиган бу – публицистдир. Буни газета раҳбарлари доим таъкидлашади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университети ташкил этиш зарурати ҳақида гапирганди. Мазкур фикрга муносабат билдираётган мутахассислар асосан ахборот асрида янгилик етказиш муаммолари билан чегараланиб қолаётганликлари, ваҳоланки, яланғоч маълумот тарқатиш келажакда публицистик таҳлилга эҳтиёжни вужудга келтириши, шу боис янги ташкил этиладиган дорилфунунда, албатта, публицистика ривожига хизмат қиладиган кафедра очиш, тадқиқотлар қилиш зарурати хусусида Сайди Умиров ўз фикрларини ёзаётганини ўқиб қолдим. Ҳолбуки, аксар журналистлар янги очилажак университет ҳақида йўл-йўлакай гапиришдан нарига ўта олмаяптилар. Ўз фикрига эга бўлиш, асосийси уни қоғозга тушириш барчанинг қўлидан келадиган иш эмас.

¹⁰⁴ Аҳмад Муҳаммад Турсун. Абу Ҳомид Ғаззолий [Матн].// Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: QAQNUS MEDIA, 2017. – Б. 57.

Журналист ёзганларини тўплаб “Дорилфунунлар тақдиримда”, “Маънавият мулкига саёҳат” ва “Сеҳрли ва меҳрли сўз” номли салмоқли китоблар нашр эттирганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Академик Бахтиёр Назаров “публицистик триада”¹⁰⁵ деб атаган бу китоблардан нафақат зиёлилар, кенг жамоатчиликка, балки журналистика факультетлари талабалари публицистикадан хрестоматия сифатида фойдалансалар бўлади. Публицист ёзиш билан бирга шогирдларини фаолликка ундаб яшайди.

“Публицистика бу – ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод туридир. У жамият ҳаётининг шу кундаги, айти замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини акс эттириб оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади, шу кун айти замонга хизмат қилади”¹⁰⁶.

Адабиёт – инсон кўнглига озуқа берса, публицистика инсон онгига таъсир этади. Танқидчилик эса ҳар икки ҳолатнинг меъёрий йўналишда ҳаракатланишига туртки беради.

Адабиёт ва публицистика бир-бирини тўлдиради. Реаллик баъзан ўқувчининг жамиятга бўлган совуққонлигини оширса, ёки бадиият унинг жамиятга бўлган ишончсизлигини кучайтирса, уларнинг бирлашуви айти бир мувозанат ҳосил қилажагини эътироф этиш мумкин. Адабий-бадий унсурлар публицистик асарларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳаётни жонли, қизиқарли тасвир этишда асос вазифасини бажаради.

Бадиий публицистика жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларга, дунё миқёсида юз бераётган, одамлар онг-шуурига, дунёқараши ва турмуш тарзига таъсир кўрсатаётган воқеа-ҳодисаларга тезкор ва холис муносабат билдирувчи ижодий тафаккур маҳсулидир. Бу жанр ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатади, бирор бир вазифа ёхуд муаммо хусусида жамоатчилик фикрини юзага келтиради, бу фикрни аниқ мақсад йўналишида

¹⁰⁵ Умиров С. Сеҳрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.//Тархи тоза публицистика. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б.8.

¹⁰⁶ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008. – Б.112.

ривожлантиради ҳам. Публицистика назариясига оид илмий тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида унинг жанр хусусиятлари, ижтимоий мавқеи, воқеа-ҳодисаларни акс эттиришдаги ўзига хосликлари кенг ва атрофлича очиб берилган¹⁰⁷.

Йирик тадқиқотчи олим Е. Прохоров публицистикада “илмий-назарий ва бадиий образли тафаккурнинг бир-бирига уйғунлашиб, яхлит бир маъно-мазмун касб этишини зарурий ҳол”, деб ҳисоблайди. Адабиётшунос олим Я. Эльсберг публицистикада тушунча ва образ бир-бирига мувофиқ тарзда келишини уқдиради. Адабиётшунос Очил Тоғаев воқеа-ҳодисалардан англашиладиган фикр-тушунчани мантикий муҳокама тарзида ўқувчига етказиш публицистиканинг бош хусусияти эканлигини уқдиради.

Публицистика “жамият ҳаётининг шу кундаги, айти замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини акс эттириб, оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади... Унинг бош вазифаси ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, масала ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат... Публицистика фақатгина жамият ҳаётининг барча қирраларини ёритишда ўзига хос восита ва усуллардан фойдаланади. Жумладан, адабий-бадиий публицистика (Ёзувчи публицистикаси — М.А.) ўзида ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирса-да, бунда у алоҳида бадиий ифода воситаларига таянади. Яъни бадиий публицистика ҳаётга бадиий адабиёт нуқтаи назаридан ёндошади ҳамда матбуот билан адабиёт ўртасида туради, уларни бир-бирига узвий боғлайди”¹⁰⁸.

Илмий иш масалалари билан ҳар қил устоз домлаларни олдиға бориб турамиз. Тўғрироғи, бугун баъзи устозларимиздан маслаҳат олай деб борсанг, устингдан мазақ қилиш, вой бу кишим мунаққидми, ўзи бирор бир нарсалари борми, деган ўзларига ярашмайдиган саволлар беришади. Ҳа энди,

¹⁰⁷ Умарова Ё. Ўзбекистон адабий-бадиий нашрларида танқидчилик муаммоларининг ёритилиши (Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналлари материаллари мисолида) Маг. дисс.-Т.: ЎзМУ, 2013. – Б. 6.

¹⁰⁸ М. Худойкулов. Журналистика ва публицистика, 2008. – Б. 112.

устозларни ҳурмат қилган ҳолда, вазиятдан чиқиб кетишликка ҳаракат қиламиз. Аммо 2018 йил 10 февраль куни “Миллий матбуот марказида” мунаққид Сайди Умировнинг 80 йиллиги тантанали равишда нишонланди ва адашмасам соат чамаси 13⁰⁰ да ижодкор, журналистлар учун чиройли тушлик дастурхони ҳам азиз меҳмонларга тортиқ қилинди. Ўша жойда менга ғалати саволлари билан гап қилаётганлар ҳам иштирок этган. Наҳотки, ўзлари гувоҳ бўла туриб мунаққид деб атай олмайдиганларга шу сўзни такрор-такрор келтириб мунаққид устоз Сайди акани ижодига бефарқ бўлсалар деган савол туғилади кишида. Албатта, журналистика соҳасида ҳар бир гапни орқасида факт-исбот-далил ўз ифодасини топмоғи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жумладан, публицист, мунаққиднинг “Сеҳрли ва меҳрли сўз” китоби тўпламида “Тархи тоза публицистика” сарлавҳали публицистик ҳамда мунаққидлик рисоаларини келтириб ўтмоқчимиз.

Эркин Аъзамнинг “Эрталабки хаёллар” китоби публицистика кенгашининг йиллик йиғилишида бу соҳанинг ўтган йилги маҳсулоти ичида энг сараси дея яқдил эътироф этилди. “Ўзбекистон” нашриётининг аннотациясида мақола Фира, суҳбат, эссе, очерклардан иборат, сал кам ўттиз табоқли тўпламга адибнинг кейинги чорак аср давомида матбуотда босилган тархи тоза публицистик асарлари жамланмасига долзарблигини, йўқотмаганлари саралаб олингани, жонсарак муаллиф олами, одами тўқис кўриш истагида куйиниб-койиниб қалам тебратгани, ўқувчи фикр мудроқлигидан фикр уйғоқлигига даъват этиши таъкидланадики, китобни ўқиб чиққан киши бу хулосага тўлиқ қўшилади¹⁰⁸.

Менга раддия билдирган азиз устозжонларим, сиз ҳам шу темпда бирор бир нарса қоралаб ёза оласизларми? Ҳақиқатданда тил суяксиз. Агар уни маҳкам жиловлаб олинмаса, ўз эгасининг бошига не кунларни солмайди дейсиз. Айниқса, сиз каби соҳада фаолият олиб бораётганлар тилларига эҳтиёт бўлишлари ўзларига фойда. Сайди Умиров бу масалага аллақачон

¹⁰⁸ Умиров С. Сеҳрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Тархи тоза публицистика. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. — Б. 300-301.

ечим топиб бўлган ва бу мавзу унинг учун ҳеч нарсани ифода этмайди. Унинг таърифича, Эркин Аъзамнинг тархи тоза бадиияти билан публицистикаси орасида муштарак ва фарқли жихатлар дарҳол кўзга ташланади, булар – ҳикоя, қисса, роман, сценарийларидаги аниқ ва қуйма тасвир, тиниқ ва бўртиқ характер, қуйма ва оҳорли образ, ростгўй бадиий тўқима; мақола, суҳбат, эсселарига хос долзарб мавзуга тезкор муносабат, мантикий муҳокама, ва образли тафаккур бирлиги, мутаносиблиги, дангаллик, чўрткесарлик, тўғри гап келганда тукқанини, ўзини аямаслик, бурама жим-жимадорлик, эҳтиёткорона расмийликдан холилик ва ҳоказо¹⁰⁹.

Ёзувчилардан бири юмори сўз ва фикрни боғловчи, матнни ўқишли қилувчи ҳазми асарга менгзагани бежиз эмас китобнинг номи “Эрталабки хаёллар”. Нега энди эрталабки, кечки ё тунги хаёллар эмас?, деб савол беради мунаққид таҳлил қила туриб. Саволга муқованинг тўртинчи бетидаги “Чиқиш сўзи”да ҳазил-чин оҳангда жавоб беради: “Эрталабдан негадир чирсиллаб тураман... Бу вақтда одамнинг бор ғами ташвиши гўё каминада: мушкул муаммолар, ҳақсизликлар, норасоликлар. Кўнгилда шуларга тийиқсиз исён жўш уради. Бугуноқ бориб шу масалани ҳал қилмасам! Бугуноқ бориб бу гапларни шартта-шартта айтиб солмасам! Бўлди шунча замон мусичага ўхшаб юрганим, чидаб келганим етар! Бу нима бедодлик ахир!¹¹⁰

Аммо чошгоҳга яқинлашганда бор шижоат ўз-ўзидан сўнади. Бояги шаштдан қайтилади. Яна бир муддат кутайлик-чи, зора ҳал бўлиб қолса, ўрнига тушиб кетса... дунёда бошқалар ҳам бордир, қараб туришмас! Ана шундй оғир-босиқ, серандиша, хуллас эл қатори “яхши одам”га айланиб қоламан. Лекин ушбу тўпламдаги гаплар менинг “ёмон одам”лик пайтимда туғилган фикр-мулоҳазалардан иборат деса бўлади”. Охирида мақолалар тоза кўнгил, холис ният билан ёзилганини эслатадики, бу таъкидлашсиз ҳам

¹⁰⁹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Тархи тоза публицистика. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 300-301.

¹¹⁰ Ўша манба, ўша жойда – Б.300-301.

ўқувчи муаллифга тўлиқ ишонади¹¹¹.

Сайди Умиров ижодининг бадиий публицистикада кескин рад қилувчи, фош этувчи ёки жамиятни бирор бир муаммодан огоҳ қилувчи фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан билдирилган муносабат асосан бадиий, образли воситалар, муаллифнинг ички кечинмалари, ҳаяжони, ҳис-туйғуси орқали баён қилиб берган.

Тадқиқотчи олим Б. Дўстқораевнинг таъкидлашича, публицистиканинг юзага келиши журналистикани ижтимоий-сиёсий жихатдан қудратли қурол даражасига кўтарди¹¹². Дарҳақиқат, бу жанрда даврнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий қиёфасини, ютуқ ва муаммоларини, жамият олдида турган муҳим вазифалар ечимларини кўриш мумкин. Шу боис, жамият бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётганида публицистика, юқорида айтилганидек, қудратли қуролга айланади, публицистик мушоҳадага эҳтиёж кучаяди.

Бадиий публицистикада муаллифнинг у ёки бу воқеа-ҳодисага, жамият ҳаётидаги бирор бир муаммога нисбатан позицияси аниқ кўринади. Юқорида келтирилган иқтибосда буни яққол англаймиз: Бальзакнинг фикрича, шоир-ёзувчи — мамлакатнинг шон-шарафи, ғурури, демакки, тафаккур бойлиги. Шоир-ёзувчилар ўз асарларида аср руҳини, даврнинг маънавий-ахлоқий манзарасини акс эттирадилар, демакки, мамлакат, миллат тарихини яратадилар. Қўлига қалам тутган ижодкор умр бўйи давом этадиган заҳматли меҳнати ҳисобига “қашшоқлик” қаъридан юксакка парвоз қилади, аммо бундай парвоз ҳаммаларига ҳам насиб этавермайди, кўплари орзулар қанотида умргузаронлик қиладилар, бундайларга бойлик, шуҳрат ёки бошқа бир ҳомий эмас, уларнинг ирода ва эътиқодлари суянчиқ бўлади. Улуғ адиб ўз касбдошларига бутун вужуди билан бундай ҳолатга бефарқ бўлмасликни уқдиради. Дунёда муқаддас мулк бўлса, агар чиндан ҳам инсон тасарруфига тегишли бирон нарса мавжуд бўлса, бу — инсон еру осмон ўрталиғида барпо этадиган, чиндан ҳам унинг ақлий фаолияти самараси ўлароқ майдонга

¹¹¹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон.// Тархи тоза публицистика. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. — Б. 300-301.

¹¹² Б. Дўстқораев. Ўзбек журналистикаси тарихи. — Т.: Фан, 2009. —Б. 7.

келадиган, лекин ҳамма одамларнинг қалбида гуллаб-яшнайдиган нарса — ижодкорнинг асаридир.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратиш учун, аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга, жамият ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айлантириш зарур. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, Концепцияда айтиб ўтилганидек, “инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”¹¹³.

Мустақиллик йилларида бу борада самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. Муҳими шундаки, бу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айтиш чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Бунинг натижасида миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида мутлақо қўл урилмаган, ҳеч ким журъат этмаган, расман таъқиқлаб қўйилган мавзулар, танқидий мушоҳадалар, қиёсий таҳлиллар, ижтимоий-сиёсий шарҳлар пайдо бўлди.

Аммо, эътироф этиш лозимки, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, самарадорлигини таъминлаш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. “Миллий журналистика тарихи”

¹¹³ Халқ сўзи, 2010, 13 ноябрь.

монографиясида таъкидланишича, “хар қандай матбуот ўз даври ва замонининг маънавий кўзгуси, ақлий маёғи, интеллектуал минбари ҳисобланади. Унда жамият руҳияти, ижтимоий психология, ўша давр одамларининг мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Нашрлар турли соҳаларга дахлдорлигидан қатъий назар, ўқувчи онги ва тафаккурига таъсир этиши орқали ижтимоий фикрни шакллантиради, жамият руҳиятини белгилайди, жамиятнинг маънавий-маърифий даражасини оширишга ҳисса қўшади. Ўз даври ижтимоий сиёсий жараёнларига бевосита муносабат билдириш орқали уни йўналтиради, ривожлантиради ва ташкил этади”.

Масалан, Сайди Умировнинг “Маънавият мулкига саёҳат” китобида “Сурур ва ғурур” номли рисола ўрин олган. Унда серкирра ижодкор, шоир, мақоланавис, драматург, мутаржим, муҳаррир Мирпўлат Мирзо ҳақида сўз юритилади.

Мирпўлат Мирзо йигирма етти ярим табоқлик янги салмоқли китобини “Сурур”, деб номлаганини публицист, олим таърифлайди. Ижодкор тийнати, табиати унинг китобларига кўчади, бошқача айтганда, шахсияти, хислатлари асарларида зухур этади. Сурур – хуш-хурсандчилик, ҳаётсеварлик аломати, кўнгил изҳори, дил рози. Бундай шоирона, шукрона сўзни, одатда Мирпўлат Мирзодек оптимист, завқи-шавқи баланд ижодкор сарлавҳага чиқариши, ўрнини топиб меҳр-ихлос билан ишлатиши мумкин¹¹⁴.

Филология фанлари доктори, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Сурур”га “Шоирона ҳайрат” деб қисқа, чиройли, муҳими, китоб моҳияти-мағзини, ижтимоий-фалсафий йўналишини аниқ-тиниқ ифодаловчи сўз боши ёзган. Аристотель айтганидек, ҳайратланиш фалсафийликнинг бошланишидир.

Танқидчилик хусусида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Кимдир танқидчилик жанрлар сирасига киради дея эътироф этса, кимдир танқидчилик адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси эканлигини қатъий таъкидлайди. Шу маънода танқидчилик хусусида ҳар икки қарашга муносабат билдирадиган бўлсак, буни илмий назариясига мурожаат

¹¹⁴ Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат.// Адабиёт. Ҳаё. Маънавият. –Т.: O‘zbekiston, 2013. –Б. 91.

қилишимизга тўғри келади.

Танқидчилик кенг қамровли тушунча. “Танқидчилик асосида турли соҳалардаги кемтик жиҳатлар тафтиш қилиниши, ундаги оқсоқликлар бартараф этилиши, ҳеч бўлмаганда, маълум бир бурилиш ясашига хизмат қилишига асос бўлиши керак”¹¹⁵.

Жанр сифатида талқин этадиган бўлсак, унинг мазмун доираси торайиши мумкин. Танқидчилик жанр қамровига сиға олмайди. Чунки унинг таркибида ўрганилаётган мавзулар аксинча жанрлар таркибини ўзига бўйсундиради.

Шу боис унинг талқини сифатида адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси эканлиги мақсадга мувофиқ. Ушбу назарий фикрлар албатта, танқидчиликнинг амалий мисолларида ўз исботини топади.

Шунингдек, танқидчиликнинг соҳа сифатида ўрганилаётганлиги ҳам бевосита жамиятга кераклигидан далолат. Аммо, шуни фарқлаш керакки, бунинг тараққиёти асосан адабий танқидчиликда ўз раванкига эга бўлиб бормоқда. Сабаби, танқидчилик бошқа тизим таркибида шунчаки, бир томонлама қараш таркибида, ҳисобот шаклини намоён этса, адабиётда ушбу "дарё"нинг ўзанини ўзгартиришга қодир даражада эканлиги билан аҳамиятли. Бунинг туб омили сифатида биз авваллари таҳлил қилган абадий изох: адабиётда йўл қўйилган камчиликлар вақтида тузатилмаса, унинг оғриқлари асрлар силсиласида ҳам ҳеч бир якунга эга бўлмайди. Мавзу нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, адабий танқидчиликнинг матбуот нашрларидаги талқини жамият эҳтиёжларини қониқтирса, ўйлаймизки, унинг таъсири камаяди. Демакки, бугунги кунгача мазкур мавзуда бахс-мунозаралар давом этаётган экан, унинг ечилмаган, муҳокамага, эътиборга муҳтож жиҳатлари ҳануз етарли. Бундан кейин ҳам худди шундай эҳтиёж давомийлиги тугамайди. Сабаби, жамият янгиланаверади, жамиятдаги ҳар бир инсоннинг фикрий қарашлари ўзига хос ва турлича эканлигидан бу мавзу бардавом, янгича шаклда намоён

¹¹⁵ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 267.

бўлаверади.

Шу ўринда мунаққид шахсига нисбатан қуйидаги талабларни келтириб ўтсак:

- мунаққид тарих хусусида етарлича маълумотга эга бўлиши;
- бугуннинг нафасини ҳис қилиши;
- келажакни тасаввур эта олиши;
- айти шуларни умумлаштириб, янги ғоялар тизимини шакллантириши шарт.

Ҳар бир даврнинг адабиёти ва унга баҳо берувчи танқидчилари бўлади. Улар жамият ҳаётидаги жамики паст-баландликларини таҳлил этиб, ўз муносабатларини билдирадилар. Айти шу мушоҳадалар маълум хулосага эга бўлишлари, хулоса яшашларининг об-ҳавосини белгилайдилар.

Ўйлаймизки, Сайди Умировда мунаққидлик қараш, улуғ ёшга қарамасдан бугунги куннинг воқеа-ҳодисотини ҳис қилиб туриши, ва шуларни умумлаштириб янги таклиф, ғоявий тизимни шакллантириб бораётгани ҳамда келажакка нафақат ўзи, ёшларни ҳам эргаштириб, ҳақиқий устоз номига ибрат кўрсатаётгани барчамизга намуна. Шунингдек, бугунги кунимизда танқид қиладиганларимиз кўпчиликни ташкил этамиз. Бироқ асли ечим қандай бўлиши керак. Ечими бирор нарса ҳақида танқидий фикрингиз уйғондими, муаммога ўз таклифингизни бериб кетинг. Шундагина биз ўйлаган мақсадларимиз сари дадил қадам ташлаётганлар сафидан ўрин оламиз, эзгу ниятларимизга эришамиз.

Публицист Сайди Умировнинг матбуот чиқишлари бадиий публицистика жанрларида ёзилган бўлиб, устоз асосан адабий-бадиий мақолалар, муаммоли мақоллар, эссе, илмий-публицистик тадқиқот, портрет, йўл кузатувлари, публицистик интервью ва очерклар ташкил этади.

3.3. Муаллиф тили ва услубининг ўзига хослиги

“Ўзбекистон матбуоти” журналида чоп этилган «Журналистни кимлар ҳушламайди? ёки бугунги кунда журналист обрўси» сарлавҳали мақолада

олимлар дунё журналистикаси муаммоларини тадқиқ этар экан, уларнинг фарқини “ривожланган журналистика”, “самарали журналистика”, “яхши журналистика”, ёмон журналистика” каби номлар билан атай бошлади...¹¹⁶” деган эътирофи келтирилган. Муаллифнинг фикрича, журналистларни куйидаги тоифага бўлиш керакка ўхшаб қолди:

Ҳақиқий журналистлар:

Улар касби ва бурчига содиқ ҳолда ижтимоий-сиёсий масалаларга холис ёндашиб, ютуқларни тарғиб этган ҳолда тараққиёт учун тўсиқ бўлиб турган айрим нуқсон ва камчиликларни дадил кўтариб чиқишмоқда.

Танқидий-таҳлилий мақолалар баробарида муаммолар ечими юзасидан ўз таклиф ва хулосаларини ҳам билдиришмоқда. Бундай журналистлар аксарият доираларда ҳурмат, эъзоз ва эътибордадир.

Ҳотиржам журналистлар:

Турли мансабдор шахслар кўмагига таянган ва иқтисодий бақувват муассис қошида фаолият юритаётган баъзи нашрлар журналистлари. Шунингдек, айрим тармоқ нашрларининг ходимлари ҳам. Уларнинг обуналари бошқарма бошлиғининг кўмаги, баъзан қатъий талаби билан таъминланган. Газеталар учун олдиндан пул тўлаб қўйилганлиги туфайли саҳифаларини бир амаллаб “тўлдириб” қўйсалар бўлди...

Баққол ёки мадҳгўй журналистлар:

Бу тоифадагиларни на ижтимоий муаммо, на иқтисодий камчиликлар, на сиёсий жараёнлар қизиқтиради. Улар сериалбозликни, артистбозликни, ғийбат ва тўқима детективларни пуллайдилар. Хонада тўқиб ёзилган ҳирсий ҳикоялари билан банд бундайларга маърифат, миллат тарбияси ва тақдири, миллий ғоя ташвиқоти зерикарлидир¹¹⁷. Булар мабодо эртага газетадан фойда чиқмай қолса, ўзларини “пул чиқадиған” бошқа соҳага уриб кетаверадилар. Жумладан, Соғлиқни сақлаш, маориф, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимларда ходимларнинг фаолиятига, тажрибасига, малакаси қараб даража

¹¹⁶ Ўзбекистон матбуоти. 2016, 3 -сон.-Б.11-13.

¹¹⁷ Ўша манба.

ва махсус форма белгиланган. Масалан олий тоифали шифокор, 2-тоифали ўқитувчи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси ва ҳоказо. Аммо журналистларда эса бу масалага ойдинлик киритилмагандек. “Журналист” мақомини ким ёки қайси ташкилот қандай талаб ва мезонлар асосида белгилайди? Журналистикани битирган талаба том маънода ўзини журналист ҳисоблай оладими? Газета саҳифаларида Интернет маълумотларини кўчириб ёки хориж матбуотидан таржима қилиб кичкина тагига бош ҳарфларда “Фалончиев, журналист” деб ёзиб олаётган айрим ёш ижодкорларга журналист мақомини ким берган. Назаримизда бу масалада ҳам жиддий ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди... ¹¹⁸.

ОАВ талаблар доирасида фаолият юритаётган тажрибали журналистлар ҳам кам эмас. Улардан бири шубҳасиз Сайди Умировдир. У ўзига хос мунаққид, бадиий публицистик асарларни яхши таҳлил этади. Хусусан, мақола, рисоалари ва тақризлари бунга фикримиз исботи. Жумладан, сарлавҳа қўйишни ҳақиқатанда моҳир устаси. Мисол учун “Чанги ва донғи чиққан ёлғиз от”, “Желлиғулилик даллиғули ҳамкасбим”, “Таҳрир пири”, “Бор бўл футбол”, “Шарофнома, шарафнома”, “Даъваткор сўз”, “Сўз заргари тилимиз жонкуяри”, “Сўз ичидан ахтаринг”, “Ашъорлари эш қобил ижодкор”, “Огоҳ қўнғироғи”, “Чоршаъмнинг тўрт шаъми” ва бошқа рисоаларда, ҳамда илмий-публицистик тадқиқотларида ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида янги давр матбуотининг муҳим принципиал вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди: «Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари юришимизга тўсиқ

¹¹⁸ Ўзбекистон матбуоти. 2016, 3 -сон.-Б.11-13.

бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади»¹¹⁹.

Истиқлолимиз арафасида ва унинг дастлабки йилларида матбуотнинг жамиятнинг турли қатламларига мансуб кишиларнинг онгига етиб борадиган, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштирадиган, янги шароитдаги бурч ва масъулиятини тўла англашларига ёрдам берадиган ошкора, дадил ва таъсирчан сўзига кучли эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ҳолат тасодифан юзага келгани йўқ, албатта. Аммо бундай сўзни айтиш учун публицистик маҳорат билан бирга, ижтимоий фаоллик, қатъият ва шижоат, мустақил фикрлаш салоҳияти, жамият тарафидан эса — эркин фикрга нисбатан хайрихоҳлик зарур эди. Бунинг боиси, дастлабки кезларда жамият аъзоларининг маълум қисми, жумладан айрим зиёлилар ҳам, иккиланиб, иттифоқнинг парчаланиши, “катта оиладан” ажралиб чиқиш, Москвадан узилиш эртага қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қила олмай, собиқ салтанат матбуотининг “Москва Ўрта Осиёсиз яшай олади, аммо ўзларича мустақиллик эълон қилган Ўрта Осиё республикалари Москвасиз яшай олмайди ва бўйинларини эгиб яна сафимизга қайтиб келишади” каби башоратлари таъсирида воқеалар ривожини эҳтиёткорлик билан кузатиб туришарди. “Нега деганда бизларда қўрқинч бор, вазир бўлса ҳам, ҳоким бўлса ҳам, бу одамлар ўзидан қўрқади,— деб таъкидлаган эди, биринчи Президент Ислом Каримов “Озодлик” радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан учрашувда. — Совет даврининг тарбиясини олган, менга ортиқча масъулият керак эмас, менга тинчлик керак, деган одат бор... Ҳокимлар саволларга жавоб беришдан қўрқади, жойларда сўрасангиз, улар ё қандайдир мужмал жавоб беради, ё мутлақо жавоб бермайди. Биз бу ярамас одатдан воз кечишимиз керак... Демократия, демократиянинг асосий шарти бўлмиш матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман, матбуот ҳақида менинг фикрим шундай: жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман, мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи

¹¹⁹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.- Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 190-191.

матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади... Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бериши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам, ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана ўшандагина матбуот демократик матбуот бўлади”.

Истиқлол йиллари публицистикасининг илк қадамлари, шубҳасиз, она-Ватан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари билан бевосита боғлиқ бўлди. “Ватан — одамнинг киндик қони тўкилган ердир”, деган таърифга эътироз билдирмасак-да, айтмоқчимизки, бу шартли бир тушунчадир, — деб ёзади Тоҳир Малик “Равнақ топгай Ватаним — онам” мақоласида¹²⁰ — Агар туғилган жой тўла маънода Ватан бўлганида эди, биз томонларда туғилиб ўсган немислар, яҳудийлар, қрим татарлари ва яна бошқа миллат вакиллари ота-боболари юртига кўчишмас эди. Хорижда туғилган ўзбеклар “Ватан” дея Ўзбекистонга интилмас эдилар. Демак, Ватан — энг аввало, ота-боболарнинг покиза ҳоклари ила шарафланган жойдир. “Ватан осотонадан бошланади”, деган таърифга ҳам бир оз таҳрир киритмоққа эҳтиёж сезамиз: ҳар бир кишининг қалбида Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватан — биз нафас олаётган ҳаводир. Ватаннинг бир зарраси эканингни англамоқ киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат одам боласига хосдир”.

Футболчиларимизга нима бўлган ўзи? Ўсмирлари ҳам, ёшлари ҳам катталари ҳам бошида дуппа-дуруст тўп сурган бўлишадия энг муҳим, энг масъулиятли ўйинни бой беришади: кўпроқ ҳимоядаги қўпол хатолар, хужумчиларнинг бўшанглиги, сусткашлик, журъатсизлик туфайли. Энг ачинарлиси, бу сурункали касаллик, нохуш анъанага айланиб бораётир, минглаб, миллионлаб ишқибозларнинг кайфияти бузилишига, галдаги беллашувлар олдидан хавотирга тушишларига сабаб бўлаётир. Аксар ўйинчиларимизда тез югуриш, тез фикрлаш, тез очилиш, тез ошириш, голга ташналик, масъулиятни зиммасига олиш, фидойилик етишмайди, жиндай

¹²⁰ Қаранг: “Маънавият гулистони”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган публицистик мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир А. Мелибоев. Т., “Шарқ” НМАК, 2002. – Б. 37.

эмас, оз эмас, анча-мунча етишмайди¹²¹, –деб “Яна гол қайғуси” сарлавҳали мақоласида куюниб ёзган Сайди Умиров. Биз, қалам аҳли, шарҳловчилар сизларни керагидан ортиқ мақтанганмиз, баъзиларингизни эркалатиб юборганмиз, тегма нозик қилиб қўйганмиз. Мақтов эшитиш ёқимли, албатта. Ўйинда рақиблар тепкилар билан ҳам “сийлашган”, жароҳатлар беришган, чидагансиз. Сўз қамчисига – аччиқ дорисига ҳам чиданг-да.

“Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ, – деб уқдиради биринчи Президент Ислон Қаримов. – Очик айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дашҳатлидир”¹²².

Сўз орзунинг эгиз оғасидир, у сизга шундай бир сирли эшикни очиб берадики, бу эшик орқали сиз истаган вақтингизда эркинликка чиқа олишингиз мумкин. Сўз ёрдамида кишини диққинафас қилиб юборадиган замондан, зериктирувчи манзарадан, чидаб бўлмайдиган турмуш шароитидан, ниҳоят, ўз-ўзингдан осонгина қочиб қутилиш мумкин. Сўзнинг жилоси, қудрати хусусида Ҳазрат Навоий шундай байтларни келтиради:

“Жисм бўстониға шажар сўздир,

Рух ашжориға самар сўздир”¹²³.

Янада кучлироқ таъсир қиладиган ва домига оладиган омиллардан яна бири-рақиблик туйғуси ва шон-шуҳрат иштиёқидир. Бошқалар билан тенглашмоқ, улардан орқада қолмаслик, аксинча, улардан ўтиб кетиш истаги, сўз ва фикр дунёсида улардан кўра юқорироқ ўринга кўтарилиш

¹²¹ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. // Давр. Публицистика. Қаҳрамон. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. – Б. 177.

¹²² Қаримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б. 417.

¹²³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. – Т.10. – Т.: Фан, 1992. – Б. 33.

орзуси ҳам ижодкорга катта қувват беради. Танқид, рақобат ривожланиш омилидир. Шунингдек, биринчи қарашда майдароқ кўринадиган оддий қаноат ҳосил қилиш, мамнун бўлиш каби туйғуларга ҳам беписанд қараш керак эмас. Улар нафақат илк бор қоғоз устига эгилиб сўздан маст бўлган адиб ижодининг дастлабки босқичларини белгилаб беради, балки бу туйғулар ҳам ижоднинг кейинги босқичларида ҳам ёзувчининг қўлига қалам тутқади ва бу ҳодиса биз ўйлаганга қараганда кўпроқ рўй беради. Хусусан, олим Сайди Умировнинг сўзга бойлиги унинг ижодида уларнинг кетма-кетлилиги, жойида қўллаши ва ўқувчига тушунарли тарзда маълумотни етказиб бериши тўпламларида ўз аксини топган.

Ҳар бир ижодкор ўзига хос услубий, ижодий йўналишга эга. Ўқувчи ўзининг қарашлари натижаси ўлароқ кимгадир издош бўлади. Шу ўринда савол туғилади. Даставвал услуб яратиладими, ёки ижод наъмунаси тайёр бўлгач унинг йўналиши белгиланадими? Бу борада бир томонлама қараш ноўрин. Истаймизми, йўқми инсоният маълум қолип доирасида ҳаракатланиши жуда қийин¹²⁴. Унинг ижодий қирралари фақатгина эркин тамойилларга асослангандагина асл маъносини кўрсатади. Шу боис кўп ҳолларда Сайди Умиров ҳар қандай кичик, катта ҳажмдаги асарларни мустақил ёндашув, ҳеч бир сиқиликсиз дунёга келтириши соҳа ривожининг омилидир. Шунда муаллифнинг руҳияти, миллий қарашлари, ўзига хос услуби ярқ этиб намоён бўлади. Бевосита бунинг самараси ўлароқ “мактаб” яратилиш борасида дадил қадамлар ташланган бўлади.

Биз айнан ҳозирги кунимизда кўпинча, ишонтириш ўрнига декларация билан қандайдир қоғозга туширилган ёлғон ҳисоботлар билан машғул бўламиз. “Публицистика мана шундай муаммоларни ечиш ролини ахтаради ва бажаради. Публицистика бу — кураш, ҳаётимиздаги янги нарсаларни барқарор этиш, олға боришимизга тўсиқ бўлаётган иллатларга барҳам бериш демакдир¹²⁵. Кураш — агар бу сўзни олиб ташласак, хроника,

¹²⁴ Ўзбекистон адабий-бадиий нашрларида танқидчилик ... - ZiyoNET

¹²⁵ Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда.// Публицист сабоқлари. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 113.

корреспонденция очеркнаволавҳа, репортёр мулоҳазалари қолади. Сайди Умиров газета публицисти сифатида бу жанрларни эъзозлайди, уларсиз газета бир кун ҳам яшай олмайди. Аммо бадиий очерксиз кун кечиришни биламиз, шундай бўлса ҳам уларни чинакам публицистика эмас деб таъкилайди. Қайси фан хабарбоп-у қайсиниси корреспонденциябоп, буниси далиллаш, униси идрок этишни тақозо этади. Буларни журналист ўз иш столида ҳал этиши керак. Ишчи заводда материалга ҳар хил ишлов бергани сингари очеркка ҳикоя либосини кийдиришдан ёмони йўқ... Сайди Умировни яхши тушунишни ва холис баҳолаш учун кенг билим ва савия, адабиёт, журналистиканинг такрори бўлса ҳам айтайлик, шошмасдан синчиклаб, “шимиб” ўқиш ва мулоҳаза юритиш, ўқиш ва ўқишни аҳамияти катта. Шунга қўшимча, публицистнинг илмий ва танқидий мақоласидир. Бундай мақолалар, дилномалар, оз бўлсада унинг мазмун моҳияти создир.

Сайди Умиров публицистикасининг энг муҳим ғазилати сўз кучи десак, муболаға бўлмайди. Таҳлил, тадқиқ, хулоса улар одатда, узвий боғлиқ, уйғун, бир бирини тўлдирган, бойитган ҳолда келади. Кўпинча мазмун сарлавҳадан, илк жумлалардан бошланади. Мавзу, муаммо талқинида намоён бўлади.

"Дугоналар бормисиз, омонмисиз,

Жам бўлишиб, очилиб гулзормисиз..."

Ушбу сатрларни хиргойи қилмаган, тингламаган юртдошимиз бўлмаса керак. Бу сатрлар шоир, ёзувчи, йирик давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов қаламига мансуб бўлиб, «Самарқанд куйлари» номли илк шеърӣ китобчасида босилган ушбу шеърни ўз онасининг хотирасига бағишлаган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Сайди Умиров сўзбоши ёзган мазкур «Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят» асарида бугун ва ўтмиш, инсон ва унинг тақдири, замон билан истиқбол тушунчалари кўз илғамас иплар билан боғлангани билан миллий журналистикамизда муҳим аҳамият касб этади. Яна бир гап. Борлиқда азалий қарама-қарши унсурлар: сув ва олов, ибтидо ва интиҳо, тириклик ва ўлим эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳиссизлик ва ҳаяжон сингари

антонимик қарашлар мавжуд. Бу ҳолатлар «Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят» асарида ҳам батафсил ёритилган¹²⁶.

Юқоридаги интервьюсида Сайди Умиров ҳақида шундай фикрлар келтирилган: “Пахта ва қор эпопеяси”, “Режада бўлмаган объектлар ёхуд халқ мероси”, “Брежнев можароси”, “Ўртоқ Андропов келганларидан кейин”, “Шароф Рашидовнинг рақиби”, “Ширин ёлғон ва аччиқ ҳақиқат” каби сарлавҳаларга ажратилган воқеалардан кўпгина саволларга жавоб топасиз.

Сайди Умиров ўз интервьюсида ўзбек халқининг йирик раҳбари бўлган, XX асрнинг таниқли сиёсатчиларидан, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳақида сўнгги пайтда кўп турли фикр-мулоҳазалар ёзилаётганини таъкидлаб, бу халқимизнинг, у киши билан бирга ишлаган сафдошларининг, ёзувчи, журналистларимизнинг Шароф Рашидов хотирасига бўлган чуқур ҳурматидан далолат беради, деб таърифлайди. Устоз Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган бу лавҳаларни жанр бўйича мемуар услубида битилган бир хотирот асар деб бўлмайди, хотираларда биз дадил мулоҳаза, нозик мушоҳада, чуқур таҳлил, шахс, воқеликка юз-хотирсиз баҳо бериш ҳолларини кўрамиз, қисқа қилиб айтганда, бу интеллектуал проза унсурларини ўзида мужассамлаштирган реал ҳаётнинг бадиий-публицистик баёни, ифодасидир.

Журналистлар содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида энг кўп, ноёб, ҳатто айрим пайтларда кўпчиликдан сир сақланган маълумотларга ҳам эга бўладиган касб эгаларидир. Сезилиб турибди, асар Шароф Рашидовни кўрган, билган, у киши билан бевосита мулоқотда бўлган одам томонидан ёзилган. Хотираларни ўқиб Шароф Рашидовнинг қиёфаси кўз олдимизда яққол намоён бўлди. Бу журналистнинг ҳаётий образларни яратишдаги маҳоратидан, воқеа-ҳодисаларни баён этишда воқеликка, фактларга, ҳужжатлиликка қатъий риоя қилганлигидан далолат.

Машҳур рус журналисти Анатолий Агроновский журналист касби ҳақида гапира туриб шундай деган эди: кўрдим, эшитдим, тахмин (тасаввур)

¹²⁶ ЎЗА Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят //www.Uza.uz

килдим. Ҳақиқий журналист ана шундай ижод қилади¹²⁷. Ҳар гал ҳам барча воқеа-ходисаларни кўриш ёки эшитишнинг иложи йўқ. Мумкин ҳам эмас. Ана шу пайтда бўлажак журналистик асарнинг етмаётган халқаларини тиклаш, воқеани тўла тасаввур қилиш ва қоғозга туширишда ижодкорнинг тасаввури, тахмини ёрдамга келади. Хотираларда берилаётган ҳам ноёб, ҳам кизиқарли воқеа-ходисаларнинг кўпини муаллифнинг ўзи шоҳиди, гувоҳи бўлган - кўрган, эшитган, иштирок этган. Воқеа-ходисаларнинг етмай қолган халқаларини эса Аграновскийнинг таъбири билан айтганда, у илҳом ва мантикнинг изчил қонун-қоидалари асосида тахмин қилади, кўз олдига келтиради ва қоғозга туширади. Тўғри, тахмин қилишда ҳақиқатдан четга чиқиш, адашиш ҳоллари юз бериши ҳам мумкин. Лекин изламаган йўлни, ечимни топа олмайди. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, мазкур асарда муаллифнинг кўргани, эшитгани қандай жозибали бўлса тахмини ҳам шунчалик мантикий асосли, ишонтирарли ва мароқлидир.

Журналистнинг ҳар нарсадан ҳам муҳим бўлган битта вазифаси, бурчи бор. У ҳам бўлса воқеани ёритишда ҳақиқатни мезон қилиб олиш, унга ёлғонни аралаштирмаслик, бирон-бир шахс, у ҳатто катта лавозимдаги амалдор бўлса ҳам, бир тарафнинг, бир томоннинг ёки доира-давраларнинг таъсирига тушиб қолмаслик, ҳеч кимнинг ёнини олмай ўзининг фикрини айтиш, одил хулосасини чиқариш (сабаби, у ёзган сўзлари учун виждони, халқи, қонун олдида жавоб беради), қаҳрамони қандай бўлса, худди шундай тасвирлаш, воқеа-ҳодиса қандай кечган бўлса, худди шундай оғишмай акс эттиришдир.

Асар, айниқса, миллий журналистикамиз амалиётида кам учрайдиган мавзулар ва уларнинг дадил чуқур публицистик таҳлили билан диққатга сазовордир. Хотирада ёдга олинаётган воқеа-ходисаларнинг кўпчилиги бугун халқимизнинг, давлатимизнинг тарихига айланиб, қўлланма-ю дарсликларга кирган.

Асардаги Шароф Рашидов ҳаётига оид айрим воқеа-ходисаларга

¹²⁷ ЎЗА Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят.// www.Uza.uz

муаллифнинг ўзи бевосита шохид бўлмаган, бу ҳақда маълумотни ўзга, лекин ишончли манбалардан олган, айрим воқеаларнинг гувоҳлари қолмаган, уларни тасдиқлаб ҳам, инкор этиб ҳам бўлмайди. Ана шундай воқеалар баёнида биз муаллифнинг хотирасига, ростгўйлигига, ҳақиқатпарварлигига ишонамиз, таянамиз.

Хотираларда, шунингдек, муаллифнинг Шароф Рашидов билан бўлган бевосита учрашувлари, мулоқотлари, кузатувлари, у киши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, олган таассуротларини чиқарган хулосалари ўрин олган¹²⁸. Асарнинг тили, баён услуби, баҳолаш мезонлари биз кўникиб қолган услубдан биров фарқ қилади. Унда Москва Марказий телевидениеси, хорижий оммавий ахборот воситалари, рус ва ғарб журналистикасининг анъаналари кўзга ташланиб турибди.

А. Ф. Кони ё нотиқ ва публицистлар учун уч шартга риоя этиши кераклигини тавсия қилади: “Сўз юритмоқчи бўлган мавзунини батафсил ва аниқ билиш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини англаш керак. Она тилини билиш, унинг сўз бойлиги ва ўзига хос усулларида фойдаланиш зарур (бунинг учун эса адабиёт дурдоналари билан ошно бўлиш муҳим). Ниҳоят, ёлғон гапирмаслик, ҳис-туйғу, хулосалар самимий бўлиши керак¹²⁹.”

Хулоса қисмида, маддоҳларга қарата бир ривоятни келтириб ўтамиз. Баъзи бир маддоҳларга ҳақиқатдан мадҳ қилиб, турган одамларнинг ўзлари раддия берган ҳолатлари ҳам бўлган экан. Бир одам Ҳазрати Али (р.а)нинг доим сўкиб ёмонлаб юрар экан. Бундан ҳазрати Алининг хабарлари бор экан. Бир мажлисда юзма-юз кўришиб ўтирганда ҳалиги маддоҳ роса ҳазрати Алини мақтаб қолибди. Шунда Али(р.а) уни тўхтатиб туриб: “Мен ҳозир сен айтганчалик масман. Лекин қалбингда сақлаб турган нарсангдан устунман”, – деган эканлар.

¹²⁸ ЎЗА - Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят. // www.Uza.uz

¹²⁹ Нестеренко Ф. П., Маматова Я. М. Ҳуқуқий журналистика: кеча ва бугун. –Т.: ЎЗМУ, 2011. –Б. 133-134.

ХУЛОСА

Авлодлар шаклланишида улар улғаяётган давр муҳити билан бир каторда, соҳада ижодий салоҳият ажралиб турган устозларнинг таъсири ҳам кучли бўлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар Мураббийси юксак унвон соҳиби Сайди Умиров ҳам ўз даврида етук устозлардан таҳсил олиб, камолот сари юксалди.

Таниқли олим, журналист Сайди Умиров ижоди ва фаолияти ҳақида сўз юритганда ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда ҳар ишда бизга ўрнак публицист, мунаққид устоз намоён бўлади. Публицист маҳорати энг аввало, янгиликни, муаммо, ҳодисани таҳлил қилиши, тасвирлаб беришидир. Муаммосиз публицистика умуман бўлмайди. Биз ҳозирги кунда кўпинча, ишонтириш ўрнига декларация ва қандайдир қоғозга туширилган ёлғон ҳисоботлар билан машғулмиз. Публицистика бу – кураш, ҳаётимиздаги янги нарсаларни барқарор этиш, олға боришимизга тўсиқ бўлаётган иллатларга барҳам бериш демакдир.

1. Журналистика таълими тизимида, журналистика илмида ва катта публицистика жабҳасида касбий тажрибага эга бўлган, республикамизнинг етакчи газета ва журналларида ўзининг бетакрор услуби билан ажралиб турадиган устоз журналист Сайди Умиров ўзининг муносиб ўрнига эга. Уларнинг публицистик, илмий ва мунаққидлик ижодининг марказида ижодкор шахс, Ватанимиз адабиёти ва танқидчилигининг йирик намояндалари фаолияти, жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган ёзувчи Чингиз Айтматов ижодий лабораторияси туради. Устознинг юзлаб публицистик мақолалари республикамизнинг “Хуррият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Гулистон”, “Санъат”, “Тафаккур” каби етакчи газета ва журналларида чоп этилган. Сайди Умировни ҳаётнинг ўзи унинг табиатини, феъл-атворини чархлаб ўстирди ва бугунги журналист-публицистлар учун хос бўлган характерга эга эканлиги исботлади. Бу атамаларни оригиналлик даъвосида ишлатмаган. У мунаққиднинг замонавий

онг, кенг тафаккур даражасида қарашларини таҳлил-тадқиқ этиб бера олган олимдир. Шунингдек, бетакрор ҳикоянавис, қиссанавис, драматург, моҳир танқидчи, публицистлигини исботлаб берган бадиий йўсиндаги мунаққид ҳамдир.

2. Сайди Умировни илм чўққисини забт этишлигида устози Ғайбулла ас-Саломнинг ўрни чексиз. Унинг ҳамкорлар, дўст ва шогирдлар, устозлар ҳақида ёзганларидан доим ижодий эҳтиёж, самимият, ички бир одоб, фикрлаш маданияти балқиб туради. Устози билан ҳамкорликда ёзилган икки марта нашр этилган “Толибнома” бошқа бир номи “Мураббийнома” китоби маъносида ҳам қабул қилиниши мумкин. Ҳали илмий даражаси бўлмаган оддий домладан профессор ва таниқли публицист мақомига эришгунча Сайди Умиров ўз устози кўрсатган йўлдан адашмай келди. Ғайбулла ас-Саломнинг ҳар бир ўғити, ҳар бир сабоғи Сайди Умиров фаолиятида аниқ из қолдирди.

3. Сайди Умиров публицистикаси Ватанга кучли муҳаббат туйғусига қорилган. Унинг она диёрига бўлган меҳри мақолаларида чизган тимсол ва умумлашма образларда, ватандошларимизнинг қиёфаларида, давр нафасини, миллат тараққиётидаги бурилиш онларини чуқур ҳис этишда ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси қурилиш объектларининг қад кўтаришидаги замондошларимиз қаҳрамонлигини кўрсатиш, кўплаб янги кўприк ва транспорт коммуникацияларининг шиддат билан барпо этилишини аниқ далил ва фактларни бўрттириб кўрсатиш воситасида ўқувчилар кўз олдида гавдаланади. Она тимсоли унинг ижодида алоҳида мавқега эгаки, у орқали ижодкор Ватани ва юртига бўлган самимий муҳаббатини изҳор этади. Публицистнинг юртимиз раҳбарлари ҳақидаги ижодий асарларида миллий давлатчиликни барпо этишдаги машаққатлар, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, тарихимиз ва маданиятимизни улуғлаш ғоялари ўз аксини топган.

4. Сайди Умиров публицистикасида ижодкор шахс образи онг билимимизни бойитади, янги фактлар, тасаввурлар пайдо қилади,

шууримизда илиқ ҳислар, эзгу туйғулар уйғотади. Ҳозирги пайтда муаммоли, таҳлилий публицистикага эҳтиёж, зарурат айниқса кучаймоқда. Сайди Умиров кўрганларини борица ёзади, ғараз, хасад, нафрат ва ёмонликни билмайди, зўрма-зўраки ёзолмайди. Айниқса, ёлғон ҳақида ҳатто ўйламайди ҳам. Публицист ижодкор шахсларнинг образларини маромига етказиб таърифлайдиган тадқиқотчи. Унинг қаҳрамонлари сарасига таниқли ижодкорлар Ғайбулла ас-Салом, Асил Рашидов, Ўткир Ҳошимов ҳамда хориж публицисти А. Аграновскийлар киради. Уларнинг ижодий фаолиятини оддий ўқувчига манзарали тарзда етказиб беришда суҳбат, эсдаликлар, иқроп шаклидаги материаллар имкониятидан кенг фойдаланади.

5. Сайди Умиров публицистикасининг яна бир асосий қаҳрамони Чингиз Айтматов ва унинг ижоди ҳисобланади. Жумладан, Чингиз Айтматовнинг илмий-танқидий тадқиқотларини бадиий-публицистика деб асосли тарзда таърифлаганлар. Сайди Умиров асарларида Чингиз Айтматов ижодида бошқа ижодкорларга хос бўлган жиҳатлари билан биргаликда унинг такрорланмас феълини мужассам этишга эришилган. Адибнинг инсонга бўлган ишончи, соғлом миллатчилик ғоясини илгари суриш, суҳбат ва нутқларида умумбашарий миқёсдаги муаммоларни табиат, миллий ҳаёт манзаралари орқали кўрсатиб бериши, кутилмаган далил ва мисолларни ўртага ташлаши Сайди Умиров асарларида ўз ўрнида ва нозик дид билан қўлланилган. Сайди Умиров публицистикасида Чингиз Айтматов том маънода келажакнинг ҳақиқий умумбашарий фуқароси сифатида гавдаланади.

6. Сайди Умиров публицистикасининг руҳияти ўзига хос мушоҳада юритиш усулида ифодаланади. Ижодкорнинг мушоҳадалари сўзнинг кувватига, унинг мазмунлари сержилолигига таянади. Сайди Умиров публицистикасида кенг бадиий тасвирлар, қаҳрамонларни характерларини очиб беришда ноёб детал ва жиҳатларга эътибор беришлари, ҳатто табиат нафасини ҳис этиш ва уни сўзлар билан ифодалашда кўриниб туради. Ҳар бир мақолада ўзини такрорламай, янги фикр бериши, ўқувчининг фикрини уйғотишга қаратилган мурожаатлари, бунда алоҳида поэтика воситалари

қўлланиши кўзга ташланади. Жўн ҳолат ва жараёнларни нозиктаъб ва эҳтиёткорлик билан ўқувчига тушунтиришга ҳаракат қилади.

7. Сайди Умиров публицистикасининг жанрий жиҳатдан кўпроқ адабий-бадий тадқиқот ва адабий-бадий танқидий мақолалар, йўл кузатувлари, публицистик репортаж, портрет-очерк ва лавҳалар, эссе, публицистик хатлар ва хотиралар ташкил этади. Улар публицистика жанрлари назарияси ва амалиётига ҳаёт ҳақиқатини акс этишда, қаҳрамонлар образларини типиклаштиришда энг яхши замонавий намуналардан ҳисобланади. Гарчи ушбу жанрлар назарияси нисбатан барқарор чизгиларга эга бўлса ҳам, Сайди Умиров бадий публицистикаси мавжуд назарий қарашларни айнан амалиёт нуқтаи назаридан бойитади ва маълум маънода янгилайди ҳам.

8. Сайди Умиров публицистикасининг яна бир аҳамиятли жиҳати унинг бетакрор тили ва услубида намоён этади. Сўз билан ишлаш санъати ижодкор чиқишларида юксак даражага кўтарилганини кўриш мумкин. Атрофлича ассоциациялар, ўхшатмалар, метафоралар, метонимия ва гипербоалар, тилнинг фонетик ва орфографик имкониятларидан унумли ва кенг фойдаланиш унинг асарлари асосини ташкил этади. Публицистнинг сарлавҳа танлаш маҳоратига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мунаққиднинг фразеология, сўз бирикмалари, жарангли ҳарфларни ўз ўрнида қўллаши, сўзни такрор ва янги кўринишда ифода этиш маҳорат калитлари ҳисобланади. Муаллифнинг неологизмлари, жумладан равонлик, тиниқлик ва мантиқий изчилликни таъминлаш матнга ўзига хос жозиба беради.

Юқоридагиларга таяниб ва тадқиқотда қўйилган илмий муаммо ечими борасида қуйидаги тавсиялар илгари сурилади:

- Сайди Умиров публицистикасининг ўзига хослиги, тили ва танқидчилик фаолиятига оид алоҳида рисоалар чоп этиш;

- республикамиздаги журналистика факультетлари бакалавр ҳамда магистратура тизимида бадий публицистика бўйича умумий ва махсус курслар таркибига ижодкорнинг публицистик фаолиятига оид маъруза ва ўқув-материаллари билан бойитиш;

- Сайди Умиров ва у билан сафдош бўлган публицистлар ҳақида ихтисослашган матбуот нашрлари, телевидение ва радиода туркум материаллар бериш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.// Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// www.Lex.uz. 07/ 02/ 2017.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// www.uza.uz 22-12-2017

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари

- 2.1. Мирзиёев. Ш. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
- 2.2. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти гарови. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017.
- 2.3. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.//www.president.uz 27.06.2017.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи.// www.uza.uz
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.// Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// www.Lex.uz.

III. Махсус адабиётлар

- 3.1. Асил Рашидов сафдошлари ва замондошлари (А 83 нигоҳида) / тўплаб, нашрга тайёрловчилар: С. Умиров, И. Рашидов. – Т.: O`zbekiston, НМИУ, 2011.
- 3.2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. – Т.10. – Т.: Фан, 1992.
- 3.3. Аҳмад Муҳаммад Турсун. Абу Ҳомид Ғаззолий [Матн].// Тасаввуфий

хаёт. – Т.: QAQNUS MEDIA, 2017.

- 3.4. Дўстқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи. – Т.: Фан, 2009.
- 3.5. Дўстмухаммадов Х. Ахборот- мўъжиза, жозиба, фалсафа /масъул муҳаррир Ф.Мўминова. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.
- 3.6. Ирназаров Қ.Т. ва б. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: МРС-Ташкент, 2002.
- 3.7. Ирназаров Қ.Т. ва б. Ҳозирги замон журналистика. Ўқув қўлланма. – Т.: Aloqachi, 2008.
- 3.8. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 3.9. Маънавият гулистони, Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасида эълон қилинган публицистик мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир А. Мелибоев. –Т.: Шарқ НМАК, 2002.
- 3.10. Нестеренко Ф. П., Маматова Я. М. Ҳуқуқий журналистика: кеча ва бугун.–Т.: ЎзМУ, 2011.
- 3.11. Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализма, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Ч.1.- Т.: Зар калам, 2002.
- 3.12. Умарова Ё.Ўзбекистон адабий - бадиий нашрларида танқидчилик муаммоларининг ёритилиши (Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналлари материаллари мисолида) Маг.дисс-Т.:ЎзМУ, 2013.
- 3.13. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008.
- 3.14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ёлғон – Т.: Hilol-Nashr, 2018.
- 3.15. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004.
- 3.16. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Асарлар. 1-китоб. Эй, умри азиз.// Ҳар бир шахсда миллат яшайди. –Т.: Шарқ. 1996.
- 3.17. Ғайбуллоҳ ас-Салом.// Асарлар. 1-китоб. Эй, умри азиз. – Т.: Шарқ, 1996.
- 3.18. Ғайбулла Ас-Салом, Сайди Умр.Толибнома (Сени ўйлайман болам.).Т.:

- Шарқ.1996.- Б. 160 (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги)
- 3.19. Умиров С. Мавжланиб оқаётган дарё.// Дорилфунунлар тақдиримда. Дўстқораев Б., Хуршид Дўстмуҳаммад. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 3-5.
- 3.20. Умиров С. Ўзим ҳақимда.// Дорилфунунлар тақдиримда.– Т.: Шарқ, 2008. –Б. 299-317.
- 3.21. Умиров С. Публицист сабоқлари.// Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 111-126.
- 3.22. Умиров С. Истеъдодни англаш бахти.// Дорилфунунлар тақдиримда.– Т.: Шарқ, 2008. –Б. 25-40.
- 3.23. Умиров С. Самимиятга йўғрилган ижод.// Маънавият мулкига саёҳат. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 105-110.
- 3.24. Умиров С. Мулоқот мавзуси. Маънавият.// Маънавият мулкига саёҳат. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 152-198.
- 3.25. Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат: (публицистика, тадқиқотлар, хотиралар) // Муқаддима. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 3-8.
- 3.26. Умиров С. Ўткир мақоланавис.// Маънавият мулкига саёҳат. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 23-28.
- 3.27. Умиров С. Суратга кўчган сийратлар.// Маънавият мулкига саёҳат. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 138-151.
- 3.28. Умиров С. Адабиёт. Ҳаё. Маънавият.// Маънавият мулкига саёҳат. –Т.: O'zbekiston, 2013. –Б. 29-54.
- 3.29. Умиров С. Миллий маданиятлар ривожига танқидчиликнинг роли. – Т.: Шарқ, 2007.
- 3.30. Умиров С. Истиқбол арафаси, Истиқбол нафаси, (“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини қайта ўқиб).// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон. –Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. –Б. 19-29.
- 3.31. Умиров С. Сардорлардан бири.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.

- Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. —Б. 6-18.
- 3.32. Умиров С. Қонун, Имон, Эътиқод.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.
Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. —Б. 30-35.
- 3.33. Умиров С. Улуғ ёшли йигит.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.
Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZORINVEST, 2017. —Б. 404-405.
- 3.34. Умиров С. Уйимизнинг тўри сизнинки.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.
Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: «BODOMZORINVEST», 2017. —Б. 420.
- 3.35. Умиров С. Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZORINVEST, 2017. —Б. 249-260.
- 3.36. Умиров С. Тархи тоза публицистика.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.
Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. —Б. 300-312.
- 3.37. Умиров С. Фотопублицистика ва бадиий публицистика.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр. Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. —Б. 384-386.
- 3.38. Умиров С. Яна гол кайғуси.// Сехрли ва меҳрли сўз.// Давр.
Публицистика. Қаҳрамон. —Т.: BODOMZOR INVEST, 2017. —Б. 177-178.

IV. Рус тилидаги адабиётлар

- 4.1. Белоусов В. Газета под присмотром власти-это муляж.// Журналист. 2015. № 5.
- 4.2. Расстояние между прессой и властью стало космическим.// Журналист. 2015. № 5.

V. Газета ва журналлар

- 5.1. Халқ сўзи, 2010, 13 ноябрь.
- 5.2. Ўзбекистон матбуоти // Маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журнал.// Сарлавҳадан бошланган самимият. № 4-6 2017; 2016, 3-сон.
- 5.4. Ўзбекистон овози, 2016, 20 октябрь.
- 5.5. Ҳуррият. 2017, 6 декабрь; 2018, 14 февраль; 2018, 21 февраль.

VI. Интернет манбалари

6. 1. [www. adolat.uz](http://www.adolat.uz)
6. 2. [www. ijod.uz](http://www.ijod.uz)
6. 3. [www. ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)
6. 4. [www. kun.uz](http://www.kun.uz)
6. 5. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
6. 6. [www. president.uz](http://www.president.uz)
6. 7. [www. saviya.uz](http://www.saviya.uz)
6. 8. [www. sputniknews-uz.com](http://www.sputniknews-uz.com)
- 6.9. [www. Uza.uz](http://www.Uza.uz)
6. 10. [www. sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)